O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **22** декабрь, жума № **51** (2178).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **22** декабря, **2006** год, № **51** (2178).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда унинг Тошкент ва Жиззах вилоятлари бўйича ҳудудий бошқармаларида "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур идора ва унинг ҳудудий бошқармаларининг бу соҳадаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-335-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги ПҚ-407-сонли қарорларида белгилаб берилган вазифалар нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилинди.

Сенат қўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзолари, ушбу идора, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг ахбороти тингланди, юқорида тилга олинган қонун талабларига мувофиқ мулк шаклларини ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун қабул қилинганидан бери 84,0 мингдан кўпроқ давлат корхонаси ва объекти хусусийлаштирилиб, уларда 940 минг нафардан ортиқ жисмоний шахс қимматли қоғозларнинг эгалари бўлди.

Шу билан бирга сенаторлар амалга оширилаётган ишларда муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини қайд этдилар. Давлат мулки бўлган объектни, уни сотишга тайёрлаш шарт-шароитларини етарли даражада тўлиқ ўрганмаслик ва баҳоламаслик ҳоллари давом этмоқда. Инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан хусусийлаштирилган корхоналарни мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизими инвестиция мажбуриятларини такомиллаштиришни ва молиявий барқарорликни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмлари ва сифати ўсишини таъминлашда уларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишни талаб қилмоқда. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида ошкоралик, адолат ва самарадорлик тамойилларига, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларда мулкни корпоратив бошқариш қоидалари ва талабларига ҳамма вақт ҳам риоя этилаётгани йўқ.

Мажлисда бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви мулкни сақлашга ҳамда уни тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларига янги талаблар қўяётганлиги, бу эса мазкур қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўяётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари бир қатор таклиф ва тавсияларни баён этишди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки Қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, шунингдек, бошқа манфаатдор давлат бошқарув органлари ҳамда нодавлат муассасаларининг вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Само сарҳадларин сарлочини

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сўнгги йилларда қабул қилинган ҳужжатларда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш долзарб вазифа экани кўрсатиб ўтилган.

Йиғилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан мазкур ҳужжатлар асосида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги яққол сезилаётир. Хусусан, мазкур фармон асосида фаолият бошлаган диний - маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар жойларда изчил тарғибот ишлари олиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда бевосита хотин-қизлар қўмиталари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аёллар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш масалалари юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Вилоят бўйича жорий йилда 25 790 иш жойи яратилгани ҳам ана шу ишлар самарасидир.

Шу билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Олтиариқ, Бағдод, Фурқат, Ўзбекистон, Риштон, Қува туманларида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва бошқа иллатлар кўпайиб бораётгани таассуф билан қайд этилди. Баъзи шаҳар ва туманларда соғлом оила, юксак ахлоқий ва маънавий муҳитни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кутилган самарани бермаяпти. Хотин-қизларни иш билан таъминлашда, касаначиликни ривожлантиришда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Йиғилишда ана шу каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаев иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БУЮК МОМОЛАРИМИЗ – СУЮК МОМОЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Асрлар ортида камтарона ижод қилган улуғ шоира момоларимизга бағишланган мақоламиз давомини Моҳларойим –

НОДИРА

шеърияти билан бошлашга қарор қилдик. Моҳларойим ҳақида сўз кетганда, албатта унинг маърифатпарвар ва адолатли давлат арбоби, беназир ҳассос шоиралиги уйғунликда тилга олинади. Нодирабегим том маънода ўзбек миллатининг улуғвор фахридир. Бунга биринчи сабаб, у ўта зукко ва гўзаллиги, оқила ва билимдонлиги, назм гулшанида танҳолиги билан миллат аёлларининг ҳақиқий вакиласи бўлган бўлса, иккинчи томондан маърифатпарвар ва адолатли малика сифатида илм аҳлига юксак эътибори ва ҳомийлиги, халқ дардига холислик ила ёндашиб уларнинг меҳрини қозонганидир. Биз ушбу суҳбатимизда шубҳасизки, Нодираи давроннинг ижодий фаолиятига тўхталамиз.

1792 йилда Андижонда таваллуд топган Моҳларойим ўн беш ёшида Амир Умархонга узатилади. У шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади. Чунки Умархон ҳам Амирий тахаллуси билан ижод қилган, гўзал шеърлар битган.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



АРМИЯЧИ СПОРТЧИЛАР – ЮРТ ШАРАФИ

Бугун бир нарсани фахр билан эътироф этмасдан бўлмайди. Бу миллий армиямиз қурилишида аввало соғлом муҳитни шакллантиришга, демакки, ўғлонларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига аҳамият қаратганимиз. Бундайин эзгу саъй-ҳаракатларимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳаёт мактабида айнан маънан шаклланиш, жисмонан чиниқиш, соғлом ва баркамол бўлиш учун ҳам минг-минглаб ёшларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишга интилишаётгани ҳақиқат. Ҳа, биз ана шундай миллий армияни шакллантирмоқдамиз.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Ахир, биз танлаган йўлимизнинг бошидаёқ устувор мақсадларимиздан бири сифатида соғлом авлод тарбиясини илгари сурдик. Аниқроқ қилиб айтганда, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимизни маънавий-руҳий жиҳатдан янада соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга устувор эътибор қаратиб келмоқда.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

МАҲОРАТ ЮКСАЛАР – МАРДЛИК ЮКСАЛАР

Қуролли Кучларимизда кечаётган ислоҳотлардан кўзлаган мақсадимиз, ниятимиз тинчлигимиз, хавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришдир. Армияни, жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни юксалтирадиган куч эса, табиийки унинг сафларида хизмат қилаётган фидойи инсонлар – ҳарбийларимиздир. Демак, уларнинг маҳорати ошса, Қуролли Кучларимиз жанговар қудрати янада шаклланган, мудофаа салоҳиятимиз юксалган бўлади.

Яхши биламизки, қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришлари учун маҳорат керак. Замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа ҳисобига моддий-ўқув базамиз шаклланаётган экан, демак, уларни моҳирона бошқариш учун ҳам маҳорат зарур. Ҳар қандай тактик ҳолатда энг мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, сон жиҳатдан катта бўлмаган, тезкор ва ихчам бўлинмаларни шакллантириш учун ҳам керак, маҳорат.

2004 йилнинг февралида Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» танловидан кўзланган мақсад ҳам жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни оширишга қаратилган. Эндиликда анъанага айланиб қолган мазкур танлов ҳарбий хизмат нуфузини янада оширмоқда. Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантиришга хизмат қиляпти. Кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбийларимизнинг касбий ўсишларини рағбатлантириб, уларнинг интеллектуал салоҳиятлари, етакчилик сифатларини шаклланишига, қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳитини яратишга, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда, танлов.

Яқинда танловнинг бу йилги якуний босқичи ниҳоясига етиб, «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» номинацияларида ғолиблар аниқланди. Яъни ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбийликни Ватан, халқ олдида муқаддас бурч, деб биладиган мардлар сараланди.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, мазкур танлов она Ватан ҳимоячиларининг юксак ақл-заковатга, интеллектуал салоҳиятга, мустаҳкам иродага, ўз халқига садоқатдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлиб келмоқда. Ҳарбий маҳорат, жанговар қудрат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямизни шакллантиришимизда устувор аҳамият касб этяпти.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



УСТУВОР МАҚСАДЛАР УЙҒУНЛАШГАН

Йиллар бир-бирини қувалаб ўтиб бормоқда. Чопағон йиллар,чопағон вақтни гоҳо биз қувлаймиз, гоҳо улар бизни қувалайди. Шу зайлда кўз очиб, юмгунча умр ўтиб боряпти. Инсон ҳар бир йилдан мазмун-моҳият топишга уринади. Ҳаётимизни, турмушимизни яхшилаш йўлида нима қилишимиз лозим, нималар қила олдик, деган саволни учқур отда елиб борадётган йиллар мисолида кўрамиз. Мана, яна бир йилни ортда қолдирмоқдамиз. Ўз-ўзингизга бу борада савол берасиз, азиз юртдош, замондош,

Шуни таъкидлашни истардимки, истиқлолга эришганимиздан сўнг ўзимизга хос бир анъанага асос солинди. Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ном бериб, муайян ва аниқ мақсадлар йўлига интилишларимизни йўналтирдик. Оила йили, Инсон манфаатлари йили, Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили, Сиҳат-саломатлик йили ва ҳоказо.

Мустақил тараққиёт йўлида танлаган бош ғоямиз бор. Бу мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ана шу бош ғоядан келиб чиқади.

(Давоми 8-бетда).


2 ВАТАН ҲИМОЯСИ – УМУМХАЛҚ ИШИ
МУДОФАА САЛОҲИЯТИДАГИ МУҲИМ ОМИЛ


4 ШАКЛЛАНИШ ОДИМЛАРИ
ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ


10 ТЕНГДОШ
ЎЗБЕКИСТОННИ УЛУҒЛАЁТГАН ҲАРБИЙЛАРИМИЗ


11 ТАНЛОВ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ВАТАН ҲИМОЯСИ – УМУМХАЛҚ ИШИ

МУДОФАА САЛОҲИЯТИДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшларни жисмонан бақувват, маънан етук, ватанпарвар бўлиши, ҳаётдан ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида улкан ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида миллий армиямиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бу борадаги устувор вазифаларни санар экан, уларни бажаришнинг асосий шарти сифатида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич, тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат марказида бўлишини таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, ана шундай изчил, тизимли равишда амалга ошаётган ислоҳотлар кун сайин миллий армиямиз нуфузини оширяпти, десак муболаға бўлмайди. Таъкидлаётганимиз шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Масалан, биргина муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитларни олайлик. Барча қулайликларга эга ётоқхоналар, замонавий спорт тренажёрлари, маиший воситалар дейсизми — бари-бари аскарлар учун муҳайё. Озиқ-овқат таъминоти янада яхшиланиб, кундалик озиқланиш меъёрларига турли шарбатлар, сут маҳсулотлари, дармондорилар қўшилганини, бошқа маҳсулотларнинг ҳам миқдори оширилганини таъкидлаш жоиз. Аскар ошхонасига кирсангиз, шароитлар уйдагидан-да зиёда эканлигига амин бўласиз. Жорий йилнинг баҳоридан бошлаб эса, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар хизматдан уйларига янги кундалик-парад либосларида қайтмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кийим-кечак таъминоти бошқармаси, тажриба-конструкторлик бюроси вакиллари ва саноат корхоналаридан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар дизайн нуқтаи назаридан замонавий, ихчам, қулай ва сифатлидир. Бир неча чақирувдан бери йигитларимиз муддатли ҳарбий хизматга «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» деб ёзилган спорт либослари билан кузатилмоқда. Хўш, бундайин эътибор, бундайин ғамхўрликлар нимадан далолат беради?

Яхши биламиз. Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – армиямиз сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Таъкидлаш лозимки, ислоҳотлар жараёнидаги бундайин ўзгаришлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги ана шундайин инсонларнинг манфаатига қаратилган. Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда замон талабларига жавоб берувчи кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, қурол-аслаҳа, техникалар, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмалари учун муайян бюджет маблағлари сарфланмоқда. Демакки, бу Ватанни кўз қорачиғидек асрашга интилиб, сарҳадларда мардонавор турган мардлар давлатимизнинг, халқимизнинг доимо эътиборида, ардоғида, дегани. Қолаверса, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантираётган эканмиз, моддий-техник, ижтимоий-маиший таъминотга улкан эътибор қаратилиши турган гап. Ҳа, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масала миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишда муҳим омиллардандир.

Шу ўринда яна бир масалага диққатни қаратмоқ керак. Бу ажратиладиган бюджет маблағларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланишдир. Токи бу маблағлар Қуролли Кучларимизнинг қудратини, жанговар имкониятларини, шахсий таркибнинг жанговар руҳини оширишга хизмат қилсинки, пировардида бу давлатимиз қудратини, Ватанимиз равнақини таъмин этсин. Ёки содда қилиб айтганда, ажратилажак ҳар бир сўм жанговар қудратимиз ошишига хизмат қилсин.

Яқинда Марказий офицерлар саройида Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар намуналарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Илк бор ўтказилган мазкур кўргазмада Мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирок этиб, бундан кўзланган устувор мақсад ва вазифаларни алоҳида таъкидлади. Ҳарбий хизматчиларга замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, қўшинларнинг моддий-ўқув базасини замон талаблари асосида шакллантириш борасида Қуролли Кучларимизда улкан ишлар амалга оширилаётганига урғу берди.

> ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ АҲВОЛИНИ, ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛЛАРДАНДИР.

Кўргазмада нафақат мамлакатимиз корхоналари, балки ривожланган давлатлар фирма ва компаниялари, уларнинг дистрбютерлари иштирок этишди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, электрон, муҳандислик жиҳозлари, замонавий тиббиёт ускуналари, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари, қўйингки, посбонларимиз учун зарур нарсаларнинг бари бор. Очиқ, ошкоралик тамойили остида ўтган кўргазма ўзаро соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилиши, натижада Қуролли Кучларимизга юксак талабларга жавоб берувчи, сифатли маҳсулотлар етказиб берилишига хизмат қилади. Ҳа, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу. Харидор сифатли, талабларга, андозаларга тўла мувофиқ келувчи маҳсулотни танлайди.

Очиғини тан олиш керак. Айрим ишлаб чиқарувчиларда армия эҳтиёжларидан ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уриниш ҳам йўқ эмас. Акс ҳолда ишлаб чиқаришаётган моддий воситаларида қатор камчиликлар бўлмасди. Ахир, ўз ўғлонларимизни, Ватан посбонларини, тинчлик-осойишталигимиз сабабчиларини алдаш ўзимизни алдаш-ку. Ахир, сара, сифатли маҳсулотлари, товарлари билан мудофаамиз қудрати шакланишига ҳисса қўшишдан ҳам улуғвор, устувор иш борми?! Ишончимиз комилки, очиқ, ошкора ва соғлом рақобат остида ўтган кўргазма бундайин камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Яна бир пойабзал ишлаб чиқарувчи корхона – «Ада линк сервис» ҳарбийларимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилмоқда. «Мудофаа вазирининг маърузасини эшитдик. Унинг ўртага қўяётган талаблари жудаям ўринли. Ҳаётини, тақдирини ҳарбийлик касби билан боғлаган мардларимиз сифатли маҳсулотлар билан таъминланмоғи лозим. 3-4 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Тинчлигимиз посбонларига маҳсулотлар етказиб бериш биз учун шараф. Демакки, бу билан мудофаа салоҳиятимиз ошишига озгина бўлса-да, ҳисса қўшган бўламиз. Ўйлайманки, ҳамкорлигимиз янги-янги босқичларга кўтарилади», – дейди корхона директори Файзулла Содиқов.

«Ўзкимёфарм» очиқ жиссадорлик жамияти наъматак мевасидан тайёрланган шарбат, аскорбинка кислотаси билан ҳарбийларимизга таниш.

«Биз Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликни давом эттирмоқчимиз. Посбонларимиз энг сара дармондорилар билан янада кучли, янада бақувват бўлмоғи керак. Биз ана шундан манфаатдормиз. Мана, кўргазмага йод танқислигининг олдини олувчи препаратларимизни қўйганмиз. Улар борасида ҳам таклиф киритиш ниятидамиз», –дейди жамиятнинг маркетинг ва сотув бўлими бошлиғи Бахтиёр Ваҳобов.

Ўзбекистоннинг «Алтромарк лтд» корхонаси таклифлари ҳам кўпчиликни қизиқтирди. Корхона вакиллари ҳарбийларимизнинг дала шароитига мослаб автомобиль ишлаб чиқаришган. Ҳозирда бу лойиҳа ўрганилиб чиқилмоқда. «Бедуин», «Мерган» дея номланувчи бу автомобиллар синовдан муваффақиятли ўтса, ишлаб чиқарилиши мумкин.

Кўргазмада Андижоннинг «Оқ сув» фермер хўжалиги ҳам маҳсулотлари билан қатнашди.

– Аскарларимиз дастурхони тўкин бўлса, сифатли маҳсулотлар билан бойиса, биз хурсанд бўламиз. Демакки, осойишталигимиз посбонлари бақувват, баркамол бўлишади. Ана шунда маҳоратда, матонатда ҳеч кимдан кам бўлишмайди. Сут , гўшт, полиз маҳсулотларини таклиф қиляпмиз. Ҳарбийларимиз билан ҳамкорлик ўрнатиб, миллий армиямиз мудофаа қудратига қудрат қўшолсак, биз учун бу фахр, ғурур бўларди, – дейди хўжалик раҳбари Алижон Аҳмедов.

«Санам» шўъба корхонасининг раҳбари Толиб Ёдгоров ҳам суҳбатимизга қўшилди: «Мудофаа вазирининг билдирган фикрларига юз фоиз қўшиламан. Айниқса, корхона билан унинг таннархидан юқори баҳода шартнома имзоланмаслиги жудаям ўринли. Сифат борасида билдирган фикрлари ҳам асосли. Бу табиийки, соғлом рақобатни шакллантиришга, армиямизнинг янада сара, янада сифатли маҳсулотлар билан таъминланишига замин яратади.

Илгари тендер тахминан март ойларида ўтказиларди. Натижада айрим корхоналар шартномаларни ўз вақтида бажара олишмасди. Янги йил арафасида ўзаро шартлашиб олиш икки томон учун ҳам манфаатлидир. Шу маънода Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан ўтказилаётган бундайин кўргазма ҳар томонлама эътиборга лойиқ. Корхонамиз брезент, муҳандислик ишлари учун зарур воситалар ишлаб чиқаради. Маҳсулотларимиз билан миллий армиямиз ривожига озгина бўлса-да улуш қўшолсак, мақсадимизга етган бўлардик», –деди жумладан у.

Очиғи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг кўргазмага қўйишган маҳсулотлари, товарлари сифати, дизайни, замон андозаларига жавоб бериши билан кўпчиликнинг ҳавасини келтирди. Улар ҳеч қайси ривожланган мамлакатнинг маҳсулотларидан қолишмайди. Энг муҳими «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиғи бор. Бу ҳам бўлса ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, кам бўлмаслигимизни кўрсатади.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», деган пурмаъно гаплари бор. Бу армия ҳар бир давлатнинг, миллатнинг ғурури, ор-номуси, шаън-шавкати деганидир. Ишончимиз комилки, Қуролли Кучларимиз эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етказиб бериш умидидаги ишлаб чиқарувчилар буни теран англаб, миллий армиямизнинг, демакки, давлатимиз, миллатимиз ғурури, шаън-шавкати янада юксалишига беқиёс ҳисса қўшишади.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.



Конкурс на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах

ПОЛИГОН НАЗЫВАЕТ ПОБЕДИТЕЛЕЙ

Финишировал республиканский тур конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах Республики Узбекистан. Горный полигон в течение нескольких дней был местом напряженной борьбы между конкурсантами, оспаривавшими звания победителей в номинациях «Лучший сержант», «Лучший командир группы», «Лучший командир взвода» и «Лучший командир батальона».



Впрочем, приехавшие сюда уже были лучшими. Ведь они победили в состязании внутри своих воинских частей, прошли жесткое сито отбора на окружном этапе, а теперь в ходе республиканского тура демонстрировали свое воинское и командирское мастерство в споре с представителями других округов и подразделений силовых структур.

Огромную воспитательную роль проводимого в Вооруженных Силах состязания на звание лучшего по профессии невозможно переоценить. Ведь собравшиеся на этом полигоне военнослужащие добивались этого почетного права в течение всего учебного года, их успех складывался из больших и малых достижений в ходе ежедневного ратного труда частей и подразделений. Труда над повышением боевой выучки подчиненного личного состава, укреплением воинской дисциплины и улучшением организации службы войск, личной командирской грамотности каждого военнослужащего командного звена, профессионального уровня классных специалистов.

Основной целью привлечения на республиканский тур по нескольку кандидатов на каждую номинацию от военных округов, региональных подразделений Пограничных войск СНБ и других структур и является взаимное обогащение опытом лучших, создание атмосферы войскового братства, честного соперничества, укрепление понимания общности выполняемых Вооруженными Силами задач по обеспечению национальной безопасности.

– В нашем округе было очень трудно выявлять лучших на окружном этапе, – рассказывает представитель Юго-Западного особого военного округа офицер Салаймахсум Шарипов. – Поэтому шанс привезти их на республиканский тур был использован нами сполна, чтобы расширить возможности талантливых офицеров и сержантов еще раз испытать себя в состязании на столь высоком уровне.

– Молодым офицерам, представленным в основном в споре среди командиров групп и взводов, данный конкурс послужил средством повышения их командирского мастерства и профессионального опыта, – добавляет офицер Юлдаш Бекчанов из Восточного военного округа. – Да и для нас даже отдельные недостатки и упущения наших участников дали богатую пищу для размышлений и анализа в плане «работы над ошибками» в целях внесения уточнений и дополнений в последующий ход боевой подготовки.

Кавалеру ордена «Шон-Шараф» II степени офицеру С.Шарипову еще недавно в роли командира лучшей в Вооруженных Силах части приходилось самому основательно заниматься подготовкой своих офицеров. Поэтому и служба его во многом связана с использованием этого богатого потенциала. Традиционно сильны были представители Центрального военного округа. Не сдают позиций и участники из Ташкентского военного округа, ведь именно их офицер Акмаль Ортиков на первом таком конкурсе удостоился звания лучшего командира взвода в масштабе Вооруженных Сил. Организаторы всесторонне приветствовали участие в споре среди командиров групп офицеров из военных училищ. И это оправданно, ведь любой из них может получить назначение на должность в войсках, поэтому участие в конкурсе помогает не оторваться от жизни войск, как говорится, «пропускать через себя» все важнейшие изменения и нововведения.

Впрочем, и представители Северо-Западного военного округа, Караульных войск МВД, Пограничных войск СНБ, других подразделений показали высокий уровень подготовленности и воинской выучки. Широкое применение в боевой подготовке войск последних достижений информационных технологий благотворно сказалось и на данном конкурсе, участники которого уверенно пользовались компьютерными тренажерами.

Итак, победителями третьего, республиканского, тура конкурса на звание лучшего по профессии стали:

ЮЗОВО – «Лучший командир батальона» капитан Мамиржон Ганиев, «Лучший командир взвода» капитан Зомониддин Мавланов, «Лучший командир группы» лейтенант Шерзод Рашидов и «Лучший сержант» младший сержант Баходир Ходжакулов;

ВВО – «Лучший командир батальона» капитан Миразиз Мирахмедов, «Лучший командир взвода» старший лейтенант Равшан Касымов, «Лучший командир группы» лейтенант Андрей Голышев и «Лучший сержант» младший сержант Шохрух Султонов;

ЦВО – «Лучший командир батальона» майор Орифжон Илмияминов, «Лучший командир взвода» старший лейтенант Хуршид Элов, «Лучший командир группы» лейтенант Шерзоджон Умаров и «Лучший сержант» сержант Жасур Рашидов;

ТВО – «Лучший командир батальона» капитан Пулатжон Сотволдиев, «Лучший командир взвода» капитан Анвар Хамидов, «Лучший командир группы» старший лейтенант Саидакбар Юсупов и «Лучший сержант» младший сержант Акбар Тожибоев;

СЗВО – «Лучший командир батальона» майор Тохиржон Юлдашев, «Лучший командир взвода» капитан Акрамжон Косимов, «Лучший командир группы» старший лейтенант Акбар Бахоров и «Лучший сержант» младший сержант Кажмухан Каипов;

ВПВО и ВВС – «Лучший командир батальона» подполковник Холмурат Джураев, «Лучший командир взвода» капитан Сергей Малков, «Лучший командир группы» лейтенант Музаффар Султанов и «Лучший сержант» младший сержант Диер Тухтасинов;

Караульные войска МВД – «Лучший командир батальона» майор Хасан Абдукаюмов, «Лучший командир взвода» старший лейтенант Мирсолих Шерматов, «Лучший командир группы» лейтенант Жасур Сагдуллаев и «Лучший сержант» сержант Хамза Умматов.

Названы также победители в Пограничных войсках СНБ и других подразделениях силовых структур.

Поздравляем всех лауреатов конкурса, желаем им новых побед и успехов в ратном труде во благо нашей независимой Родины.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



15-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ – НАША ОТЛИЧНАЯ СЛУЖБА!

Предмет нашей всеобщей гордости

ВООРУЖЕННЫЕ СИЛЫ – ЗАЛОГ МИРНОЙ ЖИЗНИ НАРОДА И БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ

Символично, что вслед за 15-летием независимости нашего государства, спустя всего лишь четыре с половиной месяца, следует такая же торжественная дата – пятнадцатилетие создания национальных Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Календарная их близость наполнена особым смыслом – как неразрывны понятия государство и армия, так близки и даты рождения независимой Республики Узбекистан и ее Вооруженных Сил.

У всех нас и сегодня на слуху знаменитая фраза Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И.Каримова, ставшая по существу девизом: **«Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть». «Залог этого, – подчеркивает глава нашего государства, – наши Вооруженные Силы, как зеницу ока охраняющие мирную жизнь и безопасность страны, неприкосновенность ее границ, мужественные и преданные Родине, по своим профессиональным качествам отвечающие самым высоким требованиям и способные противостоять любому агрессору».**

Более высокой оценки Вооруженных Сил страны придумать невозможно.

На рубеже 80–90-х годов XX столетия в мире произошли коренные изменения: кончилась эра противоборства двух противоположных систем и сверхдержав – США и Советского Союза, была ликвидирована Организация Варшавского Договора, и самое существенное – распался Советский Союз. На политической карте мира появились десятки новых независимых государств. А в силу того, что идеи «нового политического мышления» материализовались при значительном сокращении вооруженных сил и вооружения ряда стран, это породило в новых независимых государствах эйфорию наступившего всеобщего мира и предстоящего благополучия.

Но обстановка в мире, а точнее политическая логика, диктовала совсем другое. Никакие площадные улюлюканья или трибунные словопрения не могут помешать власти, твердо знающей свое дело, идти намеченным курсом. Такой властью обладал Узбекистан в лице ее Президента Ислама Каримова. Глава нашего государства глубоко анализировал реалии того непростого времени. Сложнейший узел противоречий и потенциальную угрозу нашей безопасности он видел в приграничном Афганистане. Непредсказуемо развивались события в Таджикистане. Для защиты суверенитета, территориальной целостности страны нужны были боеспособные Вооруженные Силы.

14 января 1992 года Верховный Совет Узбекистана принял постановление, взяв под юрисдикцию Республики Узбекистан все части, соединения, военные учебные заведения и другие воинские формирования и учреждения, дислоцированные на территории нашей республики.

Но по своему качественному составу военное наследие досталось нравственно и психологически подавленное.

Руководство страны прекрасно понимало, что мышление военных кадров одним махом не изменишь. В недавнем докладе, посвященном 14-й годовщине нашей Конституции, Президент страны по этому поводу говорил: **«Разумеется, мышление человека не может измениться за один день. Нужны время и опыт. Никакая пропаганда и разъяснения извне, даже принуждение здесь не помогут. Человек на собственном жизненном опыте должен убедиться в необходимости и пользе существующих реформ».**

Эта глубокая мысль высказана сегодня, но и тогда Президент И.Каримов действовал в ее русле. Уже шло частичное реформирование Вооруженных Сил, менялась штатно-организационная структура. Уже приняты были (первыми на постсоветском пространстве) Законы «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе», утвержден текст Военной присяги, принято Постановление о порядке приведения к Военной присяге. Были установлены льготы для солдат срочной службы и членов их семей, обращено внимание на усиление воспитательной работы, введен институт заместителей командиров по работе с личным составом, позднее преобразованный в институт заместителей командиров по воспитательной работе.

Важнейшим фактором становления новой армии явилась встреча Президента страны Ислама Каримова с руководящим составом Министерства обороны Республики Узбекистан.

Отвлекаясь от этой встречи, хочется сказать о следующем. Многовековой опыт различных стран и народов многократно подтверждает закономерность: чем круче социальный поворот, тем выше, явственнее потребность общества в героических личностях, способных активно влиять на ход исторического процесса, на судьбы людей, глубже понять требование времени и своей неутомимой деятельностью, истинно мудрой политикой сплотить общество во имя благородной цели и повести его за собой.

Так на той исторической встрече многопланово проявилась мудрость нашего Президента в решении вопросов становления армии. В труднейшее время он поднял ее роль и значение для страны на невиданную высоту. **«Вы решаете судьбу не только армии, но и в целом судьбу республики и народа. Вы призваны защищать честь, достоинство, суверенитет, территориальную целостность нашего государства, – говорил Президент, – на вас возлагается ответственная задача по формированию той военной структуры, которая должна функционировать на территории республики».**

Мне довелось знать многих из участников той далекой встречи, и все их отзывы сводились к тому, что после этих слов Президента в душе каждого из них появилось высокое духовно-нравственное чувство любви к независимой Родине, верности воинскому долгу.

> В КРАТЧАЙШИЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ СРОКИ БЫЛА СОЗДАНА ПРОДУМАННАЯ И ВЫСОКОЭФФЕКТИВНАЯ СИСТЕМА ПОДГОТОВКИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ВОЕННЫХ КАДРОВ, ПОВЫСИЛОСЬ КАЧЕСТВО ПОДГОТОВКИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ, ВОЗРОСЛА ТАКТИЧЕСКАЯ ГРАМОТНОСТЬ ОФИЦЕРСКИХ КАДРОВ И ВОИНСКОЕ МАСТЕРСТВО ЛИЧНОГО СОСТАВА.

Президент И.Каримов сказал, что военная политика республики является важнейшей составной частью внешней и внутренней политики страны в сфере национальной безопасности и что военная политика, а значит и армия, призваны обеспечить надежную защиту национальных интересов республики и возможность ее мирного и демократического развития. И как аналитик, как человек, обладающий даром предвидения, глава нашего государства подчеркнул: **«Видимо, военная сила в обозримый период все же останется одним из основных элементов обеспечения суверенитета и территориальной целостности нашего возрождающегося государства».**

Позже, основываясь на анализе реалий времени, были разработаны принципы национальной безопасности, с которыми Президент страны ознакомил общество и Вооруженные Силы, выступая с докладом на первой сессии Олий Мажлиса первого созыва 23 февраля 1995 года. Тогда же был дан ответ на вопрос, какие Вооруженные Силы мы должны иметь: **«Мы должны иметь мобильную, хорошо обученную армию, способную обеспечить защиту наших границ, нашу независимость».**

Руководствуясь установками Президента страны, третья сессия Олий Мажлиса первого созыва 30 августа 1995 года приняла **Военную доктрину Республики Узбекистан.** Это был государственный акт особой политической значимости, провозгласивший главное стратегическое направление деятельности руководства страны по предотвращению военных угроз.

В то же время, учитывая особенности Центральноазиатского региона и военно-политическую обстановку в нем, Военная доктрина определяла главные военно-стратегические задачи, условия возможного применения Вооруженных Сил, методику обучения и воспитания личного состава. Военная доктрина сыграла свою положительную роль в деле становления и совершенствования новой национальной армии Республики Узбекистан.

И здесь нельзя не подчеркнуть, что все законодательные акты по вопросам военного строительства – законы, указы, постановления, Военная доктрина, Общевоинские уставы, утвержденные главой государства в 1996 году, – разрабатывались под непосредственным руководством Президента И.Каримова и при его повседневном внимании. В кратчайшие исторические сроки была создана продуманная и высокоэффективная система подготовки национальных военных кадров, повысилось качество подготовки военнослужащих, возросла тактическая грамотность офицерских кадров и воинское мастерство личного состава. Наши боевые подразделения приняли активное участие в ряде совместных миротворческих учений и везде, не только по нашим оценкам, но и по оценкам военных специалистов зарубежных стран, демонстрировали высокий уровень теоретических знаний и практических навыков. Участвуя в совместных учениях на территории зарубежных стран, они высоко несли честь и славу независимого Узбекистана. Вооруженные Силы реально становились подлинным гарантом мира и стабильности в стране и во всем Центральноазиатском регионе.

Достигнутые позитивные результаты в деле строительства новой национальной армии говорили о том, что мы на правильном пути. Однако на рубеже XX и XXI веков обстановка в мире и регионе стала меняться далеко не в лучшую сторону. На арену политической борьбы выступила новая агрессивная сила – международный терроризм и религиозный экстремизм. Глава нашего государства первым среди лидеров государств обратил внимание мировой общественности на глобальный характер этой всеобщей угрозы, на то, что Афганистан превратился в инкубатор по подготовке террористов и что ни одна страна в мире не гарантирована от этой опасности.

В этих условиях могли ли мы равнодушно взирать на происходящее в мире и непосредственно у наших границ? Нет, не могли. Сама жизнь требовала от нас усиления внимания к проблемам национальной безопасности. И творческое мышление Президента Ислама Каримова уже было озабочено разработкой приоритетов кардинальной военной реформы на основе единой государственной политики, в полной мере соответствующей сложившимся реалиям и духу нашего неспокойного времени.

Анфим ХЛЫЗОВ.



ШЕСТЬ СЛАГАЕМЫХ УСПЕХА

Во время работы по подготовке материалов о победителях соревнования выработалось понимание того, что не бывает одинаковых путей к победе. Как нет и, наверное, не будет впредь единых «рецептов» успешной деятельности.

Командир части офицер Зафар Мирзарахимов заострил внимание на шести основных компонентах, на его взгляд, позволивших данной части завоевать звание лучшей в Войсках ПВО и ВВС. Во-первых, речь идет о повышении квалификации личного состава, правильной расстановке кадров. Во-вторых, воспитание патриотов нашей Родины, готовых к самоотверженной службе и повышению интеллектуального уровня. В-третьих, очень важным компонентом в авиации является безопасность полетов воздушных судов. В-четвертых, наличие на вооружении Военно-Воздушных Сил самых современных летательных аппаратов требует заботы и об инженерной службе. В-пятых, охрана и оборона военных объектов ставят во главу угла вопросы постоянной бдительности. И в-шестых, успех невозможен без правильной постановки работы с сержантским корпусом – становым хребтом нашей армии.

ПОСБОН ДОИМ ҲУШЁР

Қашқадарёлик оддий аскар Ориф Холмуродов ўз жонажон қишлоғига борганида, уйида кичик тўй бўлди десак, муболаға бўлмас. Чунки ўзига талабчан ва тиришқоқ, қатъиятли ўғлон отаонаси, яқинлари юзини ёруғ қилган ҳолда йигитлик бурчини аъло даражада ўтаяпти. Ватан ҳимоячисига қўмондонлик томонидан ташаккурнома ва қисқа муддатли таътил эълон қилинганидан хабар топган оила аъзолари ниҳоятда севинишгани табиий. Худди кечагина катта тантана ва ҳаяжон билан миллий армиямиз сафларига кузатилган йигит эндиликда улкан муваффақиятларга эришмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни катта лейтенант Зафар Ҳакимов бошчилигидаги взводда ўтаётган юрт посбони жанговар навбатчилик пайтларидаги ишончли ва дадил саъй-ҳаракатлари, ҳарб илмини пухта ўзлаштириши ва тайёргарлик турлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришаётгани учун энг яхши қоровул, деб топилган. Командир томонидан кичик сержант Икром Танабоев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ҳусниддин Мусаев сингари аълочи ҳарбий хизматчилар қаторида тилга олинувчи оддий аскар Ориф Холмуродов унга берилган юқори баҳодан янада руҳлангани кейинги фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Сабаби, илғор бўлиш ва унинг нашидасини суриш нақадар тотли бўлмасин, бу қўшимча масъулият, тинимсиз меҳнат ва изланиш, шаклланув ва профессионаллашув йўлида кўзланган ҳамда забт этилиши кутилаётган янги чўққилар деганидир.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари қайд этилган посбонлар сингари юртимиз мудофаа қудрати, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ватан ҳимоячилари борки, замон ва давр талаби бўлмиш доимий сергаклик, ҳар қандай шароитда ҳам ҳушёрликка эришилмоқда.

ДОСТОЙНЫЕ ПОТОМКИ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

В перечне слагаемых успеха передового воинского коллектива организация воспитательного процесса вполне закономерно занимает одно из первых мест. Ведь без выработки лидерских качеств, понимания своей ответственности за судьбу Родины, за обеспечение ее надежной защиты, гордости за славную историю независимого Узбекистана просто невозможно победить в соревновании.

– Как известно, работа в небе требует от летчика предельной концентрации воли и внимания, поэтому контролю над психологическим состоянием перед выполнением каждого полетного задания уделяется самое пристальное внимание, – говорит офицер Бахтиер Хамраев, возглавляющий в части работу офицеров-воспитателей, служебная деятельность которых посвящена укреплению воинской дисциплины и поддержанию высоких морально-волевых качеств личного состава. – Ведь в полете, порой за пределом скорости звука, пилот не имеет права на ошибку.

По словам офицера, ценные советы, содержащиеся в «Уложениях» нашего великого предка Сахибкирана Амира Темура, и сегодня сохраняют свою актуальность, помогая лучше понять состояние души воина, проникнуть в глубины психологии личности.

Впрочем, и в работе с личным составом срочной службы такие опытные офицеры, как майор Улугбек Аллаяров, старший лейтенант Голиб Азимов, умело пользуются примерами из славного боевого наследия таких наших великих предков, как Захириддин Мухаммад Бабур, Джалолиддин Мангуберди, Темурмалик, а в воспитании патриотизма – таких народных героев, как Ширак, Спитамен, Муканна.

– Наши военнослужащие всегда с большим интересом читают именно историческую литературу, – говорит библиотекарь воинской части служащая ВС Норбадам Абдулахатова. – Особенный интерес к повышению своего интеллектуального уровня проявляют те солдаты срочной службы, что претендуют на получение Рекомендаций воинской части, дающих право льготного поступления в вузы страны.

Впрочем, и офицерскому составу, и сержантам служба в военной авиации предъявляет высокие требования в плане роста интеллекта. Поэтому библиотека части стала настоящим очагом культуры, где воины успешно повышают свой образовательный уровень. Конечно, командованию предстоит еще немало потрудиться над серьезным увеличением книжного фонда и повышением разнообразия периодических изданий. В частности, для летного и инженерно-технического состава стали бы отличным подспорьем журналы по новинкам мировой авиации.

Как бы то ни было, многогранная работа по патриотическому воспитанию личного состава с непременным участием в ней представителей местной власти, общественных организаций дает свои положительные результаты.

РАСТУТ «СОКОЛЫ» НЕЗАВИСИМОСТИ

Летчика не случайно называют «вечным студентом». Для того чтобы получать «добро» на дорогу в небо, ему приходится постоянно подтверждать свое право на место за штурвалом, сдавать множество различных экзаменов и зачетов. Впрочем, по-другому и быть не должно, ведь управление самым современным боевым самолетом, буквально «напичканным» сложнейшей радиоэлектронной техникой, требует высокой подготовки.

Офицер Ахмед Турсунов отвечает за летную подготовку в данной части. Военный летчик 1-го класса, имеет свыше 1500 часов налета, освоил несколько типов самолетов истребительной и штурмовой авиации.

– Приказ министра обороны, которым введены в действие Инструкции о порядке присвоения классной квалификации (квалификационной категории) военнослужащим органов управления и войск Министерства обороны Республики Узбекистан, внимательно был изучен в нашей части, – говорит он. – Конечно, разработанная стройная система постоянного повышения мастерства специалистов самого разного уровня при условии ее умелого применения благотворно сказывается на боевой готовности подразделений.

Недавно здесь побывала представительная комиссия из штаба ВПВО и ВВС, которая провела испытания на присвоение классной квалификации. Среди летного состава примером во всем для подчиненных служат такие офицеры, как майоры Рустам Холматов и Равшан Жакбаров, капитан Виталий Бабанец, а из молодых летчиков подают надежды старший лейтенант Хуршид Икрамов, лейтенант Роман Хаспабов, которые готовятся к испытаниям.

У уроженца Андижана старшего лейтенанта Хуршида Икрамова вся семья посвятила жизнь авиации. Отец, Вохиджон-ака, ушел на пенсию с должности начальника аэропорта. Старший брат Бабур летает в Национальной авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари» на самолетах ЯК-40, а братья Сабир и Зохиджон трудятся в аэропорту диспетчерами. Вот такая, влюбленная в небо, узбекская семья. Хуршид закончил ДВВАУ, сейчас усиленно готовится стать специалистом 3-го класса.

Стремление год за годом повышать свое мастерство, постоянно подтверждать свой уровень классной квалификации – это, бесспорно, одно из важнейших слагаемых успеха военнослужащих данной воинской части.

КАСБИДАН ЗАВҚ ОЛИБ

Ўз касбини севувчи, деган таърифни кўп эшитгансиз, албатта. Бундай ном соҳибида фидойилик, жонкуярлик сингари фазилатлар мужассам бўлиши турган гап. Шунинг учун ҳам у ўз касбикорини ардоқлайди, кундалик фаолиятига илиқлик ва меҳр билан ёндашади, меҳнатидан завқ олади, қолаверса, атрофида ишчанлик муҳитини яратади.

Ишончим комилки, юқоридаги фикрлардан сўнг, ҳамкасбингиз ёхуд танишингиз, хуллас, айнан шундай «ошиқ» кўз олдингизга келди. Биз сизга таништирмоқчи бўлаётган шартнома бўйича хизмат сержанти Адҳам Бозоров ҳам ўз касбини жуда севадиган фидойилар жумласидандир. У ҳарбий самолётларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассис.

Ўзи хизмат кўрсатувчи жанговар техниканинг «тил»-ини яхши билгани, бу борада етарли билим ва тажрибага эгалиги, қолаверса, фаолиятига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашиши боис Адҳам сафдош дўстлари, командирлари ҳурматини қозонган.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз миқёсида «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича ҳам танлов анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили мазкур кўрик-танловда фаол иштирок этган сержантлар корпуси вакили сержант А.Бозоров Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари миқёсида юқори натижаларни кўрсатиб, пешқадам бўлган.

Айни пайтдаги бутун диққат-эътиборини тобора яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами – Ватан ҳимоячилари кунини хизматдаги янги ғалабалар, юқори жанговар шайлиги билан муносиб қарши олишга қаратган кичик командир ўз қатъий мақсади сари дадил қадамлар ташламоқда. Бунинг ҳам удасидан чиқишига, кучи ва билими етишига ҳеч шубҳамиз йўқ.

ВСЕ ДЛЯ МЯГКОЙ ПОСАДКИ

В справедливости известного высказывания о том, что «полеты в небо начинаются на земле» еще больше убеждаешься после ознакомления со службой всех тех сотен людей, которые задействованы в обеспечении безопасности и безаварийности полетов.

– Наш воинский коллектив выполняет обширный спектр задач: от охраны и обороны аэродрома, обеспечения питания личного состава, исправного состояния взлетно-посадочной полосы и всех остальных коммуникаций и до заправки самолетов, – говорит начальник аэродромной службы офицер Низомитдин Эшматов. – Отрадно, что приказом министра обороны достойно оценен ратный труд офицера Равшана Рахмонова. Он награжден Памятным знаком главы военного ведомства. В этой награде есть вклад каждого: от командира и до солдата срочной службы.

Для того чтобы в любое время года, при любых погодных условиях полоса могла принимать летательные аппараты, неутомимо трудится личный состав аэродромного взвода под командованием старшего лейтенанта Анвара Ниезова. Работу автотранспорта обеспечивает автомобильная группа сержанта Уткира Суннатуллаева – истинного военного профессионала, успешно окончившего школу подготовки сержантов. Освещением аэродрома заняты сержанты Дильшод Хусанов и Вали Нарзиев, которые служат в подразделении связи и радиотехнического обеспечения.

В деле гарантирования мягкой посадки самолетов немаловажное значение имеет работа радиолокационной станции посадки (РСП), возглавляемой офицером Бахтиером Хасановым. Одним из образцовых военнослужащих по контракту, подающим пример сослуживцам, является младший сержант Шерзод Болтабаев. Опытный мастер охотно делится с товарищами секретами устранения неисправностей локаторов.

На случай посадки самолета в нештатных условиях всегда готова прийти на помощь пожарная команда во главе с сержантом Муродом Хакимовым. Наличие на складах горючесмазочных веществ накладывает особую ответственность на пожарников, неустанно совершенствующих свое мастерство и выучку на учебных занятиях.

Одним словом, вопросы обеспечения безопасности и безаварийности полетов всегда находятся в центре внимания командования.

Материалы подготовили майор Аблай КАМАЛОВ, старший лейтенант Тулкин ДЖУМАНАЗАРОВ, служащий Камолиддин ТУРАЕВ (фото).

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ



Юртбошимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз тобора профессионаллашиб бормоқда. Бугун биз юрт истиқболи, тинчлик-осойишталигини қалбларига жо қилишган Ватанимиз ҳимоячилари билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди.

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги

ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, ўз Ватани ва халқига садоқатли, жасорат ва матонатли фарзандлар камол топаётган мактабга айлантирмоқда.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида шу йилнинг 14 декабрида бўлиб ўтган оммавий ватанпарварлик тадбирларининг илк анжуманида ана шу хусусда фикр юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотлар йўлида» деган мавзуда маъруза қилар экан, жумладан шундай деди:

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакат мустақиллигини ҳамда ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаётини ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишдаги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг 1992 йил 14 январидан республика юрисдикциясига ўтказилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 29 декабрда Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди ва бунга биноан 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг асосчиси Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакат Қуролли Кучларини тузишда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, республикамизнинг географик жойлашуви, замонавий урушнинг ўзига хослиги, халқимизнинг минталитети ҳисобга олинди. Мана шундан келиб чиққан ҳолда миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсади Қуролли Кучлар қўшинлари ташкилий тузилишини ва жанговар қобилиятини оширишга йўналтирилди. Бунда асосий эътибор:

биринчидан, Қуролли Кучларнинг техникавий жиҳатдан яхши таъминланган, таркиби кам, аммо самарадорлиги юқори бўлишига;

иккинчидан, Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз ҳарбий қурилишининг илғор тажрибаларидан унумли фойдаланишга;

учинчидан, Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлишига қаратилди».

Шундан сўнг маърузачи Қуролли Кучларда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталар экан, «амалга оширилган ишлар Қуролли Кучларни ҳар томонлама такомиллаштирди, унга юксак жанговарлик касб этди, шахсий таркибни жипслаштирди, мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятда масъул вазифаларни бажаришга қодирлигини оширди, мамлакатда ҳамда минтақамизда тинчлик ва барқарорлик кафолатига айлантирди», деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаххоров ўзининг «Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» деган рисоласи асосида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ташкилотнинг вазифалари» мавзусидаги маърузасида давлатимиз раҳбарининг асарини чуқур таҳлил қилиб, жумладан шундай деди:

«Профессионал армияни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар Қуролли Кучлар захираси бўлган ташкилотимиз зиммасига муайян вазифаларни қўймоқда.

Ушбу вазифалар асосида ташкилот тизимида алоқадор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ўқув муассасаларида Қуролли Кучлар учун бешта янги ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўқув-моддий негизи яратилди. Ўқув дастурлари қайтадан ишлаб чиқарилиб, Мудофаа вазирлиги бошқармалари билан келишилди ва тасдиқланди. Тайёрланаётган мутахассисликлар дастурларига қўшимча «Информатика асослари» фани киритилди».

Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бўлим бошлиғи подполковник Худойназар Жуманазаров ўзининг «Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз–мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи – Қуролли Кучларимиз тариҳини ўрганиш учун қимматли манба» номли маърузасида давлатимиз раҳбари асарини кенг шарҳлаб, жумладан шундай деди:

«Мамлакатимиз Президентининг мазкур асарида миллий армиямизнинг ташкил топиши ва ривожланиши тарихи холисона ва атрофлича таҳлил қилинган, Ўзбекистон миллий армиясининг жамиятдаги ролига юксак баҳо берилган. Китобнинг номида «миллий армия» сўзлари билан «мустақиллик» сўзининг ёнма-ён келтирилиши ҳам бежиз эмас. «Бугун биз, – деб таъкидлайдилар давлатимиз раҳбари, – яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин».

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулруҳ Аъзамова «Ёшларни ватанпарварлик тарбиясида Ҳаракатнинг роли» деган маърузасида ёшларни ватанпарварлик тарбияси борасида амалга оширилаётган ишлар борасида тўхталди.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигини илк анжумани кўтаринки руҳда ўтди.

Подполковник А. БАЙРАМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Байрам шукуҳи

КОНСТИТУЦИЯ – ВАТАН ҲИМОЯСИ ҲАҚИДА

Давлатимизнинг асосий қонуни қабул қилинган кун арафасида Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда белгиланган режа асосида бир қатор тадбирлар ўтказди.

Жумладан, жорий йилнинг 5 декабрь куни Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида, 6 декабрь куни Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида, 7 декабрь куни Ғаллаорол туманидаги тиббиёт коллежида 8 декабрь – Конституция куни муносабати билан «Конституция – Ватан ҳимояси ҳақида» мавзусида байрам тадбирлари ўтказилди. Тадбирда коллеж жамоаси, ўқувчи-талабалари, Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими ходимлари, вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси чақириққача ёшларни тайёрлаш бўлими мутахассислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этишди. Байрам тадбири қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан, айниқса чақириққача бўлган ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлар, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматни ўтаётган ва ўтаб қайтган ёшларга берилган имтиёзлар ҳамда бош қомусимиз Конституцияда ҳам Қуролли Кучларимиз учун алоҳида боб ажратилгани тўғрисида гапирдилар. Бу каби учрашувлар ёшларимиз қалбида она юртга, қонунларимизга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиши шак-шубҳасиз.

З. ИБРАГИМОВ,
Чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича мутахассис.

ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТИБ

Яқинда Қуролли Кучлар Марказий музейида республика Бадиий академияси билан ҳамкорликда Конституциямизнинг 14 йиллиги муносабати билан қўшалоқ байрам тадбири ўтказилди. Унда офицерлар, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари, сержантлар, аскарлар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

«Фашизмга қарши кураш экспозициялари» залида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, музей фахрийлар кенгаши раиси истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, фахрий трактирсоз Николай Молдавановлар йиғилганларни байрам билан қутлаб, урушда қўлга киритган жанговар мукофотлари ҳамда шахсий буюмларини музейга топширишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми музейнинг кўргазмалар залида давом этиб, унда Ўзбекистон халқ рассомлари – Муборак Йўлдошев, Рихсибой Аюповлар, рассомлар – Геннадий Серов, Наталья Ильченко, Самуил Виленский, Елена Шубина ҳамда ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаевлар асарларининг бадиий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ўттиздан ортиқ тасвирий санъат асарлари намойиш этилиб, уларда юртимиз тарихи, Ватанимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, янгиланиш жараёнлари, она юрт манзаралари ва миллий қадриятларимиз ўз аксини топган.

– Қомусимизнинг 14 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмани ташкил этишимиздан мақсадимиз – посбонларимизни гўзалликни ҳис қилишга ўргатиш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва энг асосийси, тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ушбу тасвирий санъат асарлари орқали томошабинлар онгига сингдиришдир, – дейди музей илмий ходимаси Дилором Раҳимова.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ахборот-матбуот маркази раҳбари Ҳанифа Зокирова, «Машъал» радиоэшиттириш бўлимининг муҳаррири Феруза Мамедова, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси Манзура Тўйчиева, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлими йўриқчиси Қуролли Кучлар хизматчиси Шоҳиста Ҳожимуратова ҳамда Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг талабалари қатнашдилар.

Тадбирни Шоҳиста Ҳожимуратова кириш сўзи билан очиб берди. Сўнгра, Ханифа Зокирова «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти» мавзусида маъруза ўқиди. Маърузадан сўнг ёш аскарлар томонидан мавзу бўйича берилган саволларга жавоб берилди. Маннон Уйғур номидаги санъат институти талабалари ижросидаги шўх қўшиқлар эса тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади. Йиғиндан сўнг ҳарбий қисмга ташриф буюрган меҳмонлар аскарларга яратилган шароит билан яқиндан танишишди. Посбонларнинг ётоқхоналари, дам олиш хоналари, аскарлар ошхонаси ва кутубхоналар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Зулфия НУРУЛЛАЕВА,
шартнома бўйича хизмат кичик сержанти.

ФИДОЙИЙ ЎҚИТУВЧИЛАР

Юртимиз келажаги бўлмиш ёш кадрларни, етук ҳарбий мутахассисларни тайёрлаб вояга етказишда бизнинг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасининг кенг қамровли фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бизнинг кафедрада ўтказилаётган машғулотлар орқали курсантлар ижтимоий ривожланиш қонунлари, Ўзбекистон халқининг тарихий йўли, анъаналари, урф-одатларини чуқур ўрганишади, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қуриш тамойиллари, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий янгиланишини тушуниб етишади. Албатта бўлажак офицернинг миллий ғоя ва мафкурани, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонунчилик ҳужжатлари талабларини билиши, хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу билимларга таянган ҳолда, ҳарбий жамоада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни мустақил таҳлил этиш ва фикрлаш қобилиятига эга бўлишига замин яратилади. Шунинг учун ҳам кафедрамизда фанларни ўқитиш назария ва амалиёт билан узвий боғлиқликда амалга оширилади. Асосий эътибор курсантларда командирлик ва ташкилотчилик сифатларини шакллантириш, етакчилик қобилиятларини вужудга келтириш, тарбиявий ишлар амалиёти бўйича мустаҳкам кўникмаларни ҳосил қилиш ва улар онгига садоқат ва ватанпарварлик руҳини сингдиришга қаратилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим белгиларидан бўлган ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга, билимга эга бўлган шахсларни тарбиялаш бу ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этади. Курсантларни ушбу янгиланишлардан ўз вақтида огоҳ этишда, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишда катта ўқитувчи Нуриддин Сандибоев катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Яқинда фалсафа фанлари номзоди Қодиржон Офаринов билим юрти миқёсида «Социологик тадқиқотлар ўтказиш» мавзусида очиқ дарс ўтказди. Янги инновацион технологиялар, илғор педагогик услуб ва усуллардан моҳирона фойдаланиб, юқори кўрсатгич ва натижага эришди. Ушбу машғулот мобайнида нафақат курсантлар, балки офицерлар ҳам янги инновацион технологиялар ҳамда илғор педагогик услублар тўғрисида бебаҳо сабоқларни олди, десак асло муболағ бўлмайди.

Ўқитувчиларимиз таълим жараёнида илғор тажрибаларга таянган ҳолда курсантларни ўқитиш ва тарбиялашда, уларни илғор ҳарбий мутахассис бўлиб етишишида бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ҳозирги кунда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасида ўқув хоналари замонавий кўргазмали қуроллар, қўлланмалар билан тўла жиҳозланган. Бу эса ўз навбатида курсантларни мазкур фанга бўлган қизиқишларини орттиришда ва ўзлаштиришида, шунингдек, машғулотларни сифатли ташкил қилиб ўтказишда ижобий самарасини бермоқда. Шунингдек, кафедрамизда курсантларнинг услубий тайёргарликларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Курсантларда нутқ маданиятини такомиллаштириш, мунозара олиб бориш ва қатъиятли бўлиши сифатларини шакллантириш каби жараёнларда кафедрамиз ўқитувчиларидан – тарих фанлари номзоди Рустам Юлдашев, Тўлқин Худойбердиев, Наталья Ҳакимова, Зуҳра Абдуразоқова, Маҳлиё Нормуродова ва Феруза Узоқова кабилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мухтасар айтганда, кафедра ўқитувчилар жамоаси Ватанга садоқатли, ҳарбий бурчни шараф ва матонат ила бажаришга қодир, ватанпарвар, етук офицер кадрларни тайёрлашда ташаббускорлик ва фидойилик намуналарини намойиш этиб келмоқдалар, деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

Майор Мақсуд ТЎРАЕВ,
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ



Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқув мавсуми кўтаринки руҳда бошланиб, юқори савияда давом этмоқда.

Жумладан, билим юртида янги ташкил этилган тоғ тайёргарлиги кафедрасида офицер Жаҳонгир Якубов бошчилигида мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

– Тоғ тайёргарлиги кафедраси курсантларга ушбу соҳанинг назарий ва амалий билимларини етказиш, – дейди кафедра катта ўқитувчиси офицер Шералибек Исаков. – Тоғли ҳудудларда ҳаракат қилиш, жойлашиш, тоғли тўсиқ, дара, дарё ва жарлардан талафотсиз ўтиш, уларнинг ҳарбий альпинизм бўйича маҳоратларини ошириш ҳамда Қуролли Кучларимиз сафларига малакали офицер ва мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилди.

Машғулотларни тажрибали ва малакали, етук билимга эга бўлган профессионал офицер ва тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчи сержантлар олиб бормоқда. Булардан офицерлар – Акром Муртазаев, Аҳмаджон Турдибоев, Ботир Фармонов, Жаҳонгир Шайматов ҳамда кичик сержантлар – Зоҳир Очилов, Нажмиддин Келдиёров, Зокир Яллакаев ва шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Улуғбек Бердиевлар курсантларга тоғ тайёргарлиги машғулотларини мукаммал ва юқори савияда ўргатиб келишмоқда.

Билим юртида ташкил этилган тоғ тайёргарлиги майдончасида бўлганимизда, курсантлар билан олиб борилаётган амалий машғулотларни кузатиб, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

– Кафедрамиз ўқув мавсуми режаларига, – дейди офицер Ж.Шайматов, – асосан дала-ўқув машғулотларини киритиб, курсантларнинг амалий билим ва маҳоратларини оширишга катта эътибор қаратганмиз. Улар тоғли ҳудудда ҳаракат қилиш, жойлашиб яшаш ва жанговар вазифани бажариш бўйича амалий тайёргарликлардан ўтишади.

Ўқув мавсумини юқори натижада ўтказиш мақсадида, тоғ тайёргарлиги машғулотларига зарур бўлган анжомлар шай ҳолатга келтирилган.

– Қишки мавсумда тоғ тайёргарлиги машғулотларини ўтказиш ўзининг бир қатор хусусиятларига эга, – дейди кичик сержант З.Очилов. – Тоғда тескисликдан кўра ҳаракат қилиш бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Айниқса, тоғли ҳудудларни қор, муз билан қопланиши, бундай шароитларда гуруҳ билан биргаликда ҳаракат қилиш мукаммал билим ва маҳоратни талаб этади. Биз шуларни инобатга олган ҳолда, курсантларга амалий машғулотларни чуқур ва пухта олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Тоғли ҳудудларда тўсиқларни осон енгиб, ҳаракат қилиш учун зарур тоғ анжомлари билан ишлаш биринчи вазифа ҳисобланади. Шу сабаб, курсантларнинг уларни керакли жойда тўғри ва аниқ қўллай билишлари энг асосий омил бўлиб, бу борада анча тажриба керак бўлади. Тоғ анжомлари ҳисобланмиш музёрар, чангак, кўкрак ва бел боғлами, карабин, саккизлик ҳалқа, асосий ва ёрдамчи арқон, илгаклар, қоя ва муз қозиқларидан фойдаланиш сир-асрорлари тоғ тайёргарлиги йўриқчилари томонидан пухта ўргатилмоқда.

– Бугун биз тоғ дараларидан, дарё ва жарликлардан ўтишни ташкиллаштириш, шахсий таркибни совуқдан асраш, қорли ёнбағирларда ҳаракатланиш усуллари, музликларга кўтарилиб тушиш сир-синоатлари ва тоғда жойлашиш бўйича назарий ҳамда амалий тайёргарликларни ўрганяпмиз, – дейди курсант Ғайрат Деҳқонов.

Шунингдек, кичик сержант Н.Келдиёров курсантларга асосий ва ёрдамчи арқонлардан, репшнур ҳамда карабиндан фойдаланиш, уларни бирбирига турли хил усулларда мустаҳкам қилиб бирлаштириш каби машғулотлардан амалий дарсларни олиб борди. Курсантлардан – Дилшод Долиев, Озод Негматов, Мансур Ғофуров, Азизбек Ҳайдарбековлар машғулотларда фаол иштирок этиб, тоғ тайёргарлиги сир-асрорларини пухта эгаллаб, ўз билимларини янада бойитишмоқда.

Ҳа, бугунги курсант – эртага тажрибали офицер. Ўз қўл остидагиларга ҳарбий илмларни пухта ва мукаммал ўргатувчи, асл ватанпарвар сифатида ибрат бўлувчи устоздир. Шунинг учун ҳам ҳарбий билим юртларида курсантларнинг етарли сабоқ олишлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, уларга маҳоратли офицер ва сержантлар билим беришмоқда. Ўзбекистоннинг асосий чегара сарҳадларини тоғли ҳудудлардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, тоғ тайёргарлиги машғулотлари курсантларни келажакдаги шарафли ва масъулиятли хизматларида катта ўрин тутиши, шубҳасиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ЮРТИМ КОРИГА КАМАРБАСТАЛИК



Олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантларга – эртанги офицерлар, профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизнинг келажак таянчлари, энг асосийси, истиқлол ва осойишталик ҳимоячилари дея қараймиз.

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, ҳарбий таълим муассасаларида ҳам қатор сифат ўзгаришларига асос солинган. Билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим дастурлари такомиллаштирилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилмоқдаки, бу ўз навбатида бўлажак сардорларнинг ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали, ўз ишининг ҳақиқий усталари бўлиб етишишига асосий омил бўлмоқда.

Бўлажак офицерларимиз сафида бугун ҳам ўзини кўрсатаётган, жанговар санъат илмини пухта ўзлаштириб, юксак мақсадлар сари олға интилаётган иқтидорли ёшларнинг кўп эканлиги барчамизни қувонтиради, албатта. Зеро, бунинг замирида чуқур билим ва кўникмага эга бўлган курсантларнинг эртага ҳақиқий ҳарбий хизматда ўз қўл остидагиларга ҳам ҳарб илмини пухта етказишлари, натижада мустақил диёримиз осойишталиги мустаҳкамроқ кафолатланишидек эзгу мақсад рўёби мужассам топгани яққол ифода этилгандир. Ана шундай илғор, аълочи ва намунали курсантлардан бири – Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсанти Аббосбек Деҳқонов. Муҳандис-сапёр мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган Аббосбек аълочи, жамоат ишларида фаол ҳамда бир қанча ибратли фазилатлари туфайли шахсан Мудофаа вазирининг эсдалик нишонини олишга сазовор бўлган.

Курсант Деҳқоновнинг тиришқоқ, ўз устида тиним билмай ишлайдиган, ниҳоятда талабчан, ўтюрак ва асл мард ўғлонлар сирасидан эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Барчага маълумки, ҳарбий хизмат ҳамиша дадиллик, шижоат, мардлику жасоратни талаб этади. Бу соҳада фақат довюрак, мардлар фаолият кўрсатишади. Масъулият ҳамда машаққат, хавф-хатарларга тик бориш, керак бўлса ватандошлар учун ҳатто, жондан ҳам кечиш посбон учун шарафли бурчдир. Ана шундай улкан синовлардан асло чўчимасдан катта умид ва юраги тўла шижоат билан соҳага кириб келган Аббосбек ҳарбий хизматнинг ҳам энг мураккаб йўналишларидан бирини танлади. Яъни муҳандис-сапёрлик. Сапёр бир марта адашади, деган ҳарбийча иборани кўпчилик яхши билса керак. Чунки у иккинчи марта адашишга улгурмайди. Ҳеч қачон адашмаслик учун эса ундан жуда катта матонат, тоғдай улкан сабот, метиндай мустаҳкам ирода ва албатта, чуқур билим ва иқтидор талаб этилади. Дейлик, жанговар вазиятда муҳандислик хизматига эҳтиёж туғилди. Шунда у душман жойлашган ҳудуд ҳамда керакли нуқталарни муҳандислик разведка қилиши, далада қўшинларни электр билан таъминлаши, алоқа йўллари қуриши, жиҳозлаши, қўшинлар йўлидаги мина ва бошқа портловчи аслаҳаларни қидириб топиши, зарарсизлантириши, зарур бўлса душман йўлига портловчи аслаҳалар жойлаштириши керак. Бунда унга изчил ва ишончли ҳаракат қилиш, пухта ниқобланиш, портловчи қуроллар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш ва яна бир қанча жиҳатлар зарур бўлади. Шу боис курсант бугун машғулотларда тиним билмай изланишлар олиб бориб, устозлар сабоғини қунт билан ўзлаштириб бормоқда.

– Ҳарбий соҳанинг мураккаб томонлари мени заррача ташвишлантирмайди, – дейди у. – Ҳақиқий мардларга хос энг илғор ва ҳар соҳанинг билимдони, асл профессионаллар сафида бўлмоқчиман. Муҳандислик тайёргарлиги, ниқобланиш, жисмоний ва жанговар тайёргарлик ҳамда бошқа билимларни ўргатаётган барча устозларга, командирларга раҳмат. Уларнинг юзини ҳеч қачон ерга қаратмайман. Қолаверса, мени тарбиялаб вояга етказган сўлим Фарғонанинг Бувайда туманида яшовчи ота-онамга салом йўллаб, бу мукофот ёлғиз ўзимники эмас, балки сизларники, устозларимники ва сафдош дўстларимникидир, дейман. Чунки уларнинг барчаси ҳиссадошдир.

Таҳсил билан бирга қатор тўгаракларга ҳам мунтазам қатнашиб келаётган курсант билим ва иқтидорини тобора кенгайтиришни кўлайди. Спорт ҳам доимий ҳамроҳи. Сафдош дўстлари курсантлар Шуҳрат Эргашев, Аҳрор Избосаровлар билан эса барча йўналишларда мусобақадош. Етуклик сари интилаётган, қалбида она Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат жўш урган ўғлоннинг энг олий мақсади – маҳоратли офицер бўлиб, халқ хизматига камарбасталик.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

МАСЪУЛИЯТ, САДОҚАТ – ПОСБОНГА ҚАНОТ

Инсонийлик мезонлари

ВАЗИЯТ ҚОШИДА ЯХШИЮ ЁМОН

Инсон ҳаёти баланд-пастликлардан, қувончу аламлардан иборат. Худди йил фаслларига ўхшаб майин шабадаси изғиринли шамолга, қаҳратон совуғи ҳузурбахш ҳароратга, чароғон кунлари ёмғиру қорга дўниб туради. Гўёки улкан денгиз қирғоғида турган болакай давомли тўлқинларга кўкрак ургандай ҳар бир кунимизни қарши оламиз. Кўзларимиз ложувард осмонга туташиб кетган уфқларга қадалади. Камалакдек ранг-баранг орзуларимиз жисму жонимиз елканига айланади. Умид деб аталмиш гўзал байроқ остида умр сарҳадларини бир-бир босиб ўтамиз. Қай биримиз шараф, шон билан, қай биримиз уяту армон билан...

Сабаби эса жуда оддий. Вазият, аниқроғи, турмуш чорраҳаларидаги хилма-хил вазиятларда ҳамма ҳам синовдан ўта олмайди, мавқеига путур етказади. Бу имтиҳоннинг мезонлари бутунлай ўзгача. Биз кучли, маҳоратли, ишбилармон деб ўйлайдиган одамларнинг ушбу ҳал қилувчи паллада хасчалик салмоғи бўлмай қолиши, манглигимиз, кибримиз туфайли кўпинча эътибор ҳам бермайдиган кимсалар эса бир думалаб мутлоқ ғолибга айланиши мумкин. (Энг афсусланарлиси, буни анча кеч англаб етамиз!)

Аслини олганда, ҳар бир кунимиз имтиҳон. Умр дафтарининг ҳар бир саҳифасига ўзимизча чамалаб баҳо қўямиз. Изоҳлари ҳам тилимиз учида: «Бугун роса омадим келди», « Ишлар ўхшамай қолди-ку», «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси», «Ишларимиз беш» ва ҳоказо.

Очиғи, ушбу дил изҳорларимиз нима мақсадда, ниятда айтилгани биз учун жуда муҳим. Кимнинг манфаатини кўзладик? Нафсимизга қулоқ солдикми, дўст учун балогардон бўлдикми ёхуд миллат, юрт шаънини юксалтириш йўлида кичик бир ютуқка, ғалабага эришдикми? Атрофимиздаги ёрдўстларга, ҳамкасбларга, бегоналарга оз бўлса-да манфаатимиз тегдими? Рўпарамизда қўл қовуштириб турган кимсани ҳеч бўлмаса икки оғиз ширин сўз билан кўнглини овлай олдикми? Бу саволларнинг чекичегараси йўқ. Бу саволлар йўлимизда доим кўндаланг.

Агар мураккаб вазиятдан « бутун» чиқсак, ўз камчиликларимиз устидан ғолиб бўла олсак марра бизники. Қуйидаги ибратли ривоят эса фикримизга яққол мисолдир.

Ўтган замонларда бир қўрқоқ жангчи урушларда доим пана-пастқамларда яшириниб жон сақлашни ўйларкан. Кунлардан бир кун у ҳаммани ҳайратга солиб, қилич яланғочлаганча биринчи бўлиб жангга отланибди. Олдинги сафда душман сарбозлари билан мардларча олишибди. Охири ботир деб донг чиқарибди. Ҳайратга тушган сафдошлари ундан бу ўзгаришнинг сабабини сўраганларида шундай жавоб берибди.

– Авжи жанг пайти одатдагидек бир ҳандақда жон ҳовучлаб ётган эдим. Шунда бир камон ўқи бошимдан ошиб ўтиб ерга санчилди. Бундай қарасам, ерга қадалган ўқ қимирлагандай бўляпти. Қизиқсиниб бориб қарадим. Ўқ инига кириб олган илоннинг бошига бориб теккан экан! Шунда қўрқоқлигимдан жуда уялиб кетдим. Ажал етса, ҳар қанча яшириниб олсанг ҳам топиб олар экан! Шу-шу қўрқувни ташладим...

Қаранг, бир кичкина воқеа сабабли жангчининг танасида мудраб ётган ички имкониятлари жунбушга, ҳаракатга келди. Юраккa канадек ўрнашиб олган қўрқоқлик иллати ниҳоят тўғри йўлга тушган, мардликка, матонатга интилган қўрқоқ аскарнинг қизғин фаолияти, қалб ҳарорати туфайли бутунлай йўқолиб кетди. Вазият уни ор-номусли, шавкатли жангчига айлантирди.

Афсуски бунинг бутунлай тескариси бўлиши ҳам мумкин. Яъни вазият инсоннинг йиллар давомида тўплаган обрўйига, фазилатларига бир лаҳзада чизиқ тортади. Бундай ҳолатда ман-ман деганлар худди бор бойлигини ўғри уриб кетган кимсага ўхшаб мунғайиб қолади. Бунга мисоллар кўп.

Қадимги Рим лашкарбошиларидан бири Лукулла узоқ давом этган урушларда толиқиб ниҳоят уйига қайтиб келади. Энди ҳеч бир урушда қатнашмасликка, қолган умрини ҳузур-ҳаловатда, маишатбозликда ўтказишга қарор қилади. Шунинг учун у ҳар куни уйига меҳмон чақирар ва ҳар гал лаззатли, ноёб таомлар тайёрлатиб, уларни мазза қилиб тановвул қиларди.

Бора-бора Лукулланинг қаҳрамонликлари унутилиб, у меҳмоннавозликда, маишатпарастликда «шуҳрат» қозона бошлади. Кунлардан бир куни у сардина балиғидан зайтун ёғида қовуриб тайёрланган алачи таомини ҳузур қилиб еб ўтирганида душман ҳужум қилганлиги ҳақида шошилинч хабар келди. Юрт мудофаасига дарҳол отланиши керак бўлган ботир саркарда

БИЗНИНГ ЎЗ ЗАРАРИМИЗГА БЎЛСА-ДА, УМУММАНФААТИ, ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН ЭЗГУ АМАЛЛАРИМИЗ ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ИНСОНИЙЛИК МАҚОМИМИЗНИ ЮКСАКЛАРГА КЎТАРАДИ.

пинагини ҳам бузмай, тамшанганча меҳмонларни дастурхонга чорлади: «Жаноблар, алачини емасдан уруш қилиб бўладими?»

Ҳа, вақтида бирор чора-тадбир кўрса бўларди, лекин Лукулланинг нафси аллақачон аждарҳога айланган, руҳий-маънавий оламини-да емириб улгурган эди. Ана шунинг учун ҳам у шармандаларча, севимли таомини деб барча меҳмонлари билан асирга олиниб, қатл этилди. Билиб туриб вазиятнинг мумтоз қурбони бўлди.

Машҳур ўзбек шоирининг бир сатри бор. «Тақдирни қўл билан яратур одам» Шунга ўхшаб кўпинча вазиятни, фавқулодда вазиятни ўзимиз яратамиз, пайдо қиламиз. Мақсадлар эса бир-бировимизникидан тубдан фарқ қилади. Ким учун мол-дунё, ким учун ном қозониш, ким учундир бошга қилич келсада ҳақиқатни айтиш муҳимроқ. Келинг, яна ўтмишга мурожаат этайлик.

Қадимги Эрон ҳукмдорларидан султон Афросиёб ичкиликка муккасидан кетган одам эди. У бир куни машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутани ўз саройида қабул қилди. Сайёҳдан катта қизиқиш билан Марокаш, Миср, Ҳижоз давлатлари ҳақида сўраб-суриштирар экан, хонтахтада турган май тўла тилла, кумуш қадаҳларга қўл узата бошлади. Қабул охирига бориб анча кайфи ошган, тили зўрға айланаётган ҳукмдор ўз аъёнларидан бирининг фазилатлари ҳақида гапиришга ўтди.

Ибн Баттута эса ўз нафратини сездирмай султонни ноилож тинглаб ўтираверди. Ниҳоят, Афросиёб узундан узоқ гапирганидан сўнг меҳмони эсига тушиб, унга сўз берди. Шунда сайёҳ одатдаги мадҳиябозлик ўрнига султонга шундай аччиқ сўзлар айтдики, бундан ҳатто кўпни кўрган сарой амалдорларининг ҳам ранги ўчиб кетди.

– Сен тақводорлиги, сабр-қаноатлилиги билан машҳур бўлган Султон Аҳмаднинг ўғлисан. Ҳукмдор сифатида сенга ҳеч қандай даъвоим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Илло, мана бундан бошқа... – деди Ибн Баттута совуққонлик билан ва Афросиёбнинг оёғи тагидаги ичкиликдан бўшаб ётган қадаҳларга ишора қилди.

Ҳукмдор узоқ жим қолди... Нафаслари ичига тушиб кетган сарой амалдорлари меҳмонга қарамасдан тарқаб кетишди. Фақат улардан бири, боягина султон мақтовига сазовор бўлган уламогина Ибн Баттутани даҳлизгача кузатиб чиқди, сайёҳнинг кавушини ўпиб, бошининг устига қўйди. Ва ўйчан ҳолатда унга шундай деди:

– Аллоҳ рози бўлсин! Сен бугун султонга ҳеч ким, ҳеч қачон айта олмаган ҳақиқатни айтдинг. Умид қиламанки, сенинг бу сўзларинг унга таъсир қилмасдан қолмайди...

Ҳа, жасорат, ҳақгўйлик ҳамма замонларда ҳам қадрланган, ўз мухлисларини топган. Бизнинг ўз зараримизга бўлса-да, умумманфаати, халқ манфаати йўлида қилган эзгу амалларимиз фақат ва фақат инсонийлик мақомимизни юксакларга кўтаради.

Миллат, Ватан, Озодлик, Шаън, Иймон-эътиқод, Меҳр-муҳаббат, Яхшилик, Садоқат деган тушунчаларни ҳеч қандай бойлик, мансаб, дуру жавоҳирлар билан ўлчаб бўлмаслигини янада чуқурроқ англаб етамиз. Неварамиз ёки эварамизга аталган кошонанинг тарҳини чизишдан олдин ватандошларимизнинг оғирини енгил қилиш, мамлакатимизни, миллий давлатчилигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тараққий эттириш учун амалга оширилаётган кенг қамровли ишларга эртага, индинга қандай ҳисса қўшиш ҳақида оз бўлса-да йўлай бошлаймиз. Вазият бизнинг фойдамизга ишлай бошлайди. Эзгу ишларимиздан қалбимиз чароғон бўлади.

Бизнинг ота-боболаримиз фавқулодда вазиятларни мардонавор енгиб ўтишлари, мавжуд муаммоларни бартараф эта олишлари, яшин тезлигида энг тўғри қарорларни қабул қилишлари билан шуҳрат қозонганлар. Уларнинг номлари, ҳаёт йўллари инсоният тарихининг энг шонли саҳифаларини ташкил этади. Аждодларимизнинг озодлик учун курашларда, жангу жадалларнинг даҳшатли синовларида пўлатдек тоблланганини, тақдирнинг кетма-кет зарбаларини худди метин қоядек қарши олганларини ўйласак, бугун анча худбинлашиб, майда-чуйда ташвишлар орасида ўралашиб қолганимиздан уялиб кетасан одам. Тўғри, бундай олиб қараганда, худбинлик ҳам унча ёмон нарса эмасдек кўринади кўзимизга. Жонингга озор бермайсан, ҳар нарсага куйиб-пишмайсан. Бетимнинг қаттиғи – жонимнинг ҳузури, дея кўп йил тинч-хотиржам яшайсан. Аммо, умрингда мазмун, моҳият йўқ. Сенинг миллат, давлат у ёқда турсин ҳатто, маҳалла-кўй, узоқ-яқин танишлар орасида бир пуллик обрўйинг бўлмайди. Балки, «масалага чуқур кетишнинг ҳожати йўқ. Вақти келса мавжуд камчиликлар катта синовларда куйиб кул бўлади», деб фикр билдирарсиз. Йўқ, янглишасиз, катта синовлар, фавқулодда вазиятларни рўкач қилишдан аввал, сизнинг назарингиздаги митти – кундалик синов-имтиҳонлардан ўтиб олиш, руҳий, маънавий, жисмоний томондан анчагина чиниқиш зарур.

Ўзингизга маълум. Юқорида таъкидланганидек алғов-далғовли замонларда, талотўпларда, қалтис вазиятларда одамларнинг яхшию ёмони, сарагию пучаги дарров ойдинлашади. Асли ёмоннинг ёмонлиги ўн баробар, юз баробар ошади. Эътиқодли, ҳалол, иродали одамларнинг эса руҳиятида қандайдир сокинлик пайдо бўлиб, жисмида гўёки захира қувват ишга тушади. Эзгу, савоб ишларини янада кўпайтиради. Сўз ва иш бирлиги билан ҳақиқий жасорат соҳибига айланади. Бу ҳайратланарли, одамни фикр-мулоҳазага чорловчи, ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишга ундайдиган ҳолат! Қаранг, ахир ҳар бир ҳаракатимиз, муносабатимиз, кунимиз оқибатда катта-кичик синовга айлансаю, ҳушёр тортмасдан, есканмасдан бўладими! Биргина жиддий хатога йўл қўйиш билан ёмонлар сафига қўшилиш, биргина хайрли амалимиз билан яхши одамга айланиш, айбларимизни ювиш имконияти бор экан. Демак, биздаги масъулият, ўз бурчимизга садоқат туйғуси жуда юксак бўлиши, эзгу ниятлар, эзгу сўзлар, эзгу ишлардан баланд қўрғон ясаб, ҳар доим ўзимизнинг отамерос, бобомерос хислатларимизни, миллатимизга хос асрий анъаналаримизни кўз қорачиғидек асрашимиз шарт.

Майор Азимбек УСМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизматни ўтаётган ёш мутахассислар иштирокида уч кунлик амалий семинар ўтказилди. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонлари ижросини таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари» мавзусида ўтган мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори адлия полковниги Шуҳрат Узоқов қисқача кириш сўзи билан очиб, семинардан кўзланган асосий мақсад Юртбошимизнинг яқиндагина Бош қомусимиз ўн тўрт йиллигига бағишланган «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – асосий вазифамиздир» номли маърузасидан келиб чиқиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирларда ҳарбий прокуратура органлари ходимлари олдига қўйиладиган талаблар, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тегишли фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга эришиш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Семинарнинг илк куни Суд-тиббиёт экспертиза бош бюросида ўтди. Мазкур муассаса бошлиғи тиббиёт фанлари доктори профессор З.Ғиёсовнинг «Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида суд-тиббиёт экспертизасининг вазифалари ва аҳамияти» мавзуидаги маърузаси тингланди. Сўнгра, суд-тиббиёт экспертиза фаолияти; қайта комиссион ва комплекс суд-тиббиёт экспертизаларини тайинлаш усуллари ва уларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари; тиббий криминалистик текширувлар, уларнинг аҳамияти ва ушбу туркумдаги текширувларни ўтказишда замонавий имкониятлар, шахс идентификацияси сингари соҳавий йўналишлар ҳақида Суд-тиббиёт экспертиза бош бюроси олий тоифали мутахассислари батафсил маълумот бердилар. Таъкидлаш жоизки, маърузалардан кейинги савол-жавобларда семинар қатнашчилари олинган билимларни янада мустаҳкамладилар. Ҳар бир мавзудан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилган тренинг машғулотларида эса, ҳарбий прокуратура ходимлари фаолиятида рўй берган ёки бериши мумкин бўлган ҳодисалар пайтида вазиятга тўғри баҳо бериш, бехато ҳаракатланиш ва зарур чораларни кўриш борасидаги фикрлар илгари сурилди.

Маълумки, прокурор-тергов ва суд-тиббиёт экспертиза ходимлари касбий фаолиятлари мобайнида ўзаро ҳамкорликда иш олиб борадилар. Демак, юқоридаги каби фикр ва тажриба алмашинув, зарур билим, маълумотларга эга бўлиш келгусида янада самара бериши аниқ.

Тадбирнинг иккинчи кунида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлдилар. Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси юридик фанлари доктори профессор М.Ражабова иштирокида «Қонунларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этишда муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Шундан сўнг, Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчилари У.Абдураҳмонов ва С.Мариповаларнинг «Дастлабки тергов ва терговолди текширувлар ўтказиш жараёнида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар ёрдамида далилларни мақбуллаш», «Суд тергови жараёнида иштирок этувчи томонлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзулардаги ва бошқа маърузалар тингланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Республика Ҳарбий прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари қилган чиқишларда семинар иштирокчиларига прокуратуранинг соҳавий йўналишлари бўйича ишни ташкил этиш самарадорлигини ошириш борасидаги фикрларни билдиришиб, уларнинг эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилинган, қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишнинг мазмун-моҳияти яна бир бор етказилиб, жойларда уларни тарғиб қилиш усуллари ҳақида тушунтиришлар берилди.

Учинчи куни соҳа мутахассисларининг чиқишлари, қизиқарли маърузалар тингловчиларга тақдим этилди. Машғулотда, берилган билимлар ва олинган саболқларнинг қай даражада ўзлаштирилганлиги синовдан ўтказилди.

Ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар учун бундай семинарлар ниҳоятда муҳим. Чунки айнан соҳа мутахассисларидан илм ўрганиш, уларнинг бой тажрибасидан хабардор бўлиш, қизиқтирган саволларига малакали ходимлардан жавоб олиш ва умуман, билим доирасини кенгайтириш уларнинг фаолиятларида асқотиши аниқ. Энг муҳими, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам Қуролли Кучларимиз сафларидаги ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам саналмиш хизматдан резервга бўшатилганларни, жанговар вазифани бажариш даврида ногирон бўлганларни, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимиз тинч, осуда ҳаётини асраб-авайлаш йўлида ҳатто ўз жонини аямаган юрт қаҳрамонларининг оила аъзоларини ҳимоялашга, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонуний ҳужжатларнинг, чора-тадбирларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига, ушбу долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ва доимий назорат остида бўлишига хизмат қилади.

Адлия капитани Абдураҳим ҲУСАНОВ.





ИНТИЗОМИЙ ТАЪЗИР БЕРИШ

83. Командир (бошлиқ) томонидан ўз қўл остидагига интизомий таъзир беришда олдин бу ҳол муҳокама этилиши керак. У айбдор шахсларни воқеа содир бўлишига олиб келган сабаб ва шароитларни аниқлаш учун ўтказилади.

Муҳокамада командир (бошлиқ) қуйидагиларни аниқлайди:

– чиндан ҳам воқеа содир бўлганми;

– қачон ва қаерда, қай вазиятда ва қандай мақсад билан у содир этилди;

– у қандай юз берди;

– конкрет шахслар хатти-ҳаракатидаги айб ва воқеа бир неча киши томонидан содир этилганда ҳар бирининг айби;

– воқеанинг асоратлари қандай, айбдорнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар;

– воқеани содир этишга хизмат қилган сабаб ва шароитлар.

Муҳокама чоғида ҳарбий хизматчининг хатти-ҳаракатида жиноят борлиги аниқланса, ҳарбий қисм командири ҳарбий прокурорни хабардор қилади, зарурат тақозосидан жиноий иш қўзғаб, тергов бошлайди.

84. Интизомий таъзир чораси ва айби аниқланаётганда қуйидагилар эътиборга олинади: хатти-ҳаракатнинг характери, у содир этилган ҳолат, унинг оқибатлари, айбдорнинг олдинги хулқи, шунингдек, унинг ҳарбий хизматни ўташ давомийлиги ва унинг хизмат ўташ тартибини билиш даражаси.

Интизомий таъзирнинг қаттиқлиги, агар воқеа жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ва бошқа хизмат вазифаларини бажаришда, маст ҳолатда ёки тартибни жиддий бузишга олиб келса, кучаяди.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ИНТИЗОМ НИЗОМИ»дан.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

МАШИНА МОЙЛАШМИ ЁХУД ТОМОҚ ЁҒЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низомини ҳар бир ҳарбий хизматчи пухта билиши ва унга қатъий риоя этиши шарт. Низомда: «Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчидан:

– Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсунишни;

– ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни, ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни, ҳарбий ва давлат мулкини асрашни... талаб этади» дейилган. Интизомни бузиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Биз қуйидаги сизга сўзлаб бермоқчи бўлаётган воқеа бунга бир мисолдир.

Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак, деганларидек, машинаси бор одамлар яхши билишади. Машинанинг қони бензин, балки биз янглишаётгандирмиз, жони десак, тўғрироқ бўлар. Ёнилғиси йўқ машина, қанча ҳаракат қилманг юрмайди. Ёнилғи эса осмондан тушмайди. Сотиб олиш керак. Деталлари ейилиб кетмаслиги учун эса мойлаб туриш лозим. Мой ҳам текин эмас, албатта. Хизмат машиналарига эса чек орқали берилади.

Арамис Месхидзе буни тушунмайди, десангиз, чучварани хом санабсиз. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёнилғи мойлаш хизматининг бошлиғи буни билмайдими?! Унинг вазифаси фақат ҳужжатларга қўл қўйишдангина иборат эмас. Мабодо, бошлиқнинг вазифаси фақат жимжимадор қўл қўйишдан иборат бўлганида эди, ҳамма ҳам бошлиқ бўларди. Шу ҳам иш бўптими? Ҳозир хоҳлаган қалам-ручкангиз бор: қизил дейсизми, қора дейсизми? Дунёда нечта ранг бўлса, баридан бор.

Мен бир шундай одамни биламан. Ён чўнтагига ўнтача ручка солиб юради.

– Ручкангиз борми? – деб сўрасангиз:

– Ранги қанақасидан? – дейди. Бироқ бошлиқ эмас.

Ёнилғи мойлаш хизмати бошлиғи аввало ана шу маҳсулотларни тежаб ишлатилишига жавобгар. Қўл остидаги ходимларидан тартибни талаб қилади, интизомни талаб қилади. Талаб бўлмаса, интизом бузилади, давлат мулки кўкка совурилади.

«ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ БУЗГАН БИРОР КИМСА ҲАМ ЖАВОБГАРЛИКДАН БЎЙИН ТОВЛАМАСЛИГИ ВА БЕГУНОҲ БИРОР КИМСА НОҲАҚ ЖАЗОГА ТОРТИЛМАСЛИГИ КЕРАК».

Бироқ Арамис акамларнинг, билмадик, олдидан шундай бўлганми, бошлиқ бўлгандан кейин шундай бўлганми, ишқилиб томоғи бошқаларникига қараганда каттароқ. Унчамунча нарса бемалол ўтиб кетаверади.

Бир куни Арамиснинг калласига бир фикр келиб қолди: томоқнинг катталиги яхшию, аммо уни ёғлаб турмаса қандай бўлар экан?! Бунга битта ўзининг кучи етармикан?! Кўпчилик яхши-да.

Бир куни Афандининг эшаги ботқоққа ботиб қолибди. Ипидан тортибди, чиқаролмабди. Қулоғидан, ҳатто думидан тортибди, чиқаролмабди. Шунда йўлдан ўтиб кетаётганларни ёрдамга чақирибди.

– Ҳой, яхшилар, ёрдам беринглар! Эшагим ботқоққа ботиб қолди. Бир ўзим чиқаролмаяпман.

Уч-тўрт одам ёрдамга келишибди. Ипидан тортган экан, узилиб кетибди.

Шунда:

– Қулоғидан тортиш керак, – дебди биттаси.

– Йўқ, қулоғи мўрт, – дебди иккинчиси, – яхшиси думидан тортамиз, арқондай мустаҳкам.

Хуллас, улар эшакнинг думидан тортишга келишибди.

– Бир, икки, уч...

Бир марта тортишибди, бўлмабди, икки марта тортишибди, бўлмабди. Учинчи марта тортишганда, думини узиб олишибди. Шунда Афанди:

– Кўпчиликдан айланай, кўпчиликдан, – деган экан.

Насриддин кўпчилликка таянгандан кейин Арамис кўпчиликка суянмайдими?! Бунинг устига, ҳаммаси ўзига бўйсунса.

Азамат Комилов, Ҳусанбой Охунов, Камол Байрамов, Давлат Сайитқулов, Рустам Расулбердиев, Улуғбек Каримов, Насим Райимжонов, бирлари қисм ёнилғи мойлаш хизмати бошлиғи, бирлари омбор мудири.

Шундай қилиб, кўпчилик билан томоқ ёғлаш операциясини бошлаб юборди. Ишлатилмай қолган чеклар расмийлаштирилди, сохта ҳужжатлар тузилди. Қарабсизки, томоқ ёғлашга маблағ топилди. Бу маблағ шунчалик кўп эдики, Арамиснинг битта ўзининг томоғини ёғлашдан ташқари бошқаларга ҳам етарди. Хурсанд бўлиб кетди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деган гап ҳам бор. Буни улар унутиб қўйишган кўринишади. Тафтиш ҳаммасини жой-жойига қўйди.

Оқибатда томоқ ёғлаш дардига мубтало бўлган офицерлар ҳарбий унвонидан ажралдилар, суд ҳукмига кўра, узоқ муддатли қамоқ жазоси берилди.

Ўйлаб қоласан, киши. Нега шундай бўлди?! Бугунги кунда ҳарбийларга эътибор ҳар қачонгидан кучли. Улар ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилинмоқда, қўллаб-қувватланмоқда. Ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда шон - шараф ишига айланмоқда. Ҳарбий соҳани танлаётганлар ойдан ойга, кундан кунга ортиб бормоқда. Шундай бир пайтда, бирлари олий ҳарбий билим юртини битирган офицер, бирлари шартнома асосдаги ҳарбий хизматга қабул қилиниб сержант бўлган А. Месхидзе, А. Комилов, Ҳ. Охунов, К. Байрамов, Д. Сайитқулов, Р. Расулбердиев, У. Каримов, Н. Райимжонов ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, ҳарбий хизматчи деган номга доғ тушурганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу ҳам майли, энди улар ёру биродарлари, хизматдошлари, фарзандлари юзига қайси кўз билан қарашади?!

Шуни унутмаслик керакки, хизматга совуққонлик билан қараш, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш, тартиббузарлик, қонунбузарлик барибир бир кун жазоланмай қолмайди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейдилар. Қайсидир маънода, хато қилиш мумкиндир, тузатса бўлади. Аммо атайлаб хато қилишни асло кечириб бўлмайди.

Интизом низомида юксак ҳарбий интизомга: «ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бажаришга шахсий масъулияти...» орқали эришилади деб қайд этилган. Масъулият унутилса, интизомсизлик юзага келади, интизомсизликка эса жазо муқаррар.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 28 декабря. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ДВАДЦАТОГО ТУРА

1. В каких случаях при организованной перевозке групп детей в автобусах или на грузовых автомобилях должен быть включен ближний свет фар в светлое время суток?

а) Только в условиях недостаточной видимости;
б) только при интенсивном движении;
в) по усмотрению водителя;
г) во всех случаях, когда осуществляется перевозка.

2. В каких местах из перечисленных запрещается остановка транспортных средств?

а) На мостах; б) на путепроводах; в) ближе 15 м от края пересекаемой проезжей части; г) во всех указанных местах.

3. В чем должен убедиться водитель, прежде чем начать обгон?

а) В том, что на проезжей части не менее двух полос для движения в одном направлении;
б) в том, что при обгоне ему не придется выезжать на полосу встречного движения;
в) в том, что ни один из следующих за ним водителей, которому может быть создана помеха, не начал обгона;
г) в том, что при завершении обгона он вернется в ранее занимаемую полосу, не подавая дополнительных предупредительных сигналов.

4. Разрешается ли перевозить детей, не достигших 12-летнего возраста, в кабине грузового автомобиля?

а) Разрешается;
б) разрешается только в сопровождении взрослого пассажира; в) запрещается.

5. В темное время суток и в условиях недостаточной видимости оставленные на дороге дорожные машины, строительные материалы, конструкции и т.п. должны быть обозначены:

а) соответствующими дорожными знаками;
б) направляющими и ограждающими устройствами;
в) красными или желтыми сигнальными огнями;
г) всеми перечисленными обозначениями.

6. Когда в соответствии с Правилами может быть закончена подача предупредительного сигнала рукой?

а) Непосредственно перед выполнением маневра;
б) немедленно после завершения маневра;
в) во время выполнения маневра.

7. К вам приближается транспортное средство, на котором включен проблесковый маячок синего цвета, дополнительно к нему – проблесковый маячок красного цвета. Дорога имеет две полосы для движения в данном направлении, и разделительная полоса отсутствует. Что надо делать?

а) Принять вправо и двигаться с особой осторожностью до проезда замыкающего колонну транспортного средства с включенным проблесковым маячком синего цвета;
б) увеличить скорость, чтобы быстрее разминуться с этим транспортным средством;
в) остановиться у тротуара или на обочине и возобновить движение после замыкающего колонну транспортного средства с включенным маячком синего цвета.

8. При остановке в темное время суток на неосвещенных участках дороги в случае неисправности габаритных или стояночных огней необходимо:

а) включить ближний свет;
б) принять правее и включить ближний свет фар;
в) отвести транспортное средство за пределы дороги, а если это невозможно, его необходимо обозначить в соответствии с требованиями настоящих Правил.

9. Когда могут применяться задние противотуманные фары?

а) При движении в колонне в темное время суток;
б) при движении в тоннелях;
в) только в условиях недостаточной видимости;
г) при разгрузке груза в темное время суток;
д) во всех перечисленных случаях.

10. Разрешается ли использовать транспортное средство, у которого между сдвоенными шинами имеются инородные предметы?

а) Запрещается;
б) разрешается только по правой полосе дороги при наличии двух и более полос для движения в данном направлении;
в) разрешается при движении со скоростью не более 40 км/час.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ДЕВЯТНАДЦАТОГО ТУРА

1. Снизить скорость и вернуться на ранее занимаемую полосу.
2. Только в том случае, если он не может ввести в заблуждение других участников движения.
3. Запрещается.
4. Не препятствовать обгону повышением скорости движения или иными действиями.
5. Воздержаться от перехода проезжей части.
6. Не более предписанной ДАН при согласовании условий перевозки.
7. В местах, где транспортное средство закроет от других водителей сигналы светофора или дорожные знаки.
8. На жесткой сцепке, если фактическая масса буксирующего будет вдвое превышать фактическую массу буксируемого, или методом его частичной погрузки.
9. Не прошедших государственный технический осмотр в установленном порядке.
10. Числом оборудованных для сидения мест.

ЖЕЛЕЗНАЯ... МУКА

Обогащенная железом мука является весьма полезной для лечения и профилактики анемии. Учитывая потребность населения в этой целебной продукции, акционерное общество "Навоийдонмахсулотлари" наладило производство муки с добавками железа.

– Если в нынешнем году мы изготовили пятьдесят тысяч тонн муки и мучных изделий, то почти десять тысяч тонн из них обогащены железом, – сказал директор предприятия Абдували Пулатов. – Эту лечебную муку мы отправляем в отдаленные кишлаки и аулы Тамдынского, Учкудукского, Нуратинского, Канимехского, Кызылтепинского, Хатырчинского районов.

В цехе "Иссик нон" этого акционерного общества в настоящее время выпекается в день около пяти тысяч тонн буханок и булочек, полезных для больных, страдающих анемией и сахарным диабетом. В будущем году здесь намечено увеличить выпуск такой продукции в два раза.

Яркул УМАР, корр.УзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакант лавозимларига олий маълумотли кимёгар, физик ва биолог мутахассислигига эга ва ҳарбий кафедрада ўқиган 35 ёшгача, мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган Фавқулодда вазиятлар тизимида хизмат ўташга лаёқатли Ўзбекистон фуқаролари танлов асосида хизматга чақирилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 4-уй. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Маълумотлар учун телефонлар: 135 01 25, 150 32 16, 134 94 74.

МИНИСТЕРСТВО ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА КОНКУРСНОЙ ОСНОВЕ ОБЪЯВЛЯЕТ НАБОР НА ЗАМЕЩЕНИЕ ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ

Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан объявляет набор на конкурсной основе на замещение вакантных должностей граждан Республики Узбекистан по специальностям химик, физик и биолог с высшим образованием, офицеров резерва, со стажем не менее 5 лет и в возрасте до 35 лет.

Адрес: г.Ташкент, ул.Кичик халка йули, 4. Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Телефоны для справок: 135 01 25, 150 32 16, 134 94 74.

Сирли олам

РАҚАМЛАР ГАПИРГАНДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Тўрт сони ҳам халқ анъаналарида кўп қўлланадиган «сеҳрли» рақамлардан биридир. Айниқса, диний афсоналарда тўрт сонига алоҳида эътибор берилади. Ислом мифологияси таълимотига кўра етти қават осмон ва ерни тўртта фаришта то қиёмат-қойим бўлгунча елкасида кўтариб турармиш. Ҳозирги илмий тафаккур ерни ҳеч қандай фаришта елкасида кўтариб турмаганлигини, у қуёш системасидаги сайёралардан бири эканлигини, тўрт фаришта ҳақидаги афсоналар эса қадимги мифологик қарашлар маҳсули эканлигини исботламоқда.

Маълумки, ислом таълимотида Оллоҳнинг маскани – арши-аълонинг яқинида турувчи тўрт фаришта талқини ва тавсифига кенг ўрин берилган. Улардан биринчиси Жаброил – илоҳий хабарни етказувчи, иккинчиси Микоил – коинотдаги тартибни назорат қилиб турувчи, учинчиси Исрофил – махсус бурғуни чалиб қиёматдан дарак берувчи, тўртинчиси эса Азроил – одамларнинг жонини олувчи фариштадир.

Диний афсоналарда тасвирланган фаришталар сонини белгилашда ҳам «тўрт» сонидан анъанавий тарзда фойдаланилган.

«Чор китоб», яъни «тўрт китоб»га топишнинг тарихий асослари бевосита диний қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига боғланади. Лекин «чор китоб» анъанаси билан боғлиқ ривоятлар диний ақидалар орқали бизнинг кунларимизгача етиб келган. Ҳатто классик адабиётимизда ҳам «чор китоб» формасига асосланиб девон тузиш анъанаси бўлган, шоирлар энг яхши ғазалларини тўплаб, «чор девон» тузганлар.

Аслида эса «тўрт» рақамида ҳеч қандай ғайритабиий сир бўлмай, у биз амалда қўллайдиган саноқ системасидаги оддий сонлардан бири экан. Халқ оғзаки ижодиётида, жонли сўзлашувда бу рақам билан боғлиқ ибора ва бирикмалар кўп бўлгани сабабли, қадим замонларда яшаган боболаримиз «тўрт сонига» алоҳида «меҳр қўйишган» экан.

Бу «сеҳрли» сон ўзбек фольклори ва удумларида ҳам анъанавий рамз сифатида қўлланилади. Тилимизда «тўрт» сони иштирок этган ибора ва тушунчалар кўп. Масалан, «бошинг оққан томонга кетавер» деган маънода «тўрт томонинг қибла» ибораси қўлланилади. Бировни кутиб бесаранжом бўлган одамни «кўзи тўрт бўлди» деб таърифлайдилар. Бу иборада «тўрт томонга қарамоқ» ёки безовталанмоқ маънолари яширинганини сезиш қийин эмас. Шунингдек, сўзлашувда «тўрт ёнига қарамоқ», «тўрт мучанг соғ бўлсин», «тўрт кўз тугал кўришмоқ» каби бирикмалар ҳам қўлланилади. Ҳатто сезгир итларга ҳам Тўрткўз деб исм қўядилар.

Тунги ёритқичимиз Ойнинг тўртта фазаси маълум бўлиб, у бир ой ичида тўрт марта ўз тусини ўзгартиради. Ҳозирги вақт ҳисобига кўра ҳар ойда тўрт ҳафта, бир йилда тўрт фасл, дунёнинг тўрт томони мавжуддир.

Чой устида суҳбат қуриб ўтирган отахонларнинг суҳбатига қулоқ тутсангиз, улардан бири «тўрт нарсага қарамоқ» ёки безовталанмоқ маънолари яширингани йўқ деганини эшитасиз. Шунда унинг ҳамсуҳбатларидан бири «тўрт» нарсага тўйим йўқ» дейди. Кексалар бу жумбоқни шундай шарҳлайдилар: бош – ақлга, кўнгил – муҳаббатга, ер – сувга, тил – сўзга тўймайди. Боболаримизнинг қадимий эътиқодларига кўра, одамнинг тўрт айби сира кечирилмас экан: ноҳақни ҳақ дейиш, қийноқни роҳат дейиш, ифлосни тоза дейиш, рост ўрнига ёлғон сўзлаш. Улар тўрт нарсага – қувонч, ҳамма билан бирдай муомалада бўлиш, ҳиммат ва яхшиликка ўлчам йўқ дейишади.

Турмушда «тўрт» рақами билан боғлиқ бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо шуниси қизиққи, бу «сеҳрли» рақам айрим тарихий шахсларнинг ҳам «бошини айлантирган» экан. Масалан, Рим империясининг ҳукмдори Карл IV «тўрт» рақамига жуда содиқ бўлган экан. Унинг тўртта улуғ князь бошқариб турган пойтахти бўлган. Тантанали маросимларда тўрт хил металл қоришмасидан тайёрланган тўрт бурчакли тож кийган. Карл IV ўз армиясини тўрт корпусга, империясини эса тўрт қисмга бўлган. Тўрт хил рангда либос кийиб, тўрт тилда гаплашган император тўртта от қўшилган тўрт ғилдиракли аравада юраркан. Буни қарангки, императорнинг тўрт ўғли бўлиб, уларга тўрт тилда васиятнома ёзиб қолдирган экан. Ҳукмдорнинг «тўрт» рақамига бунчалик ихлос қўйишга сабаб, унинг Карл тўртинчи бўлганлигидир, дейишмоқда мутахассислар.

«Тўрт» рақамининг инсон турмушига бу қадар чуқур кириб боришига сабаб нимада? Боболаримиз ҳар йилда тўрт фаслнинг муттасил ўрни алмашиб туриши, оламнинг тўрт томони мавжудлигига асосланиб, табиатда тўртликнинг ўзига хос ўрни борлигини англашган. Ойнинг тўрт марта ўз тусини ўзгартириши, ҳар ойда тўрт ҳафта бўлиши бу рақам тўғрисидаги тасаввурларни қатъийлаштирган. Аста-секин халқ оғзаки ижодида «тўрт» сонига алоқадор ибора ва тушунчалар, Тўрткўл, Тўртовул, Чоржўй, Чорбакр каби жой номлари билан боғлиқ афсоналар пайдо бўлган.

Аҳрор ОЧИЛОВ тайёрлади. (Давоми бор).

ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Мудофаа вазирлиги тизимидаги округлар, ҳарбий қисм ва муассасалар озиқ-овқат хизмати бошлиқларининг ўқув йиғини бўлиб ўтди. Сир эмаски, йил якуни барча соҳалар бўйича ғалвирни сувдан кўтарадиган палла ҳисобланади. Чунки қилинган ишлар кўлами ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифаларга жиддий эътибор қаратилади. Мудофаа вазирлиги Фронт орти бош бошқармасининг озиқ-овқат таъминоти бошқармаси бошлиғи подполковник Аброр Ҳайдаров бошчилигида ўтказилган ушбу йиғинда ҳам йил давомида озиқ-овқат таъминоти бўйича амалга оширилган ишларга, ютуқ ва камчиликларга батафсил тўхталиб ўтилди. 2007 йил учун янги иш режалари белгиланди.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни посбонларнинг озиқ-овқат таъминотидаги катта ўзгаришларда ҳам бўй кўрсатаётгани барчамизга маълум. Бу янгиланишлар шубҳасизки турли йўналишларда давом этиб келаяпти. Ўқув йиғинининг янги йил учун белгиланган режасида айнан мана шу ўзгаришларга эътибор қаратилди. Биринчи навбатда Мудофаа вазирлиги Озиқ-овқат таъминоти бошқармаси қошида қўшинларни озиқ-овқат билан таъминлашни назорат ва таҳлил қилиш маркази ҳамда округларда озиқ-овқат таъминоти бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш марказлари ташкил этилганлиги ва бу янги тузилмаларнинг иш йўналиши хусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, йиғин иштирокчилари озиқ-овқат хизмати бўйича иқтисодий масалаларни ташкил қилиш ва тартибга солиш мавзусида мутахассисларнинг маърузаларини ҳам тинглашди. Ўқув йиғини давомида округларда озиқ-овқат ва кийим-кечак хизматига тегишли бўлган техника воситалари ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилгани, илк ижобий натижалар алоҳида таъкидланди.

– Албатта бу марказларни ташкил этишдан мақсад битта, – дейди подполковник Ҳайдаров суҳбат чоғида. – Қўшинларнинг озиқ-овқат таъминотини тубдан яхшилашга қаратилган режанинг ҳар бир бандини юксак эътибор билан бажариш. Ўқув йиғинининг олдида турган асосий масала ҳам жанговар ютуқлар гарови бўлган таъминот хизмати фаолиятини юқори даражага кўтаришдир.

Ўқув йиғини сўнгида йил давомида бир қатор ютуқларга эришган озиқ-овқат хизматига масъул офицерларга ташаккурномалар билдирилди.

Зарина НИШОНОВА.

ХИЗМАТ БОШЛИҚЛАРИ ЙИҒИНИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида икки кунлик ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Унда ҳарбий округлар, қисм ва муассасалар кийим-кечак хизмати бошлиқлари иштирок этдилар. Йиғин аввалида Мудофаа вазирлиги Фронт орти бош бошқармасининг Кийим-кечак таъминоти бошқармаси бошлиғи подполковник Олим Қудратов ҳарбий қисм ва муассасаларда кийим-кечак тақсимоти бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани, умуман ушбу йўналишда йил мобайнида қилинган ишлар таҳлили бўйича ҳисобот берди, янги 2007 йилги режалар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Фронт орти бош бошқармаси бошлиғи, Сафарали Марайимов, Назорат ва тафтиш қилиш бошқармаси бошлиғи подполковник Шуҳрат Сафаровлар сўзга чиқишиб, ҳарбий хизматчиларнинг моддий буюмларни, кийим-кечак ва анжомларни сақлаш, фойдаланишдаги масъулияти, мажбуриятлари, 2006 йилда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўтказилган текшириш ва тафтиш ишларининг умумий натижалари ҳақида маъруза қилдилар. Маърузадан сўнг Кийим-кечак таъминоти бошқармаси катта офицери Олимжон Ҳамидов йиғилганларга Мудофаа вазирининг тегишли буйруқ ва кўрсатмаларининг асосий талаблари ва унинг ижросини таъминлаш бўйича тавсиялар берди.

Ҳарбий қисм аскарлар ётоқхонасида амалий машғулотлар ўтказилди. Унда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда хўжалик юритиш ва уни ташкиллаштиришни тўғри йўлга қўйиш, аскарларнинг кундалик ҳаёти учун зарур моддий буюмларни етказишда қўйиладиган талаблар, ҳарбий анжомларни кийим-кечак омборида сақлаш тартибларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Аскарлар ва ҳарбий хизматчиларни кийим-кечак билан таъминлаш ҳамда уларга зарур буюмларни ўз вақтида етказиб бериш учун бошқармамиз томонидан ҳар йили режа асосида мана шундай ўқув-услубий йиғин ўтказилади,– дейди Кийим-кечак таъминоти бошқармаси катта офицери Олимжон Ҳамидов. – Бу йилги йиғинни ўтказишдан мақсад, кийим-кечак таъминоти бошлиқларининг назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш ҳамда янги йилда ҳарбий кийим-кечаклар таъминоти борасидаги янгиликлар билан таништиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги йиғинимиз биз кутганимиздан ҳам аъло даражада ўтди. Ўйлаймизки, йиғин қатнашчилари мавзу бўйича етарлича маълумотларга эга бўлдилар.

Лола ҲОЖИЕВА.

КРАСОТА КОКАНДСКОГО АТЛАСА

Возрастает спрос на атласные, бархатные и шелковые ткани, которые производят в ООО "Куконшохиатластукиш".

200 женщин трудятся на предприятии, действующем на основе современных технологий.

– Наш город издревле славится своими неповторимыми красивыми атласными тканями, – сказала председатель общества Шаходатхон Ахмедова. – Поэтому уделяем особое внимание повышению эффективности работы и качества продукции.

Недавно пущен в эксплуатацию мотальный цех. Налажено производство спецодежды для работников. С начала года в торговую сеть отправлено продукции почти на 400 миллионов сумов.

УзА.

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

АТРОФДАГИЛАР СИЗГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?

Сиз бирон-бир касб билан шуғулланишни хоҳлайсиз. Ана шунинг саъй-ҳаракатида елиб-югуриб юрибсиз. Лекин ўзингизнинг хулқ-атворингизни тўла биласизми? Шуни унутмангки, хулқ-атворингиз, ташқи қиёфангиз, гапириш маромингиз, яъни муомалангиз кишиларда турлича таассурот қолдиради ва уларнинг муносабатлари ҳам, албатта шунга яраша бўлади. Одамларнинг сизга бўлган муносабатларини билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест саволларига аниқ жавоб беришингиз лозим.

1. Одамлар менинг нима деганимни эшитишмайди ва яна такрорлашимни сўрашади.

А) Ҳеч қачон (3);
Б) баъзида (2);
В) тез-тез (1).

2. Мен билан олдин учрашганлар исмимни эслай олишмайди. Лекин ўша пайтда атрофимда бўлганларнинг исмларини айтиб беришади.

А) Ҳеч қачон (3);
Б) баъзан (2);
В) бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради (1).

3. Умумий мулоқотларда фикр-мулоҳазаларим ҳеч кимга қизиқ эмас, улар учун гўё йўқдайман.

А) Бу тез-тез такрорланади (1);
Б) баъзан бўлиб тўради (2);
В) ҳеч қачон бундай бўлмаган (3).

4. Кийинишим, гапларим ва хулқ-атворим учун очиқчасига танқидга учрайман.

А) Баъзида (2);
Б) тез-тез (1);
В) бундай бўлмаган (3).

5. Тасодифий танишлар исмим, турар ва иш жойимни тезда унутиб юборишади.

А) Ҳеч қачон (3);
Б) баъзан (2);
В) тез-тез (1).

6. Сотувчи ва официантлар мени жуда кеч пайқашиб, энг охирида хизмат кўрсатишади.

А) Баъзида шундай бўлади (2);
Б) ҳеч қачон бўлмайди (3);
В) тез-тез учраб туради (1).

7. Нотаниш одамлар билан учрашганда, ҳамроҳларим мени уларга таништиришни унутиб қўйишади.

А) Ҳеч қачон унутишмайди (3);
Б) кўпроқ шундай бўлади (1);
В) баъзида (2).

8. Жамоат жойларида бўлганимизда танишларим менинг хулқ-атворимдан камчилик топиб, уни ўзгартиришимни маслаҳат беришади.

А) Бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради (1);
Б) баъзида бўлади (2);
В) ҳеч қачон бўлмаган (3).

Энди ўзингиз тўплаган балларга бир нигоҳ ташлангда, уни қуйидаги натижаларга таққослаб кўринг:

14 БАЛЛГАЧА. Қандай хатоларга йўл қўйганингиз ва ўзингизга нисбатан ишонч, дадиллик уйғотиш ҳақида яхшироқ ўйлаб кўринг. Балки ўз услубингизни алмаштирсангиз, фойдали бўлар.

14 – 17 БАЛЛ. Ўзингизга кўпроқ эътибор беришингиз лозим экан. Кўнгилсиз ҳодиса ва воқеалардан тўғри хулоса чиқаринг.

17 ВА УНДАН ЮҚОРИ БАЛЛ. Сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг. Атрофингиздагиларга сизнинг феъл-атворингиз жуда маъқул ва уни жуда яхши қабул қилишади.

25 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Мап-маи овловчилари».
«Болалар сайёраси»:
9.20 «Билмасвойнинг ойга саёҳати». Мультсериал.
10.10 «Оналар мактаби».
10.30 «Одами эрсанг»
10.50 «Бизнес янгиликлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Дил таронаси».
11.25 «Шахсий фикр».
12.05 «Жайдари келин». Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг спектакли.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 «Дил таронаси».
15.15 «Ватанпарвар».
16.15 «Рангин дунё».
16.35 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 ТВ анонс.
17.40 2006 йил— Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Эзгулик».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Имконият».
18.20 «Уч». Телесериал. 11-қисм.
19.00 «Ахло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.05 «Ҳаёт гўзал». Телесериал премьераси.
23.10 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.30 ТВ-дорихона.
20.40 Ракурс.
20.55 UzEX.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

17.55 «Сенимн, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Ҳайвонот дунёси: «Ғаройиб жонзодлар».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Анонс».
22.50 «Флаббер».
00.15 Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Детективлар».
10.00 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 АВТОграф.
18.00 Шарқ яккакурашлари фестивали.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха — 2006.
19.10 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.20 «Спортимиз маликалари».
20.40 «Ғурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.55 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
22.30 «Проф-РИНГ».
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Билмасвойнинг ойга саёҳати». Мультсериал.
10.30 «Рангин дунё».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Одамлардан бири».
12.35 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 «Дил таронаси».
15.15 «Заковат».
16.15 «Тарих кўзгуси». Самарқанд — 2750.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Эркин иқтисодиёт».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Дёл ва жамият».
18.25 «Уч». Телесериал. 12-қисм.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлкаки»
22.00 «Ҳаёт гўзал». Телесериал.
23.05 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ракурс.
8.50 Мўйқалам сеҳри.
9.20 «Тақдир». Ток-шоу.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Journal.
11.20 «Камолот» хабарлари.
11.30 Орзулар майдони.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
13.30 Эрта сўнган юлдузлар.
13.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Эврика.
17.25 Хазина.
17.40 Тараққиёт сари.
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.40 ТВ-банк.
18.50 Эълонлар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 Наво-SMS.
20.30 CINEMANIYA.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент! Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.25 «Саломат бўлинг».
10.35 «Туризм ҳақида».
11.05 «Интервью».
11.20 «Флаббер».
17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Соғинч».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Моҳир».
22.50 «Кўнгилга татимаган байрам».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
Ўзбекистон чемпионати:
9.50 Мини футбол.
11.00 Муатай.
11.30 Оғир атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.
18.00 Шарқ яккакурашлари фестивали.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ўз-ўзига режиссёр».
19.30 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха — 2006.
19.50 «Тет-а-тет».
20.00 «Вести».
20.20 «Спорт — менинг ҳаётим».
20.35 «Ғурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
22.30 Еврофутбол.
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Билмасвойнинг ойга саёҳати». Мультсериал.
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 «Сизнинг адвокатингиз».
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Бир ўлкаки».
12.20 «Келиннинг отаси».
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 Ҳарбий марш садолари.
15.15 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.05 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.45 «Олов — тилсиз ёв».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик» дастури.
17.35 «Бизнинг кутубхона».
17.45 «Ҳаёт ва қонун».
18.05 «Одами эрсанг»
18.25 «Уч». Телесериал. 13 -қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Йилнинг муҳим воқеалари». Маъмун академиясининг 1000 йиллиги.
22.00 «Ҳаёт гўзал». Телесериал.
23.05 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 ТВ-банк.
8.45 Ватанпарвар.
9.45 ТВ-дорихона.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Болалар — болалар учун!»
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ватаним!
13.20 CINEMANIYA.
13.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Миллий кино: «Алпомиш». 1-қисм.
15.50 Таълим ва тараққиёт.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Шоҳсупа.
17.30 Болалар табассуми.
17.35 Давр-репортаж.
17.45 Мардлар қўриқлайди Ватанни!
17.55 Ватаним!
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.40 Каталог.
18.50 Эълонлар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.25 Давр мавзуси.
20.40 Автопатруль.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Соғинч».
10.15 Болалар учун фильм.
11.50 «Моҳир».
12.05 «Кўнгилга татимаган байрам».
17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Ҳайвонот дунёси.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «ТВ-учрашув».
22.50 «Бир бола қиссаси».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
9.50 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.00 Оғир атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Шоҳсупа.
17.30 Болалар табассуми.
17.35 Давр-репортаж.
17.45 Мардлар қўриқлайди Ватанни!
17.55 Ватаним!
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.40 Каталог.
18.50 Эълонлар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.25 Давр мавзуси.
20.40 Автопатруль.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.
18.00 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха — 2006.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Олам бўйлаб».
19.30 «Кўп яшанг».
20.00 «Вести».
20.20 «Сўғдиёна». Халқаро авторалли мусобақаси.
20.40 «Ғурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
2. «Билмасвойнинг ойга саёҳати». Мультсериал.
10.20 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.40 «Бизнинг кутубхона».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Бир ўлкаки».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Кўнгил риштаси».
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.05 «Дил таронаси».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Йилнинг муҳим воқеалари». Маъмун академиясининг 1000 йиллиги.
«Болалар сайёраси»:
16.30.1 «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.00 Долзарб мавзу.
18.25 «Уч». Телесериал. 14-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Ҳаёт гўзал». Телесериал.
23.05 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 «Yoshlar»да қиш оқшомлари.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 «Янги авлод — 2006».
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Автопатруль.
13.35 Давр мавзуси.
13.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Миллий кино: «Алпомиш». 2-қисм.
15.50 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал (якунловчи қисм).
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Болажон.
17.25 Ватаним!
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Радиодан кўрсатамиз.
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.25 Бу шундай бўлган эди.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Наво-SMS.
20.30 Азизим.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Мисли гавҳар».
9.55 «Интервью».
10.05 Мультфильм.
11.15 «ТВ-учрашув».
11.35 «Бир бола қиссаси».
17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Долзарб мавзу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.50 «Ўтирланмаган келин».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
9.50 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха — 2006.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Беллашув». Дам олиш дастури.
20.00 «Вести».
20.20 «Шарқ яккакурашлари».
20.40 «Ғурур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Билмасвойнинг ойга саёҳати». Мультсериал.
10.00 «Умр мазмуни».
10.20 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Қорақалпоқнома».
12.20 ТВ-анонс.
12.25 «Севги фазоси». Бадиий фильм.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
15.00 «Навобахш». Ток-шоу.
15.45 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
15.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.10 «Олтин бешик».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.35 «Яхшилар ёди».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Ҳидоят сари».
18.20 ТВ-анонс.
18.25 «Уч». Телесериал. 15-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Хонадон».
22.10 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.20 «Ёшлик оқшоми». Байрам сони.
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Бу шундай бўлган эди.
8.55 Чемпион сирлари.
9.15 Тараққиёт сари.
9.35 Давр-репортаж.
9.45 Таълим ва тараққиёт.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Ватанпарвар.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ҳазина.
13.30 Мардлар қўриқлайди Ватанни!
13.40 Ҳарбийлар куйлаганда.
13.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Жаҳон киноси: «Стюарт Литтл-2».
15.50 Радиодан кўрсатамиз.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 Азизим.
17.00 Даврнинг боласи.
17.20 У ким? Бу нима?
17.45 Болалар табассуми.
17.50 Солиқ хизмати.
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал.
18.30 Кўшиқнинг туғилиши.
18.50 Эълонлар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Севишганлар». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Наво-SMS.
20.30 Дунё таомлари.
21.00 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «Келажак овози — 2006».
23.40 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Келажакка интилиб».
10.15 «Интервью».
10.25 Болалар учун фильм.
12.20 «Ижтисод-ревю».
12.30 «Долзарб мавзу».
13.00 «Ўтирланмаган келин».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Ҳайвонот дунёси.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Энг Кулгули видео».
22.50 «Ўтирланмаган келин».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Детективлар».
9.50 Ринг.
10.20 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Паҳлавон». Кураш-шоу.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ўзбегим иродаси».
19.30 «Вести».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Қорбобо-2006». Каратэ бўйича халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Аптека эшитади».
22.35 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха — 2006.
23.05 Футбол. Мавсум якунлари.
23.35 «Нима? Қаерда? Қачон?»
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!»
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Ҳидоят сари».
9.05 «Мусиқа дунёси».
«Болалар сайёраси»:
9.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00 «Оналар мактаби».
10.20 1. «Рангинкамон».
2. «Дидар».
11.00 «Оила ришталари». Телесериал.
11.35 ТВ-анонс.
11.40 «Интеллектуал ринг».
12.30 «Янги оҳанглар». Озодбек Назарбеков.
13.00 «Бегона баҳор». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Бегона баҳор». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 «Айқулаш юлдузлари». Мусиқий дастур.
15.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.10 «Олтин бешик».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.35 «Яхшилар ёди».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Ҳидоят сари».
18.20 ТВ-анонс.
18.25 «Уч». Телесериал. 15-қисм.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Хонадон».
22.10 «Кўшғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.20 «Ёшлик оқшоми». Байрам сони.
23.40 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Севишганлар». Сериал.
8.35 Ватаним!
8.40 Қилни қирқ ёриб.
9.25 Юлдуз билан.
9.55 Тафаккур нури.
10.00 Давр.
10.15 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
11.00 Дунё таомлари.
11.30 «Ортиқ»ча клиникаси.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ҳарбийлар куйлаганда.
13.20 Солиқ хизмати.
13.30 Чемпион сирлари Руслан Чагаев.
13.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
14.30 Жаҳон киноси: «Стюарт Литтл-3».
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ.
18.00 «Буюк Амир Темур». Телесериал (якунловчи қисм).
18.30 Каталог.
18.40 «Камолот» хабарлари.
18.50 Эълонлар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.55 Ватаним!
20.00 Рўзғор мактаби.
20.20 «Дилроз». Атҳам Солиев
20.50 Эълонлар.
21.00 Оҳанрабо.
21.50 Эълонлар.
22.00 ДАВР.
22.30 «Yoshlar»да қиш оқшомлари.
24.00 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 Мультфильм.
10.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
10.25 «Дилкаш наволар»!
10.50 «Саломат бўлинг».
11.25 «Ўтирланмаган келин».
13.05 Мультфильм.
13.20 «Репортаж».
13.35, 15.30 «Санта-Клаус».
17.10 «Энг Кулгули видео».
17.35 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин».
19.20 «Аёл қалби». Байрам сони.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Камин олдида суҳбат».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Такси-3».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Соғлом оила».
8.20 «Табассум».
8.40 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бардам бўлинг».
10.00 Мультфильм.
10.10 «Смак».
10.30 «Карнавал оқшоми».
12.00 «Военное дело».
12.25 «Тенгдош».
12.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
13.30 Ўзбек кураши. Йил якунлари.
14.00 «Қор маликаси». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.30 «Бугдион» қишки цирки.
16.35 «Қалбим наволари».
18.00 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха-2006.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Спорт уик-энд».
19.25 «Файзли оилона».
20.00 «Вести».
20.20 «Мусиқий марафон».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Келин-куёв».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

31 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 Байрамингиз муборак!
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Президент арчаси».
10.10 «Жажжи сеҳргар». Болалар учун фильм.
11.50 «Минг бир масалахат».
12.10 «Янги йил эртаги». Видеофильм.
12.45 «CINEMA.UZ».
13.10 ТВ-анонс.
13.15 «Бегоналар». Бадиий фильм премьераси.
14.45 «50х50». Ток-шоу.
15.35 Байрамингиз муборак!
15.40 «Қишлоқ ҳаёти».
16.00 «КулдиРИНГ».
16.45 ТВ-анонс.
16.50 «Раж Капурни хотирлаб».
18.10 Байрамингиз муборак!
18.15 «Заковат».
19.15 ТВ-анонс.
19.20 «Дунё иқлими».
19.30 «Йилнома» (рус тилида).
20.20 Байрамингиз муборак!
20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г. Мамазоитова.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Йилнома».
22.00 ТВ-анонс.
22.05 «Байрам оқшоми». 1-қисм.
23.45 Янги йил табриги.
00.05 «Байрам оқшоми». 2-қисм.
2.35 «Оловуддиннинг саргузаштлари». Мусиқали бадиий фильм премьераси.
4.05 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм.
5.40 Олтин мерос.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
7.00 «Севишганлар». Сериал (бешта қисм).
9.40 Қўшиқнинг туғилиши.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Оҳанрабо.
11.50 «Камолот» хабарлари.
12.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал (бешта қисм).
14.40 Рўзғор мактаби.
15.00 ТАМАННО.
16.00 «Юлдузлар саргузашти».
18.00 Давр йилномаси.
18.35 Эълонлар.
18.40 «Ошуфта». Анвар Санаев.
19.10 Эълонлар.
19.20 Дунё таомлари.
19.50 Эълонлар.
20.00 «АЖИБ ОҚШОМ-1».
23.45 Янги йил табриги.
00.05 «АЖИБ ОҚШОМ-2».
01.30 Миллий кино: «Улфатлар».
03.10 Жаҳон киноси: «Кариб денгизи қароқчилари».
05.30 Миллий кино: «Мафтунингман!»
06.50 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Йил якунлари».
8.40 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
8.45, 16.35 «Телекурьер-маркет».
9.15 «Йил якунлари».
9.20 Болалар учун фильм.
10.55 «Йил якунлари».
11.00, 14.05 «Муҳаббат синовлари».
12.55 «Йил якунлари».
13.25 «Камин олдида суҳбат».
14.00 «Йил якунлари».
15.50 «Цима учун?»
16.30 «Йил якунлари».
17.00 «Кўзларинг маюс».
19.00 «ММ-шоу».
19.50 «Йил якунлари».
19.55 «Янги йилни севаман».
21.35 «Йил якунлари».
21.40 «Шунақа гаплар».
22.00, 00.05 «Тошкентда янги йил».
23.45 «Янги йил табриги».
02.00 Чет эл эстрадаси.
02.35 «Омадли жентельменлар».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 Мультфильм.
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
8.50 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха-2006.
9.10 «Бардам бўлинг».
10.10 «Омадли жентельменл

УСТУВОР МАҚСАДЛАР УЙҒУНЛАШГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳар бир йилни номлар эканмиз, аввало улар орқали миллий истиқлол ғояларининг мазмун-моҳиятини халқимиз қалби, онгига янада чуқурроқ сингдириш кўзда тутилди. Ҳар бирига ўзгача ном берар эканмиз, уларга эркин ва фаровон ҳаёт, Ватан равнақи, юрт тинчлиги сингари устувор мақсадлар уйғунлаштирилди. Натижада миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойилларга асосан шакллана бордик. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, буюк аждодлар меросларидан озиқландик. Адолат, эркинлик, ҳақиқат ғоялари билан халқимиз ишонч, эътиқодини мустаҳкамладик. Жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишдек улуғвор мақсадга сафарбар этдик. Миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимиз фуқаролари қалбида она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғуси қарор топа борди. Ҳа, ўзига хос ном билан аталган йилларни шу маънода бемалол зарвараққа ўралган йиллар, дея эътироф этишимиз мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда маъруза қилар экан, кириб келаётган 2007 йилда ҳам буюк келажагимиз йўлида давом эттириб келинаётган эзгу мақсадларимизни устувор вазифа қилиб белгилаб олиш учун унга ном берди. Янаги йил «Ижтимоий ҳимоя йили», дея ном олди. Бу борада тўхталар экан, давлатимиз раҳбари шундай деди: «Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири – айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз». Келинг, бу фикрни давом эттирган ҳолда давлатимиз томонидан юритилиб келинаётган ижтимоий ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташлайлик.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ёки бу кўрсаткичлари ўзгариб кетишига олиб келади. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан яратилган Ўзбекистон моделида кучли ижтимоий сиёсат асосий бўғинлардан бири сифатида белгиланди. Шунинг ўзиёқ биз қураётган жамиятнинг инсон омилига асосий эътибор қаратишини кўрсатди. Ҳа, барча ислоҳотлар – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар инсон манфаатларига йўналтирилди.

ҲАР БИР ЙИЛНИ НОМЛАР ЭКАНМИЗ, АВВАЛО УЛАР ОРҚАЛИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИ, ОНГИГА ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ СИНГДИРИШ КЎЗДА ТУТИЛДИ.

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш лозимки, ижтимоий ислоҳотларни ўтказишнинг тактик жиҳатлари бозор механизмларини жорий этишдан олдин аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш, ижтимоий соҳа аҳволини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётига кириб борган сари юзага келадиган вазият ва янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш устуворликлари ва механизмларининг ўзгаришини тақозо этди. 1995 йилдан эътиборан эса ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мақсадли ва адресли тусда бўлиши асосий тамойил этиб белгиланган тизимга ўтдик.

Таъкидлаш жоизки, бундайин оқилона ислоҳотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга, мамлакатимизда барқарорликни ва осойишталикни таъминлашга муваффақ бўлдик. Қолаверса, аҳолини адресли ижтимоий ҳимоя қилишнинг қатъий бир тизими вужудга келди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришни таъминлаш учун янгича шароит ва имкониятлар яратилди.

Ислоҳотларнинг илгарилаб боришига қараб ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳам ўзгариб борди. Натижада аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янгича тизими шаклланди. Аниқроқ қилиб айтганда, бунинг замирида ижтимоий ёрдамнинг мақсадли хусусияти ва аниқлиги, бундайин ёрдамни кўрсатишда давлат ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятлари, ҳамкорликлари ётади.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар ва болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда фойдаланилаётган тизим ўзига хос ва оригиналдир, дея эътироф этиш мумкин. Яъни бунда ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқлигини сўров ёрдамида ҳал этиш, кам таъминланган гуруҳларни аниқлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилгандир. Табиийки, бу ижтимоий адолатни таъмин этиб келмоқда.

Ўз тараққиёт ва истиқбол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг бу борада ўзига хос сиёсат юритаётгани ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Шу ўринда «Ижтимоий ҳимоя йили» дея номланган 2007 йилда мазкур йўналишда қилинажак ишларга ҳам тўхталсак. Бу Юртбошимиз маърузасида таъкидлаб ўтилган. Аввало янги йилда давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилажак умумий харажатлари 54,1 фоизни ташкил этади. Бу якунланиб бораётган йилимиздагидан 3,1 фоиз кўп дегани. Шунингдек, бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинади.

«…2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ», дейди Президентимиз.

Дарҳақиқат, эркин ва фаровон ҳаёт, Ватан равнақи, юрт тинчлиги сингари устувор мақсадлар уйғунлаштирилган янги йилимиздан ҳам умидимиз катта. Ишончимиз комилки, бу борадаги эзгу ва хайрли ишларимиз ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага олиб чиқажак.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

БУЮК МОМОЛАРИМИЗ – СУЮК МОМОЛАРИМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шоира Увайсий билан танишиб, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Саройдаги ўз даврининг энг иқтидорли шоирлари билан тез-тез бўлиб ўтадиган мушоиралар шоира ижодини чархлаб боради. У мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратган, «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Нодирабегим турмуш ўртоғи Умархон оламдан ўтгач, унинг йўлидан бориб олимлар, санъаткор ва шоирларга катта ҳурмат кўрсатади. Айниқса, шоираларни ўз ҳимоясига олади.

Нодира ижодининг асосини лирика ташкил этади. У муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. Шоира инсондаги сабр, қаноат, ҳиммат, номус ва ҳаё каби хислатларни улуғлайди. Мумтоз адабиёт анъаналарини қунт ва ихлос билан давом эттирган ҳолда, Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ каби бадиий воситалар маҳорат билан қўлланган.

Бугунги кунда биз улуғ шоира Нодирабегимнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган ўн минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз. Бу бебаҳо асарлар миллатимизнинг фахри, ғурури бўлиб яшайди, шубҳасиз

Рафиқо, менга бир дам
дўстлиғ расмини изҳор эт –
Ки, мен бордим ўзимдан,
ёр агар келса, хабардор эт...
Зулайҳо муштарийдир ганжи
гавҳар бирла васлингга
Жаҳон аҳлини Юсуфдек
жамолингга харидор эт.
Гули савсан очилди,
бенаволиқ қилма, эй булбул,
Чаманда Нодира ашъори
бирла нолаи зор эт.

Сизга таништирмоқчи бўлган, Қўқонда яшаб ижод қилган яна бир шоирамиз

ДИЛШОД БАРНО

Ўз даврининг энг зукко, маърифатпарвар зиёли аёлларидан бўлган Дилшод Барно илк саводини отаси Раҳимқул сўфидан чиқарган. Кейинчалик ўзи ҳам мактабдорлик қилиб хотин-қизларга хат-савод ўргатган. У ижоди давомида ғазал, муҳаммас, мусаддас, чистон ва шеъриятнинг бошқа жанрлари билан бир қаторда хотираномалар ҳам яратган.

Шоиранинг бизга 91 та ўзбекча, 51 та тожикча шеърлари, «Муҳожирлар тарихи», («Тарихи муҳожирон») бадиий-тарихий асарининг қўлёзма нусхаси, «Тазкираи Барно», «Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи», «Барнонинг танланган шеърлари» каби тўпламлари етиб келган. Буларда нафис ва гўзал шеърлар билан бирга ўзаро урушлар, халқнинг турмуш шароити ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар баён қилинган. Шоира Туркистонни чор Россияси босиб олишига бўлган муносабатда замондошларидан илгарилаб, бу ҳодисанинг барча оқибатларини тўғри тушунган. Шу жиҳатдан Дилшод Барно шеърияти халқ тақдирининг бадиий йилномаси даражасига кўтарилган. Шунингдек, шоира бахтиёр замон, яхши кунлар келишига ишонган, Туркистон аҳлини дўст-иноқ, бирдамликда яшашга ундаган. Унинг лирикасида муҳаббат ва садоқат, Ватан ва инсон озодлиги мавзуси уйғунлашиб кетган. Шоиранинг «Муҳожирлар тарихи» асарида ижтимоий-сиёсий воқеалар, аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаш билан бирга, туғилган юрти Ўратепа ва Қўқонда яшаб ижод қилган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумотлар берган.

Дилшод Барно зиёли, оқила ва доно момоларимизнинг ҳақиқий тимсолидир.

Ҳар бир даврнинг замонавий қатлами, яъни зиёлий вакиллари бўлади, шубҳасиз.

НОЗИМА ХОНИМ

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган мана шундай зиё вакилларидан бири. У Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида туғилиб вояга етган. Отаси Мулла Саид Аҳмад ўз замонасининг пешқадам, тараққийпарвар зиёлиси бўлиб, қизига мукаммал таълим ва тарбия беришга интилган, қизлар мактабида таълим олдирган. Нозима хонимни ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи журналист-публицист дейишга ҳақлимиз. У татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Европа адабиёти ва маданияти билан таниш, эркпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айниқса Саъдий, Ҳофиз асарларини меҳр билан ўқиган.

Шеър ва мақолалари 1900 йилдан матбуотда босилган. Йигирма ёшларида «бешёғочлик Нозимахоним» номи билан машҳур бўлган. Унинг тараққиёт ва маданиятни ташвиқ этувчи, жаҳолат, бидъат-ҳурофатни фош этувчи асарлари, ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибдоддан кескин норозилик баён қилинган ўткир ҳажвий шеърлари «Шуҳрат», «Садойи Туркистон», «Тараққий» каби газеталарда мунтазам чиқиб турган. Шоира ижодининг асосий мазмун-моҳияти ишқ-муҳаббатдан ташкил топган кўплаб назм эгаларидан фарқли ўлароқ шеърларида замон дардларини куйга солган.

Шоира меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган. Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан.

Нозимахоним шеърияти 1905–17 йиллар ўзбек адабиётининг етакчи тамойилларини аниқлашда, 1920 йиллар ўзбек шеъриятининг характерли хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ижоди билан жасоратли ишларга қодир бўлган шоира момомизнинг «Аё маҳкумалар» шеъридан сизга ҳавола этаётган ушбу сатрлар билан танишсангиз унинг қай даражада зукко, даъваткор, маърифатпарвар бўлганлигини ҳис қиласиз.

Аё маҳкумалар, айтай сиза
дардим, қулоқ солинг,
Бу панду сўзларим дуррин
қулоғинга осиб олинг,
Ҳама кўзголди, сиз ҳам илму
урфон сори кўзғолинг!
Асрлар элтган ул бидъат
уйқусидин уйқонинг!..

Оқилаю доно шоира момоларимиз ҳақидаги суҳбатимизни Қўқонда яшаб, ижод этган

АНБАР ОТИН

билан давом эттирамиз. Бизни ушбу шоира тўғрисида маълумот тўплашимиз бир оз қийин кечди. Адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобида ҳам ўз даврида Фарғона водийсининг таниқли шоиралари бўлган Дилшод Барно ва Анбар отин тўғрисида ҳеч қандай сўз юритилмаган. XIX асрда яшаб ўтган ушбу шоираларнинг ижодини ўрганиш давомида англаб етдикки, улар чор Россиясининг босқинчилигини асарлари орқали қаттиқ қоралаган, халқни озодликка чорлаган. Шу сабабли ҳам собиқ иттифоқ даврида яратилган «Ўзбек шоиралари»га уларнинг номлари киритилмаган бўлса ажабмас.

Анбар Отиннинг отаси шоира Увайсийнинг жияни бўлган. Шоира Дилшод Отин мактабида таҳсил олган. У шеърлар ижод қилиш билан бирга маҳалласидаги ёш қизларга таълим ва тарбия бергани туфайли Отин номига эга бўлади. Улуғ шоир Навоийни ўзига устоз ҳисоблаган. Замондошлари Муқимий, Фурқат Завқийлар билан таниш бўлгани сабаб, шеърларида уларга мурожаат қилган, улар билан баҳслашган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоиранинг шеърлари аксарият ижтимоий мавзуда. Анбар Отиннинг ўзбекча шеърлардан тузилган 2 та девони, «Қаролар фалсафаси», рисоласи, 160 мисралик «Якка байт»лари бизгача етиб келган. Унинг тожикча ғазалларидан девон тузиш нияти бўлган. Аммо бор-йўқлиги ҳозирча номаълум. У шеърларида халқнинг оғир аҳволи, адолатсизликдан сўз очади, маърифатни улуғлайди. «Қаролар фалсафаси» асарида аёлларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Халқ дарди билан яшаган, элни ёруғ кунларга чорлаган Анбар Отиндек зиёли момоларимизни буюк момоларимиз дейишга ҳақлимиз.

САМАР БОНУ

Самар Бону ижоди ҳақида сўз кетганда унинг шеърлари билан танишган ҳар қандай ўқувчи шоира юксак иқтидор эгаси бўлганлигини дарҳол англаб етади. «Агар ўзбек адабиёти гўзал бир боғ бўлса, Ҳувайдо бу боғда битган азим бир дарахт, Самар Бону шу дарахтнинг бир шохидир», дея таърифлайди Тўхтасин Жалолов шоираларга бағишланган ўз китобида. Чунки истеъдодли шоира машҳур файласуф шоир Ҳувайдонинг чевараси бўлган. Ўз навбатида Мавлавий Сирожий тахаллуси билан шеърлар ёзган унинг отаси ҳам Фарғона музофотида кўзга кўринган шоирлардан бири эди. Шунингдек, шоиранинг акаси Салоҳиддин Соқиб ҳам шоир сифатида яхшигина қалам тебратган. Кўриб турганингиздек Самар Бону шеъриятга меҳри баланд, зиёли оилада тарбия топган. Унинг отаси шоир Сирожий хонадони ўз давридаги кучли бир адабий-фалсафий оқимнинг маркази бўлиб, бу оилани ўзига хос бир дорилфунун деб аташ мумкин бўлган.

Бонунинг онаси оқила, фозила, саводли аёл бўлганлиги сабаб, ҳамма фарзандлари дастлаб оналаридан таълим олиб савод чиқарганлар. Фалсафа ва шеърият назариясини шоира отасидан ўрганган. XIX аср шеъриятининг порлоқ юлдузлари Увайсий, Нодира, Махзуналар қаторида Самар Бонунинг номи ҳам тилга олиниши бежиз эмас. У табиатан поклиги, маънавий камолоти, истеъдоди билан ушбу шоиралар даражасида бўлиш билан бирга ўзининг жасорати, мустаҳкам иродаси билан ҳатто улардан бир неча зина юқори кўтарилган исёнкор шоира бўлган, десак янглишмаймиз. Унинг шеърият мулки авлодларимизга муносиб мерос бўлиб қолишига ишонамиз.

Бу фалак кажравлигидан
былди дил хуноблар,
Ашк боримдин тўкилгай
коса-коса облар...
Муштари, Миррих ситоранг
сувға тушди, Бонуё,
Кўз ёшинг дарё бўлиб,
тортти сени гирдоблар.

Биз сизга асрлар оша яшаган шоира момоларимизнинг айримлари ҳақидагина ҳикоя қилдик. Ваҳоланки, Қамбарнисо, Назиҳа Хоним, Василат Хоним, Садиқа Биби, Нозук Хоним, Осима Хоним, Жаҳон Ойим, Нигор Хоним, Тўти Қиз, Собира Биби, Файзи Биби, Ҳиротий Биби Мариям, Саида Биби, Биби Ҳамида, Шараф Хоним, Биби Ханифа, Лайли Хоним, Зебунисо (Қўқонлик), Ризвон Биби, Туғроқли Ҳадия Биби, Надима, Моҳзода Бегим, Нодира Хоним каби бир қатор зукко шоира момоларимизнинг номлари тарих саҳифаларига битилганки, уларнинг ижоди ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Азиз замондош, биз ҳеч кимдан кам бўлмаган буюк миллат вакилларимиз. Буни не-не даҳоларга она бўлган оқилу зукко момоларимиз мисолида ҳам кўриб турибсиз. Тарихни, аждодларимизни унутмаслик ўзлигимизни асраш демакдир. Бу бизнинг ҳаётдаги шиоримиз бўлмоғи лозим. Шуни унутмайлик азизлар.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАТОНАТ МАКТАБИ

ШАРАФЛИ СОҲА

Юртимиз тинчлиги ҳамиша ҳарбийларимизнинг омонлигига боғлиқ экан, уларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишлари аҳамиятлидир. Ҳарбийларимизнинг хизматлари нечоғли машаққатли бўлмасин, шунчалик шарафли ҳамдир. Буни теран англаган ҳарбийларимиз кунни тунга улаб, элюрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуроли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда».

–Юртбошимизнинг биз, ҳарбийларга катта ишонч билидириши, доимий эътибори ва меҳрибонлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Бугун ҳарбийларимиз давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифаларни муҳокама этиб, хизмат фаолиятларини шунга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар, – дейди фахр билан оддий аскар Сурьатжон Файзиев.

Бугунги кунда ҳарбийлар жамиятимизнинг ҳамма ҳавас билан қарайдиган қисмига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Халқимизнинг уларга бўлган ишончи ортмоқда. Истиқлол йилларида биз халқаро террорчилик жафосини, экстремистик бузғунчиликларни, бошқа хавфу хатарларни ўз юрагимиздан ўтказдик. Бу балою офатнинг тинч ва осуда ҳаётимизни издан чиқаришини англаб етдик. Шунинг учун ҳам тинчликни ғоятда қадрлаймиз. Асални яхши кўрган одам асаларини парвариш қилганидек, тинчлигимиз ва осойишталигимиз ҳимоячиларини биз ҳам қадрлаймиз, меҳнатларини ардоқлаймиз. Улар бизга ва фарзандларимизга ҳадя этаётган тинчликка етадиган улуғ неъмат бўлмаса керак. Улар ўз ҳаловатларидан кечиб, кечаю кундуз сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлиги ва осмонимиз мусаффолигини таъмин этади. Дунёда Ватан ҳимоясидан кўра шарафли иш йўқдир.

Халқаро террорчилик, экстремизм каби тажовузлар мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солган кезларда ватанпарвар ёшларнинг ҳарбий хизматчилар орасидаги вакиллари алоҳида фидойилик, мардлик кўрсатадилар.

Бугун ёшларимиз орасида ҳарбий соҳага қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунки мустақил давлатимиз армияси чин маънода ҳаёт ва чиниқиш мактабига, алоҳида тарбия воситасига айланган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар олдида мустақил ҳаётнинг янги уфқлари очилмоқда. Президентимиз таъкидлаб айтганидек, «Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар заҳирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».

Ҳарбийлар ҳаётининг енгил бўлмаган синовларида тобланиб-чиниққан йигитлар хизматдан қайтгач, турли ўқув юртларида ўз билим ва малакаларини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки армия мактаби ҳаётда ҳали катта тажрибага эга бўлмаган ёшларни жисмоний ва руҳий-маънавий жиҳатдан чиниқтирмоқда. Йигитларимиз ҳарбий хизматдан касб ва ҳунар малакасига, муайян имтиёзларга эга бўлиб қайтмоқдалар.

Ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни иш билан таъминлашда алоҳида имкониятлар мавжуд. Олий ўқув юртида ўқимоқчи бўлганларга имтиёз берилган. Махсус Тавсияномани қўлга киритган абитуриентга олий ўқув юртига киришда тест синовларидан тўпланган балларга тўпланиши мумкин бўлган энг юқори тест балининг 25 фоизи миқдорида қўшимча берилади. Тест синовларида зарур балл тўплай олмаган абитуриентлар тегишли таълим йўналишлари бўйича шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

Бугун эса бирон-бир сабаб билан ҳарбий хизматга вақтинча жалб этилмаган ва шундан ўксиниб юрган ёшларни учратиш мумкин. Улар ҳарбий аскар бўлишни, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташни исташади. Ҳозир ҳарбийларга ҳаваси келиб, аскар бўлишни орзу қилган болалар ҳам оз эмас. Ҳар икки ўсмирнинг бири албатта ҳарбий либос кийишни орзу қилади. Бу қувончли, албатта. Зеро, ота-боболаримиз мард ва жасурлиги, ҳарбий маҳорати билан ҳам бутун дунёга танилган. Ҳарбиши миллатимиз учун хос бўлган. Биз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби довюрак, жасур, ватанпарвар, жаҳон ҳарбий санъати ривожига салмоқли улуш қўшган зотларнинг авлодларимиз ва бу билан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Замонавий ҳарбий тажрибани мукаммал эгаллаш ниятида бўлган ёшлар аждодларимизнинг бой ҳарбий мероси билан бирга, бугунги кун илғор ҳарб илмини, ҳарбий техника ва стратегияни уйғун равишда олиб ўрганмоқдалар. Шу боис Қуролли Кучлар ёшлар ҳаётида, яъни уларнинг жисмоний жиҳатдан тобланиши, руҳий жиҳатдан бақувватлашиши, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятлари юксалишида ва ўсишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

ИФТИХОР

Ифтихор туйғуси – жуда азиз туйғу. Ифтихорланиб, мағрурланиб, у ёки бу ижобий ҳодисадан қониқиш ҳосил қилиб яшашнинг ҳам гашти бўлакча бўлади. Кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши билан боғлиқ айрим қийинчиликлар таъсирида куюниб-нолиб юрган баъзи одамларни, айниқса, ёшларни кўриб ўйлаб қоласан: тўғри, қийинчиликлар, муаммолар мавжуд, ўтиш даври осон кечаётгани йўқ. Биз мустақиллик, истиқлол боис муаммоларни, миллат ва Ватан келажаги билан боғлиқ вазифаларни Юртбошимиз бошчилигида катта саъй-ҳаракатлар ила ҳал этмоқдамиз. Бу муаммолар, айтиш мумкинки, бир кунлик ёки бир лаҳзалик муаммолар эмас. Ва, яна шу нарса муҳимки, мевали кўчатларни бугун экибоқ, ундан эрта ё индинга ҳосил кутиш ўринсиз. Вақт ҳам керак, парвариш ҳам, сабр-бардош ҳам. Шундай экан, ўйлаб қоласан киши, наҳотки бизда шу қисқа вақт ичидаёқ кузонса, ифтихор қилса арзийдиган воқеалар, ютуқлар, натижалар бўлмаса? Наҳотки, ўша нолиб-куюниб юрганлар уларни кўрмаётган, сезмаётган бўлишса?

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ёзган китобларини ўқиб, сўзлаган маърузаларини эшитиб, очиғи, ифтихор туйғусини ҳис қиласан, дилинг яйрайди. Мен англаган нарса шу бўлдики, биринчидан, Ўзбекистонни жаҳон тан олди, дунёнинг не-не давлатлари бизга қизиқиб, истиқболимизга пешвоз чиқмоқдалар. Ўзбек ёшлари, талабалари дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошлари билан барча соҳаларда беллаша оладиган даражага етдилар. Ўзбек спорти, спортчилари олам кезмоқда. Катта-катта халқаро мусобақаларда мадҳиямиз янграб, байроғимиз энг юқорида ҳилпирамоқда. Нима учун? Мустақиллик, ҳурлик сабабли, буларнинг барчаси. Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Осмонўпар бинолар қад кўтаряпти. Пойтахтимиз бўлмиш Тошкент шаҳри ўзининг асл қиёфасига, номига эга бўлди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз тикланди. Маданий ва маънавий меросимиз гуллаб-яшнамоқда. Кўчаларимиз, маҳаллаю хонадонларимиз обод бўлмоқда. Ўзимизнинг қонунимиз Конституциямизга, рамзларимиз бўлмиш, байроқ, герб, мадҳиямизга, миллий валютамиз – сўмга, миллий Армиямизга эга бўлдик. Энг асосийси ўзбек деган ҳақиқий номимизга эга бўлдик. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Беҳбудий каби халқимиз озодлиги учун курашган, халқимизни зиё сари етаклаган инсонларимиз номини оқладик. Ер юзи ва усти бойликларимиз ўзимизга хизмат қилмоқда. Тинчлик ҳукм сураётган юртимиз осмони мусаффо, бу кун. Бундай тинчликни асрабавайлаш керак, қадрига етиш керак.

Умуман, йилдан-йилга ижобий ўзгаришлар, воқеалар, янгиланишлар кўпаймоқда. Президентимиз ўз асарларида, маърузаларида Ўзбекистонда бугун амалда нималар бўлаётганини, бизнинг деярли барча соҳалардаги ютуқларимизни, мақсад, ниятларимизни аниқ-равшан кўрсатиб берган. Рақамларни, кўрсаткичларни бир-бирига қиёслаб, барча тушунадиган даражада ойдинлаштириб кўрсатган. Юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, сайёҳлар юртимизни кўриб, халқимиз ҳаётидаги реал ўзгаришларга гувоҳ бўлиб, Ўзбекистон келажагига катта ишонч билан қарашмоқда. Мамлакатимизда ўқиш, ишлаш ва яхши яшаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Фақат буларни юракдан ҳис қилиб, шу юрт келажаги, равнақи ва фаровонлиги учун ёниб яшаш, сидқидилдан хизмат қилиш керак. Шундагина, келажак авлодга муносиб аждодлар бўла оламиз.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

ТАРБИЯ – МУҲИМ ЖАРАЁН

Миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган тарбиянинг миллий усуллари, мазмуни ва йўналиши ҳам такомиллашиб бораверади. Инсон баркамоллигининг асосий замини – билим, одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод ва онгли фаолликдир. Одоб-ахлоқ тарбияси узлуксиз жараёндир. Бу борада танаффус қилиш мумкин эмас.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда, – дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани 27-мактаб ўқитувчиси Жаниқул Қосимов, – ҳозирги кунда Таълим дастурига киритилган «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси», «Одобнома» каби фанлар аҳамиятлидир. Шу боисдан болаларга одоб-ахлоқнинг оддий мезонлари мактабгача тарбия муассасаларидаёқ ўргатилар экан, бу жараён умумтаълим мактабларида ёшларнинг ақлий салоҳияти ҳисобга олиниб, мунтазам давом эттирилиши керак. Албатта бунда ота-она, маҳалла-қўйнинг ҳам меҳнати зарур.

Тўғри, одоб-ахлоқ тарбиясида ота-онанинг, жамоатчилик ва қўни-қўшнилар таъсирининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Лекин мактабгача тарбия муассасаси, умумтаълим мактабларининг шахс маънавий камолотидаги ўрни бетакрор. Инсон руҳий оламининг муҳим замини бўлган меҳр-мурувват, ватанпарварлик, миллий ифтихор сингари ахлоқий фазилатлар шаклланишида мактабгача тарбия муассасаси ва мактаблардаги таълим-тарбия ишларининг аҳамияти каттадир. Тарбия муассасасида бундай ахлоқий фазилатлар ўтказилаётган, машғулотлар, дастлабки мустақил ҳаёт тажрибаси, тенгқурлари билан бўлган муносабат ва адабий асарлар ўқиш баробарида мустаҳкамланади ва бу фазилатлар камол топаётган инсон онги ва қалбида чуқур томир отади, унинг дунёқарашига кириб боради ва аста-секин эътиқодга айланади.

Инсон жамиятда муайян давлатда яшар экан, унинг ахлоқий шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан боғланмоғи керак. Ўқувчи ёшларда бурч, Ватан ва миллат олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, қонунларга риоя этиш сингари фазилатларни ҳам шакллантириб бориш керак.

Ҳозирги кунда Ватанимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етиши йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларда асосан ёшларнинг жисмоний, маънавий камол топиши энг биринчи ўринда туради. Жисмонан бақувват шахс маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук бўлгандагина баркамол инсон деган номига сазовор бўлади. Маънавий соғлом авлодни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади.

Жисмонан соғлом, лекин маънавий қашшоқ бўлган киши жамият учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Бундай ёшларнинг жиноят кўчасига кириб кетаётгани ҳам сир эмас.

Биз миллий тикланиш даврида яшаяпмиз. Ҳар қандай миллий тикланиш, миллий уйғониш замиридагина муваффақиятли амалга оширилади. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг ва масъулият туйғусида юз беради.

Шундай экан, ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириб боришимиз зарур. Ана шундагина улар баркамол авлод бўлиб вояга етиб, миллат келажаги учун фидойилик билан меҳнат қилади ва ҳушёрлик ва масъулият билан олға қадам ташлайди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МУРАККАБ ВАЗИЯТДА БОШҚАРУВ



Ана шундай номланган ўқув машғулотларидан бири шаҳримизнинг Миробод туманидаги 147-мактабда ўтказилди.

Мактаб жамоаси режалаштирилган тадбир шартига кўра ер силкиниш ҳодисаси рўй бергач, эвакуация қилишга киришилди. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, мадад кучлари етиб келгунга қадар мактаб ўқувчилари томонидан «жабрланганлар» аниқланиб, шу заҳотиёқ тиббий ёрдам кўрсатилди. Ўқувчилардан бирининг оёғи синган, иккинчиси эса бошидан қаттиқ жароҳатланган. Ўқувчилар қутқарувчилар каби эпчил ҳаракатлар қилишиб, жароҳатланганларни эҳтиёткорлик билан белгиланган жойга олиб ўтишди. Махсус замбиллар ёрдамида зудлик билан етиб келган «Тез ёрдам» машинасига жойлаштирилиб, туман марказий шифохонасига жўнатилди.

«Зилзила ҳодисаси» натижасида юзага келган «ёнғин»ни ўчиришда машқ иштирокчиларининг подполковник Илҳомхўжа Зиёвуддинов етакчилигидаги ёнғин хавфсизлиги хизмати туман бўлими ходимлари билан биргаликдаги тезкор ва фаол ҳаракатлари эътирофга лойиқдир. Шартли «ёнғиндан азият чеккан» ўқувчиларга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир инсон ҳар қандай вазиятда ўзига ва атрофдагиларга ёрдам кўрсата билиш имкониятига эга бўлмоғи керак. Фуқаро муҳофазасига оид тадбирлар Шайхонтоҳур туманидаги 180-, Чилонзор туманидаги 195-ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 99-ва 142-мактабларда ҳам ўтказилди.

– Дунёдаги энг қимматли инъом бу ҳаёт, – дейди машғулот ўтказилаётган мактаб директори Лена Александровна Величко. – Ҳар бир инсон тинч ва осуда яшашни истайди. Лекин афсуски, бахтсиз ҳодисалардан, инсон ҳаётига хавф солувчи, моддий зарар етказувчи вазиятлар содир бўлишидан ҳеч ким тўлиқ кафолатланмаган. Бизнинг вазифамиз ўқувчиларни, улар орқали ота-оналарни мураккаб вазиятларда ўзини тўғри бошқаришга ўргатишдир. Шу мақсадда ўтказилган бугунги тадбирда яқиндан кўмаклашган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Республика Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, ёнғин хавфсизлиги хизмати Миробод тумани бўлими, «Биродарлик» маҳалласи фаолларининг ёрдами катта бўлди. Бугунги тадбир ҳар бир ўқувчининг ҳаётида чуқур из қолдирганлиги аниқ. Чунки машғулот давомида ўқувчилар фавқулодда вазиятлар рўй берганда биринчи навбатда ўзини, ўзгани қутқаришни амалий жиҳатдан кўриб ўргандилар.

Дарҳақиқат, умумтаълим мактабларида фуқаро муҳофазасига оид тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши ва фавқулодда вазиятлар кўламини аниқ тасаввур қила олиш, ўқувчиларда ҳалокат, табиий офатлар, террорчилик ҳаракатларидан муҳофазаланиш тайёргарлигини шакллантириш – хавфсизлик масалаларига бепарволик билан қараб бўлмаслигини, бу жиҳатга янада жиддийроқ ёндашишни талаб этади.

Хусниҳон ТОЖИБОЕВА.

ДАВОМИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ

Республикамизда ойликлар, мавсум билан боғлиқ тадбирлар ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Энг муҳими, кўпчилигимиз уларнинг фаол ва жонкуяр иштирокчиси ҳисобланамиз. Ўзингиз биласиз, уларни ўтказишдан асосий мақсад кенг жамоатчиликни сергакликка, огоҳликка, лоқайдлик ва эътиборсизликка қарши курашишга, зарур маълумотларни ўзлаштиришга даъват этиш, чорлаш ва аҳоли ўртасида ижтимоий ҳаётимиз долзарб масалаларига бўлган тўғри муносабатни янада шакллантириш, амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг давомийлигини таъминлашдан иборатдир.

Юқоридаги фикримизни якунига етган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида барча жойларда бўлгани каби Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда қилинган ишларга назар ташлаш орқали давом эттирсак. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлинмаси бошлиғи подполковник Ойбек Парманқулов билан суҳбатда бўлдик.

– Аввало таъкидлаш жоизки, ойлик давомида ҳарбий объектлар, турар жой бинолари ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари талабларига мос ҳолатга келтирилди. Шунингдек, ёнғинга қарши кураш бўлинмалари инспекторлари томонидан ҳарбий объектларнинг ёнғиндан сақланиш ва ёнғинга қарши кураш ишларининг ташкиллаштириш ҳолати синчковлик билан текширилди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур чора-тадбирлар кўрилди. Ўз навбатида ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари хизмати бошлиқлари ва жойлардаги ёнғинга қарши кураш инспекторлари томонидан ёнғиндан сақланиш ва муҳофаза ишларини ташкиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳарбий қисмлар шахсий таркиби билан соҳа мутахассислари иштирокида назарий ва амалий машғулотлар, тушунтириш ишлари, суҳбатлар уюштирилди. Уларда ўт ўчириш воситаларининг тузилиши, қўлланилиши, тўғри ва унумли фойдаланиш қоидалари, самарадорликни ошириш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шу билан бир қаторда, ёнғин содир бўлганда биринчи навбатда нима қилиниши лозимлиги, шахсий хавфсизлик чораларини кўриш, бино ва объектларда ҳаракатланиш, ёнғиндан зарар етганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида кўргазмали машғулотлар ўтказилди.

Барча ҳарбий объектлар ҳамда юрт посбонлари яшаб турган уй-жойлар ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолатга келтирилди; газ, энергетика ва сув билан таъминлаш тизими, иситиш асбоб-ускуналарининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ёнғинга қарши сув таъминоти манбалари, барча мосламаларнинг доимий соз ҳолда сақланиши кўздан кечирилди.

Ўт ўчириш автомобиллари, махсус техника ва бирламчи ўт ўчириш воситаларининг фойдаланишга яроқлилиги ва умумий, техник ҳолати, уларнинг ҳаво ҳарорати паст бўлганда мунтазам равишда ишлаши текширилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ватанпарвар» газетаси билан ҳамкорликда ўтказилган рейдлар ҳамда тегишли мавзуларнинг кенг ёритилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида тарғибот ва ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришда самарадорликнинг янада ошишига хизмат қилди.

Умумий кўрсаткич ва натижалар, юқори ёнғин хавфсизлиги ҳолатига кўра Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округларни тилга олиб ўтиш мумкин.

Намунали ўт ўчириш жамоалари сифатида офицер Зокир Кенжаев, сержантлар Александр Камолов, Фарҳод Шерматовларни келтириб ўтиш ўринлидир. Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда Р.Атаджанов, Б.Ҳамидов, О.Исмоилов, С.Барноев сингари масъул офицерларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тўғри, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида қилинган ишлар талайгина. Лекин ёнғин хавфсизлиги, ёнғинга қарши кураш ва унинг олдини олиш масаласи доимий ва ҳар куни долзарблиги сабаб, бу борадаги зарур тадбирлар, шунга йўналтирилган ишлар давом этмоқда.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Обвиняется британский военный

Капралу сухопутных сил Великобритании Дэниелу Джеймсу предъявили обвинение в шпионаже в пользу Ирана, сообщает газета «The Times». По данным газеты, Джеймсу вменяется в вину передача иранской стороне секретной информации о военной операции британских войск в Афганистане.



Новый обстрел из сектора Газа

Палестинские боевики возобновили ракетные обстрелы Южного Израиля из сектора Газа. Самодельная ракета «Касам» взорвалась на пустыре в окрестностях города Сдерот. В результате никто не пострадал, сообщает ИТАР–ТАСС. 26 ноября Израиль и ПНА договорились о перемирии.



Проверка перед возвращением на Землю

Члены экипажа космического корабля «Discovery» провели подготовку к возвращению на Землю. Они проверили работу многих узлов и систем шаттла, а также обследовали внешнее покрытие корабля на предмет повреждений, нанесенных маленькими метеоритами и различным «космическим мусором», вращающимся на орбите.



КНДР сохранит имеющееся

На проходящих в Пекине шестисторонних переговорах КНДР заявила о намерении сохранить уже имеющиеся у нее ядерные заряды в качестве средства сдерживания, однако выражает готовность на определенных условиях отказаться от производства новых вооружений такого типа и свернуть свою нынешнюю плутониевую программу. Такая позиция неприемлема для США, которые требуют ликвидации всего ядерного потенциала Пхеньяна, сообщили в Токио осведомленные источники.



Обнаружены тела убитых

В Багдаде обнаружены тела 76 человек со следами насильственной смерти – спустя всего два дня после состоявшейся в иракской столице конференции по национальному примирению. Все они пополнили список жертв продолжающейся почти год войны между суннитами и шиитами. Президент США заявил, что «враги свободы преднамеренно разжигают в Ираке сектантское насилие между суннитами и шиитами».



Сайт помог поймать подозреваемого

Популярный сайт YouTube помог поймать человека, подозреваемого в убийстве, сообщила канадская полиция. Правоохранительные органы разместили на сайте видеоклипов запись камеры наружного наблюдения в надежде, что кто-нибудь из посетителей опознает двух людей, разыскиваемых по подозрению в убийстве. 20 декабря 24-летний подозреваемый сам явился в участок в сопровождении своего адвоката.



Нечестная игра

Испанская газета «ABS» опубликовала интервью с Веселином Топаловым, в котором болгарский гроссмейстер открыто обвинил Владимира Крамника в мошенничестве во время матча за звание чемпиона мира. Топалов утверждает, что во время осмотра туалета, куда так часто, по его мнению, удалялся в ходе турнира Крамник, обнаружили сетевой кабель. Однако в тот момент придать этот факт огласке болгары попросту побоялись.



Бриллиантовый торт

Шоколадный торт с бриллиантами весом в 50 карат и стоимостью 850 тысяч долларов выставлен на продажу в универмаге в Осако. Торт назвали в честь известного японского ювелира Са-Бёрса, который предоставил драгоценные камни, и шеф-повара кондитерских изделий Масами Миамото, который работал над дизайном угощения. Пока покупатель не нашелся.

(www.NEWSru.com).

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲАР ЖАБҲАДА ИЛҒОР ҲАМШИРА



Телефон кетма-кет жиринглаб навбатчиликда турган Ўғилой ҳушёр тортди. Гўшакни олгач, бўлимга оғир жароҳатланган бемор келтирилаётганлигидан хабар топиб, унга зарур ёрдам кўрсатиш учун ҳозирлик кўрди. Бўлим бошлиғи олий тоифали бош анестезиолог-реаниматолог Бўрон Сирлиев ёнида туриб махсус ускуналар ёрдамида беморнинг юрак фаолиятини текширди, сунъий нафас олдира бошлади. Сўнг куюнчаклик билан қўшимча дори-дармонлар қилиб муолажалар ўтказди. Ниҳоят, секин-аста беморнинг аҳволи яхшиланаётганлигини кўриб, енгил тин олди, қалбидаги ғашлик йўқолди.

Ҳа, бундай воқеалар Ўғилойнинг кундалик иш фаолиятида кўп учрайди. У реанимация бўлимига келтирилган ҳар бир бемор дардига даво топмагунича тиниб-тинчимайди, ором нималигини билмайди.

– Ҳамшира ҳам психолог, ҳам педагог, ҳам ташкилотчи бўлиши керак, – дейди Ў.Қобилова. – Беморнинг тезроқ соғайиб кетишига унда катта ишонч уйғота билиш керак.

Албатта шифокорнинг бундай даражага эришиши осон эмас. Бунинг учун йиллар давомида ўқиб-ўрганиш, тажриба тўплаш керак. Ўғилой эса айни босқичлардан муваффақият билан ўта олган. У ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлагач, Жиззах тиббиёт билим юртида, кейин Жиззах давлат педагогика институтининг биология факультетида таҳсил олиб, имтиёзли дипломларни қўлга киритди. Мана, йигирма уч йилдирки Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг реанимация бўлимида катта ҳамшира бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Олий тоифали ҳамширалар – Нортожи Камолова, Маҳкамтош Султонова ва Шоҳиста Мустафоевалар билан ўзаро тажриба алмашади, улар бир-бирларига доим камарбасталар. Бўлимнинг замонавий тиббиёт ускуналари билан тўла таъминланганлиги ҳам ушбу шифо масканининг, ходимларнинг хизмат кўрсатиш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тиниб-тинчимас катта ҳамшира илмий марказ Жиззах филиали касаба уюшмасининг фаол ташкилотчиларидан ҳисобланади. У касаба қўмитаси топшириғи билан ўқув ишлари йўриқчиси сифатида ёш ва тажрибаси етарли бўлмаган ҳамшираларга устозлик қилиб келмоқда, улардан ёрдамини сира аямайди. Шунингдек, вилоят миқёсида ўтказилиб турадиган турли тадбир ва йиғинларда ўз маърузалари билан ҳам қатнашиб келади. Унинг «Оғир беморларни парвариш қилиш ҳақида», «СПИД ва унинг профилактикаси бўйича тушунча ва кўрсатмалар», «Ҳамширалар этикаси ва деонтологияси» каби мазмунли суҳбатлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қолаверса, бўлимда чиқарилиб борилаётган «Ҳамширалар ҳаёти» деворий газетасининг безакли, кўркам ва таъсирчан чиқишида катта ҳамширанинг ҳиссаси катта. Ўғилойнинг серқирра фаолияти, ҳар жабҳада илғорлиги, ютуқ ва муваффақиятлари муносиб баҳоланиб келинмоқда. У 2004 йилда марказ бўйича «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» кўрик-танлови ғолиби бўлган. Вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Намунали оила бекаси, бири-биридан ширин тўрт нафар фарзанднинг онажониси, олий тоифали катта ҳамшира Ўғилой Қобилова вилоятда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига асосан иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди. Ушбу қувончли воқеа нафақат Ўғилойнинг, балки аҳил жамоанинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Абдулла САИДОВ.

Суратда: олий тоифали катта ҳамшира Ў.ҚОБИЛОВА навбатдаги беморни муолажа қилмоқда.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

СТАТЬ ЧЕСТНЫМ С САМИМ СОБОЙ – ПЕРЕД БОГОМ, ДЛЯ ЛЮДЕЙ

(Продолжение. Начало в предыдущем номере).

Часть вторая.

Есть ли в ИДУ свое знамя? Да. Черного цвета. Но сейчас его редко выставляют перед строем. Считаю ли я свою деятельность в ИДУ работой или служением Аллаху? Скорее – работой, за которую мне и подобным мне обещали большие деньги. Но деньги в том размере, которые нам обещали, Тахир Юлдашев никогда не давал. Какой уж тут ислам. Если что и связывало нас с исламом, то только молитвы и вера в Аллаха. После каждой молитвы, особенно в последние годы, я, да и не только я, просил Аллаха указать путь из того кошмара, в котором оказался, дав клятву верности Тахиру Юлдашеву. Еще просил Аллаха о том, чтобы он сохранил жизнь мне и моим близким. Жить с семьей на десять долларов месяц или на пайковый килограмм мяса, несколько клубней картофеля и кучку овощей... Знаете ли, сложно сочетать полуголодное существование с полноценным отношением к джихаду. Тем, кто холост или без семьи, в группировке жить и прокормиться легче. Собственно и женятся боевики, в основном, из-за физиологической необходимости.

Развит ли мужской гомосексуализм в среде боевиков? Среди чеченцев – нет. В Афганистане – да. Но не среди контингента нашей группировки. Отношения с женщиной только через шариатский брак. Но женщину или девушку еще надо найти. В ИДУ все мечтали об узбечках. В подавляющем большинстве их обманным путем завлекают в Турцию, Пакистан, в любую страну. Потом обещают земной рай и женят на себе. Жены в большинстве своем только потом узнают, что их мужья боевики. Редко кто из женщин выходит замуж за боевика по доброй воле.

Где мой паспорт гражданина Узбекистана? В архиве ИДУ. Там же мое досье. Досье – это карточка с моими личностными характеристиками. Всю картотеку – досье и паспорта боевиков ИДУ – Тахир Юлдашев держал в железном сундуке. Однажды после начала американской бомбежки (2001 г.), перед тем, как мы ушли в Вазаристан (Пакистан), он приказал закопать сундук с архивом в горной местности. Это место знают только он и еще два человека. Нет, он никогда не держал наши данные в компьютере. Это ошибочное мнение.

Есть ли различия в подготовке боевиков в Чечне у арабских инструкторов, в Иране – у иранских инструкторов и в Афганистане в ИДУ? Конечно. В арабских лагерях готовят боевиков более качественно, нежели в иранских. В ИДУ что-то среднее между арабской и иранской подготовкой.

Фонды мусульман каких стран финансируют боевиков? Турции, стран арабского мира, Пакистана, Ирана. Но кроме частных фондов мусульман, деньги поступают и от государственных структур всех перечисленных мной стран. Оружие и боеприпасы тоже. Бывали ли в расположении лагеря ИДУ инструкторы военных ведомств тех стран, которые я назвал? Да, бывали. Чаще пакистанские. Их спецслужбы нередко корректировали наши перемещения по Афганистану перед активными действиями своих вооруженных сил или «американцев». Это только на первый взгляд выглядит алогично. Чтобы понять, что это не алогизм, надо знать о массе противоречий, существующих в исламском мире.

Где и как меня готовили в контрразведчики? Сразу уточню, что на кабульские шестимесячные курсы контрразведки в 2002 году я попал по распоряжению Тахира Юлдашева. В то время мы с ним были очень близки. Но отучился я только полтора месяца. Обстановка в ИДУ и вокруг группировки не позволяла учиться больше. Почему через некоторое время мои отношения с Тахиром изменились? Язык мой – враг мой. Стал выражать среди боевиков свое несогласие с его тактикой фронтальной войны на территории Афганистана и пассивность в отношении Узбекистана. На меня донесли, и наши отношения охладели.

Занимался ли кто-то из его ближайших соратников разведкой? В том понимании, как вы себе это представляете, нет. Развитие разведструктуры ИДУ началось на стыке 2000 – 2001 гг. и пошло на спад с гибелью Джумы Намангани. Разведка хорошо поставлена у арабов. Неплохо у чеченцев. В ИДУ, особенно сегодня, все достаточно кустарно. Что входило в учебный процесс? Изучение стандартного набора навыков контрразведчика: наблюдение, анализ и выявление. Обучали арабы по литературе на арабском языке. Все по аналогии с построением израильской контрразведки и разведки, с приведением примеров их операций в Палестине. Изучали структуру и тактику ЦРУ, французских и британских спецслужб. Да, тоже по литературе на арабском языке. Литературы по тактике и стратегии ФСБ не было.

ЧТО ВХОДИЛО В СФЕРУ МОИХ ОБЯЗАННОСТЕЙ КАК ШЕФА КОНТРРАЗВЕДКИ ИДУ? ВЫЯВЛЕНИЕ АГЕНТОВ, ПРОФИЛАКТИКА И КОНТРОЛЬ МОРАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ БОЕВИКОВ ИДУ.

Что входило в сферу моих обязанностей как шефа контрразведки ИДУ? Выявление агентов, профилактика и контроль морально-психологического состояния боевиков ИДУ. Много хлопот доставляли «сомневающиеся». Некоторых для профилактики сажали в зиндан (тюрьму). Были ли успехи в обнаружении агентов? Признаюсь, нет. Собственно и в области нашей разведки на территории Узбекистана, насколько я знаю, тоже было не все в порядке. Главная задача – вербовка лиц из высших эшелонов власти и силовых структур Узбекистана – не выполнялась. Другое дело в республиках, сопредельных с Узбекистаном. Не скажу, что там толпами вербовали не рядовых граждан, но достигаемые успехи Тахира Юлдашева радовали.

Считаю ли я себя профессиональным контрразведчиком? Не знаю. Не мне судить об этом. Скажу одно – это особый склад характера и мышления. Кто непосредственно был моим учителем по контрразведке? Египетский араб, религиозное имя Фатих. Профессиональный военный, специалист по контрразведке. Учил организации структуры внутренней разведки и отдельно организации диверсионных партизанских групп, действующих в условиях населенных пунктов.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

АРМИЯЧИ СПОРТЧИЛАР – ЮРТ ШАРАФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яхши биламизки, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар шайлигидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама юксак тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан баркамол бўлган ҳарбий барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда посбонларимизнинг жисмоний маҳоратини ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, майдончалари яратилмоқдаки, бу баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсаднинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётганидан, давлатимизнинг она юртимиз посбонларининг жисмонан чиниқишлари учун улкан ғамхўрликлар кўрсатаётганидан далолат. Табиийки, бундайин эътибор, бундайин ғамхўрликка она юрт посбонлари ҳам муносиб жавоб беришмоқда. Бугун армиямиз спорти ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса оз. Бугун шуни алоҳида эътироф этиш мумкинки, ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлашмоқда, Ўзбекистон шаънини дунёга таратишмоқда. Узоққа бориб ўтирмасдан буни яқинда ниҳоясига етган ўн бешинчи Осиё ўйинлари мисолида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин.

Армиячиларимизнинг бокс бўйича йилдан-йилга эришаётган улкан муваффақиятлари спортимиз тарихига, дунё спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Масалан, жорий йилнинг сентябрида Германияда Қуролли Кучлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бизнинг чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллагани фикримиз исботидир. Бундайин мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин. Қатар пойтахти Дохада ўтказилган ўн бешинчи Осиё ўйинларида ҳам армиячи боксчиларимиз юртимиз шаънини шараф билан ҳимоя қилди. Айниқса, 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, барча рақибларидан устун келган ўзбекнинг марду майдон ўғлони Қуролли Кучлар хизматчиси Элшод Расулов шарафига давлатимиз мадҳияси янграганида юрагим ҳаяжонга лиммо-лим тўлди. Ўзбек спортининг, Ўзбекистон армияси спортининг ғалабаси қалбимга чексиз фахрни, ғурурни солди. Президентимизнинг «...Ўзининг куч-қуввати, азму шижоати ва иродасини намоён этаётган сиз каби минг-минглаб навқирон ёшларимизни кўрганда барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади», «Сиз – Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз – буюк юрт фарзандларисиз», деган фикрлари хаёлимдан ўтди, ўша лаҳзаларда.

Спортимиз осмонидаги бу чақноқ юлдуз – Элшод Расулов Фарғонанинг Қўқон шаҳридан. Набижон Бойматов мураббийлигида бокс оламида ўз ўрнини топган бу марду майдон ўғлоннинг имкониятлари Марказий ҳарбий спорт клубига келиб янада кенгайди. Клубнинг бокс бўйича бош мураббийи капитан Уйғун Сиддиқов етакчилигида мусобақаларга тайёргарлик кўриб, янада шаклланди. «Миллий армиямизда спортга эътибор катта. Жисмоний тайёргарликлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Айниқса, Марказий ҳарбий спорт клубида бокс бўйича ўзига хос бир мактаб шаклланган, дея баралла айтишимиз мумкин», дейди чемпион.

Дарҳақиқат, Элшоднинг гапларида жон бор. Масалан, 2004 йилнинг августида Афинага– олимпиада ўйинларига бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоасини кузатиш тантанасида қатнашганман. Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилишга бел боғлаган тўққиз нафар чарм қўлқоп усталарининг олтовлони армиячи спортчиларимиз эди. Бу олимпиада ўйинларида бокс бўйича юртимиз шарафини асосан армиячи спортчиларимиз ҳимоя қилишди, дегани. Айниқса, халқаро тоифадаги спорт устаси бўлган муддатли хизмат аддий аскари андижонлик Баҳодир Султонов барчанинг ҳавасини келтирганди, ўшанда. Буни қарангки, ўз вақтида Афинадан медаль билан қайтган собиқ армиячимиз, бугун Дохадан олтин медаль олиб юртга келди. Табиийки, унинг бундайин улкан ютуқларида армиянинг, армия спортининг ўрни беқиёс. Ҳа, армияда олган сабоқлари чемпионни янада улғайтирмоқда. Ҳали яна не-не довонларни забт этишга тайёр, ўзбекнинг бу мард ўғлони.

Элшод Расулов ҳақидаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, унинг яқинда, яъни сентябрь ойида Германияда ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ютуғини ҳам алоҳида таъкидламасдан бўлмайди. Армиячи спортчимиз ўз вазни тоифасида рақибларига ҳеч қандайин имкон қолдирмасдан олтин медални қўлга киритганди. Таъбир жоиз бўлса, у ушбу ғалабаси билан ўзбекнинг ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини исботлади. Ўзбекистон армияси спортининг юксалаётганини дунёга яна бир бор кўз-кўз қилди.

Яна бир армиячи боксчимиз Қуролли Кучлар хизматчиси Жасур Матчоновнинг Дохада эришган ютуғи қалбларимизда фахр, ғурур туйғуларини уйғотди. 91 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган чарм қўлқоп устаси кумуш медаль билан юртимизга қайтиб келди. Жасур ҳарбийлар ўртасида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам кумуш медални қўлга киритиб, Ўзбекистон армиячиларининг фахрли иккинчи ўринни забт этишларига улкан ҳисса қўшганди. «Жасурни боксчилар сулоласининг муносиб давомчиси десак арзийди. Унинг амакилари – Матназар ва Ҳоким акаларни бокс оламида яхши билишади. Бугун таниқли бу боксчиларнинг жияни ҳам спорт оламида чақнаяпти. Ҳали Жасурдан умидимиз катта», дейди капитан Уйғун Сиддиқов. Мурод Турдиевнинг шогирди бугун армиямиз спорти, умуман, Ўзбекистон спортининг ривожига улкан ҳисса қўшмоқда.

Катта лейтенант Дилшод Маҳмудов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Бекзод Хидировларнинг бронза медаллар билан Дохадан қайтишгани ҳам юқоридаги фикрларимизни, яъни Қуролли Кучларимизда бокс борасида ўзига хос мактаб шаклланганини исботлайди. Ўн бешинчи Осиё ўйинларида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ютуқларга эришишган армиячиларимиз бор. Аммо биргина бокс мисолида қўлга киритган ютуқларимизнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қуролли Кучларимизда соғлом турмуш тарзи шаклланмоқда, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар мева бермоқда.

Бугун армиячи спортчиларимиз шарафига Ватанимиз Мадҳияси янграмоқда, байроғимиз баланд-баланд кўтарилмоқда. Ҳам юртимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилишга, ҳам спорт орқали Ўзбекистонимиз шаънини дунёга ёйишга бел боғлаган фарзандлар бор экан, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Майор Сафар АЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОННИ УЛУҒЛАЁТГАН ҲАРБИЙЛАРИМИЗ

Айни дамда халқаро ареналарда шоҳсупанинг юқори чўққисини забт этиб, юртимиз шуҳратини оламга ёяётган спортчиларимиз кўплаб топилади. Бугун ўзбек элининг донгдор алплари бўлмиш Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Артур Григорян, Камол Муродов, Рамзиддин Саидов, Артур Таймазов, Руслан Чагаев, Темур Ибрагимов, Дилшод Маҳмудов, спорт маликалари – Ирода Тўлаганова, Юлдуз Ҳамроқулова, Оксана Чусовитина, Саида Бурхонўжаевалар нинг жаҳонда алоҳида ўрни бор. Улар ҳақида ҳар қанча гапирсанг ҳам, ёзсанг ҳам кам. Шуниси қувонарлики, кейинги пайтда Ўзбекистон номини кўкларга кўтараётган спорт юлдузлари орасида миллий армиямиз спортчиларининг эришган натижалари ҳам салмоқли. Маҳоратда тенгсиз бўлган армиямиз спортчилари янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда. Куни кеча Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида ҳам армиямиз спортчилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш қилишди. Ушбу мақоламизда Ўзбекистон номини улуғлаб келаётган ёш, иқтидорли армиямиз спортчилари ҳақида тўхталамиз. Ўйлаймизки, юлдуз мисол чақнаган ёш спортчиларимизнинг ҳаёт йўллари тенгқурларини беэътибор қолдирмайди.

УСТОЗНИНГ ЭЪТИРОФИ

Баҳодир беш яшар укаси Дилшодни илк бора бокс залига олиб борганида, унинг ушбу спорт турига бу қадар меҳр қўйишини тасаввур ҳам қилмаганди. Чунки йигит укасининг жисмонан чиниқишини истаб ўзи шуғулланадиган спорт мажмуасига олиб келганди-да. Ўшанда тажрибали мураббий Ҳамид Деҳқонов болакайдаги истеъдодни олдиндан кўра олгандек, «У ҳали жаҳон чемпиони бўлади», дея Дилшод билан жиддий шуғулланишга аҳд қилди. Орадан йиллар ўтиб, сизу биз таниган Дилшод Маҳмудов мураббийи таъкидлаганидек, чемпион бўлиб етишди.

У ўз-ўзидан бу даражага эришгани йўқ. Йигит келажакка умид билан боқиб, тинимсиз машғулотлар олиб борди. Заҳматли меҳнат аста-секин бўй кўрсатиб, Дилшод бирин-кетин мусобақаларда ғолибликни қўлга кирита бошлади. У 2002 йил муддатли хизматга отлангач, халқаро тоифадаги спорт устаси офицер Уйғун Сиддиқов билан танишиб, боксиз ҳаётини тасаввур қила олмаслигини тушуниб етди. Йигит энди пойтахтда қулай шароитда машғулотларни олиб борар экан, айнан шу ерда янада юқори кўрсаткичга эришиш мумкинлигини яхши англарди. Шундай ҳам бўлди. Истеъдодли, ёш боксчи ўша йили Афро-осиё ўйинларида Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 60 кг вазнда рингга чиққан чарм қўлқоп устаси рақибларини доғда қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Бундай юқори муваффақиятдан сўнг Дилшодга армиямиз сафида шартнома асосида хизмат қилишга таклиф тушди. Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида хизмат қилиш у учун янги-янги имконият эди. Шу боис, Дилшод бу таклифни бажонидил қабул қилди. Миллий армиямиз сафида хизматини давом эттираётган йигит, энди армия спортига мислсиз шуҳрат келтира бошлади. У 2003 йил Италия, 2004 йил эса Америкада бўлиб ўтган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоа сафида иштирок этиб, Ўзбекистон армияси спортининг тенгсиз эканлигини исботлашга ўз ҳиссасини қўшди. Чунки, 2004 йил бокс бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонликлар терма жамоа ҳисобида 1 ўринни қўлга киритганди. Айнан ушбу чемпионатларидаги муваффақияти учун Дилшод сайёрамизнинг энг яхши боксчиси дея эътироф этилди. 2003 йил Душанбе шаҳридаги Марказий Осиё ўйинлари ҳамда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб ўтган Афро-осиё ўйинларида вакилимизга яна омад кулиб боқди. Ўз вазнида ғолиблик нашидасини сурган ўзбек ўғлони майдон узра юртимиз байроғининг мағрур ҳилпирашига ҳиссасини қўшди. 2004 йил бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида, 2005 йил Хитойдаги жаҳон чемпионатида ҳамда жорий йил Таиландда анъанавий ташкиллаштириладиган Қирол кубоги турнирида Дилшод кетма-кет шоҳсупанинг юқори поғоналарини банд қилди.

Шу йилнинг сентябрь ойида Германиянинг Варендорф шаҳрида ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 64 кг вазнда рингга чиққан йигирма тўрт яшар чарм қўлқоп устамиз ЖАР, Ҳиндистон, Россия ва мезбон жамоа вакилларини мағлуб қилиб, ўз ҳисобида, олтин медаллар сонини яна биттага оширди. Ўз ўрнида бу ғалаба у учун навбатдаги XV Осиё ўйинлари баҳсларига тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади. Доҳадаги беллашув умидли спортчимизга бироз қийинчилик туғдирди. Шу боис ҳамюртимиз Доха рингтида бронза медали билан кифояланди.

Фарғона шаҳрида туғилиб вояга етган бу алп йигит юртимиз спорти ривожига муносиб ҳиссасини қўшаётгани учун мустақиллигимизнинг 15 йиллик тантаналари арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

АКАСИДАН ЎЗГАН ЧЕМПИОН

Рамзиддин Саидов. Йигирма тўрт яшар бу спортчимиз номини нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё ва Европада кўпчилик яхши билади. Унинг курашиш маҳоратига кўпчилик мутахассислар тан беради. Чунки Рамзиддин рақибларига ҳеч қандай имкон бермай, уларни доимо ҳалол мағлуб қилади. Йигитдаги бундай курашиш услубини илк бора дастлабки устози Рустам Тўраев кўрганида, истеъдодли ўсмирдан келажакда етук спортчи етишиб чиқишига ишонганди.

Халқаро тоифадаги кураш устаси эндигина спортнинг ушбу турига қадам қўйган болакай учун бундай улуғвор фикр билдириб янглишмаганди. Бир неча йилдан буён ёшларга миллий кураш сирларини ўргатиб келаётган тажрибали устоз дастлабки синов орқали болаларнинг лаёқатини аниқлаш баробарида уларнинг келажакдаги имкониятларини янглишмай чамаларди.

– Бухоро вилоятининг чекка ҳудудида жойлашган Олот тумани республикамизда у қадар машҳур эмасди, – дейди Рустам ака. – Туманимиз полвонлари бу номни юртимизга танитди. Ўзига хос кураш мактабига эга бўлган туманимизга бугун республикамизнинг Андижон, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Хоразм сингари вилоятларидан ёшлар миллий спортимиздан сабоқ олиш учун келишмоқда. Бир пайтлар Камол Тўраев, Рамзиддин Саидов сингари кураги ерга тегмас тенгсиз спортчилар етишиб чиққан мактабда улар ҳам ўқишни орзу қилишяпти. Рамзиддиннинг илк мактабга келган куни жуда яхши эсимда. Ўшанда отаси Бешим ака «Ўғлим курашга қизиқади, ўзингизга шогирд қилишни истамайсизми?» дея ёш йигитчани олдимга олиб келганди. Қалби шижоатга тўла бу болакайнинг кўзларига боққанимда ундан ҳақиқий чемпион чиқишини кўнглим сезганди. Ўз навбатида Рамзиддин ҳам машқларда буни исботлади.

Оилада тўрт ўғилнинг бири бўлган Рамзиддиндан аввал акаси Фазлиддин ҳам миллий курашга қизиқиб қолди. Ҳатто машқларда маҳоратини оширган йигит ўз вазни тоифасида бир неча бора йирик турнирларда ғалаба нашидасини сурди. Ундан сўнг эса ғалаба пойгасида укаси анча ўзиб кетди. 2004 йил ўз вазнида Осиё чемпиони деган номга муносиб топилган йигит, 2005 йили Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. 81 кг. вазнда гиламга чиққан юртдошимиз рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, финалда эронлик Али Муҳаммадий устидан ҳам ғалаба қозонди.

– Менинг ғалабаларимда устозларим Рустам Тўраев ва Борис Иванович Григорьевларнинг хизматлари катта, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Рамзиддин Саидов. – Уларнинг олиб борган типимсиз машғулотлари эвазига чемпион деган номга сазовор бўлдим.

2006 йил ҳам бу йигит учун яна омадли бошланди. У апрель ойида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича анъанавий ўтказилиб келинаётган иккинчи Умумармия ўйинларида муносиб иштирок этди. 90 кг. вазн бўйича гиламга чиққан Рамзиддин ҳақиқий чемпион эканлигини яна бир бора исботлади. Қийинчиликларсиз финалгача етиб келган боҳорлик ўғлон сўнгги босқичда оддий аскар Хуршид Набиев устидан ҳалол ғалаба қозониб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилиб, армия спортига ўзига хос ҳиссса қўшиб келаётган ёш, қобилиятли спортчимиз Рамзиддин Саидов XV Осиё ўйинларида 90 кг вазнда гиламга чиқиб, бронза медали билан тақдирланди. Албатта, Осиёнинг тенгсиз полвонлари ўртасида 3-ўринни қўлга киритган спортчимизнинг бу ютуғи замирида ҳам анча машаққатли меҳнат мужассам.

ПОЛВОН ОТАНИНГ АЛП ЎҒЛИ

Ўтган асрнинг 80-йилларида нафақат Сурхондарё воҳасида, балки республикамизда Ўрол полвонга тенг келадиган рақиб топилмасди. Алплар заминида чиниққан бу полвон кураш бўйича жуда кўплаб мусобақаларда рақибларини доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритарди. Ўшанда Ўрол ака «Агар ўғлим бўлса, у ҳам полвон бўлади» дерди. Орадан икки-уч йил ўтиб, йигит сўзи амалга ошиб, ўғилли бўлди. Шунда ота хурсанд бўлиб, нуридийдасига яхши ният билан Ўткир деб ном қўйди. Йиллар, кунлар ўтиб, полвон ўғли Ўткир йигит бўлиб улғайди. У отаси орзу қилгандек ёшлигидан курашга бўлакча меҳр қўйди. Ўрол ака фарзандини янада чиниқтириб, тажрибасини ошириш мақсадида 14 ёшга киргач Самарқанд шаҳридаги спорт мактабига олиб борди. Йигит бир қанча чемпионларни тарбиялаган бу мактабда миллий курашимиз билан бир қаторда дзюдо бўйича ҳам маҳоратини ошириб борарди. 1997 йил кўҳна Бухорода дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилигида ўз вазни бўйича бош совринни қўлга киритганидан сўнг устозларининг унга бўлган ишончи янада ортди. 2001 йил Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Индира Ганди хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда иштирок этган сурхон ўғлони 81 кг. вазнда Осиёдаги манна-ман деган полвонларни бирин-кетин доғда қолдириб, ўзбекнинг ким эканлигини дунёга кўз-кўз қилди. Яна ўша йил Россиянинг Красноярск шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган Евроосиё биринчилигида, Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган Ўткир шоҳсупанинг юқори чўққисидан жой олиб, Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 2002 йил эса Суриянинг Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида у 90 кг. вазнда яна олтин медаль соҳибига айланди.

– 2004 йилдан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида шартнома асосида хизматимни бошлагач, мен учун янада имкониятлар эшиги очилди, – дейди оддий аскар Ўткир Қурбонов. – Бу ерда курсантларга дзюдо ва кураш сир-синоатидан сабоқ бериш баробарида ўз маҳоратимни янада ошириб бораяпман.

Жорий йил июнь ойида Эрон пойтахтидаги «А» серия туркумига кирувчи халқаро турнирда 100 кг. вазнда қатнашиб 45 мамлакат спортчилари орасида олтин медалга муносиб топилди. Яқинда Ўткир Хорватияда ҳарбий спортчилар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида терма жамоа шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган ушбу спортчимиз ҳам XV Осиё ўйинларининг дзюдо баҳсларида гиламга чиқиб, анча муросасиз кураш олиб борди. Йигирма уч яшар оғир вазнли вакилимиз ҳам ушбу чемпионатда бронза медалга лойиқ топилди.

Комилжон ҲАСАНОВ.



Ўткир ҚУРБОНОВ

Дилшод МАҲМУДОВ

Рамзиддин САИДОВ

XV Азиатские игры

ЛИСТАЯ СТРАНИЦЫ АЗИАДЫ-2006

Как уже ранее сообщалось, в программу XV Азиатских игр были включены 46 видов спорта. От нашей страны в главных соревнованиях четырехлетия приняли участие 248 спортсменов по 31 виду спорта. Из 45 стран-участниц наша национальная сборная Узбекистана завоевала 7-е место, пропустив вперед команды Китая, Кореи, Японии, Казахстана, Тайланда и Ирана, и тем самым твердо обеспечила себе достойное место в десятке сильнейших стран Азиатского континента.

Итак, все по порядку. Под занавес закрытия XV Азиатских игр узбекистанские борцы вольного стиля Дильшод Мансуров (55 кг) и Артур Таймазов (120 кг) поднялись на высшую ступень пьедестала и тем самым пополнили копилку национальной сборной еще двумя золотыми наградами.

Двукратный чемпион мира, заслуженный спортсмен Узбекистана Дильшод Мансуров в финале в буквальном смысле слова вырвал победу у корейского спортсмена, продемонстрировав высококлассную технику и волю к победе. Другой его одноклубник – олимпийский чемпион, неоднократный чемпион мира, заслуженный спортсмен Узбекистана Артур Таймазов – одержал красивую досрочную победу над иранским борцом. Он еще раз доказал, что в супертяжелом весе нет равных в мире узбекистанскому атлету.

Таким образом, наши соотечественники на XV Азиатских играх завоевали 39 медалей: 11 золотых, 14 серебряных и 14 бронзовых.

Отрадно, что из 39 наград различных достоинств 22 – у представителей Вооруженных Сил Республики Узбекистан, а 12 из них – у армейских спортсменов. Мастера кожаной перчатки, представлявшие армейский спортклуб, завоевали две «бронзы», одно «серебро» и одно «золото». Заметим, что узбекистанские боксеры на этих соревнованиях удостоились 6 медалей.

Хотелось бы вновь «пролистать» некоторые страницы XV Азиатских игр, обратив пристальное внимание на участие в них армейских спортсменов. Мастеру спорта международного класса старшему лейтенанту Дильшоду Махмудову (64 кг) и рядовому по контракту Бекзоду Хидирову (60 кг) чуть-чуть не повезло в полуфинальных поединках. Поэтому они удостоились бронзовых наград. А вот серебряному призеру мастеру спорта Жасуру Матчанову (91 кг) в поединке с иранским боксером не хватило скорости, хотя в целом рисунок боя в финале был тактически грамотным. Но самые красивые поединки в техническом и тактическом плане со всеми своими соперниками продемонстрировал мастер спорта служащий Вооруженных Сил Эльшод Расулов (75 кг). Он все бои, в том числе и финальный, выиграл с огромным перевесом и по праву заслуживал аплодисментов любителей бокса.

Дзюдоисты рядовые по контракту Рамзиддин Саидов и Уткир Курбонов проиграли лишь за выход в финал, поэтому им обоим приходилось «утешаться» бронзовыми наградами. Тут, конечно, они своего шанса не упустили, проявив настоящий бойцовский и армейский характер.

Легкоатлеты мастер спорта рядовой по контракту Анастасия Журавлева (прыжки в длину) из спортактива МХСК, мастер спорта Леонид Андреев (прыжки с шестом) также выступили успешно и уступили лишь победителям.

А вот два наших спортсмена, рядовой по контракту Алексей Бабаджанов (гребля на байдарке) и Герасим Кочнев (гребля на каноэ), в упорной борьбе завоевали три серебряные медали. Алексей Бабаджанов стал серебряным призером на двух дистанциях – 500 и 1000 м, а Герасим Кочнев удостоился «серебра» на дистанции 500 м.

Мастер спорта международного класса рядовой по контракту Екатерина Хилько (трамполин) стала бронзовым призером.

Другие наши армейские спортсмены также выступали достойно и вошли в десятку сильнейших на Азиатском континенте. Это младший сержант С.Воинов (легкая атлетика), А.Савкина (трамполин), Д.Здорников (греко-римская борьба), младший сержант В.Скоромнов, Д.Мухтаров (пулевая стрельба), рядовой по контракту А.Уринов (тяжелая атлетика), В.Ан (таэквондо), Н.Казакбаев и А.Абдурахимов (велоспорт).

Мы знаем, эти достижения – не предел возможностей наших армейских атлетов. Верится, что главные награды у армейцев впереди, на предстоящих Олимпийских играх в Пекине.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,
мастер спорта.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Гўзаллик дунёни қутқаради, деганлари рост. Агар ана шу гўзаллик ақл-идрок ва самимият билан қоришиб кетса, янада гўзал бўларди. Бунинг инъикосини биз 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Нигина Зайниева қиёфасида кўриб қувондик.

Нигина эгизаклар буржи остида туғилган. У инглиз тили, рус тили, тарих ва ҳуқуқ фанларига қизиқади. Мутолаани ёқтиради. Нигинанинг орзулари бир олам. У ўз касбининг устаси ва бахтли бека бўлишни орзу қилади.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

НОВЫЙ ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР

В соответствии с Постановлением Президента страны "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" серьезное внимание уделяется сегодня вопросам развития информационных технологий, внедрения в этот процесс передового опыта.

В Ферганской области также проводится значительная работа в данном направлении. Ярким тому примером может служить начавший работу в Маргиланском педагогическом профессиональном колледже информационно-ресурсный центр. Он работает на основе современных технологий, имеет книжный фонд из 80 тысяч экземпляров.

– Благодаря организации информационно-ресурсных центров библиотечное обслуживание населения кардинально улучшается, – говорит директор колледжа Кодиржон Эшанов. – Читатель при этом получает возможность найти необходимую литературу в короткий срок. Наш центр полностью оснащен современными компьютерами. Сейчас мы обслуживаем не только учащихся колледжа, но и жителей города.

В информационно-ресурсном центре составлен электронный каталог около 30 тысяч книг. Здесь намечено также записать тексты докладов, рефератов, статей, создать электронные учебники.

М.СУЛЕЙМАНОВ, корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ориф Одилхонов табиат, инсон ва юксакликлар шоири сифатида элимиз қалбидан жой олган. У шеър бағишлаган ҳар бир ҳодисадан улуғворлик ва эзгулик излайди. Айниқса, шоирнинг Ватан ҳақидаги жўшқин шеърларидаги улуғворлик, ифтихор туйғуси юксак. Истиқлол эпкини эркин эса бошлаган озод юртимизнинг пурвиқор тоғлари, шарбат тўла боғларини ёниб куйларкан, беихтиёр руҳиятингизга ҳам сатрлардаги самимият кўчади.

ОЗОД ВАТАНИМ

Истиқлолдан армонига етган қаҳрамон,
Кўкси чаман, олам узра танҳо ва суюк.
Нур қўйнида жилоланган бағри нурафшон,
Тарихларда шавкати бор, иқболи буюк.
Ўзбекистон – гулистоним, обод Ватаним,
Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Ярқирайди тоғларингда новвот қоялар,
Шарбат тўла боғларингнинг таърифи жаннат.
Кўтарилди пок сийнангдан мудҳиш соялар,
Осмонингда учсин тинчлик каптари фақат.
Ўзбекистон – гулистоним, обод Ватаним,
Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Меҳнатсевар элинг олим, қўли гул деҳқон,
Донғи кетган гул ўстириб тошларда азал.
Сен азизсан, муқаддассан ҳамда меҳрибон,
Дилим яйрар сенинг мадҳинг куйлаган маҳал.
Ўзбекистон – гулистоним, обод Ватаним,
Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Тупроқ ила тошларингнинг борму баҳоси,
Шаҳарларинг, қишлоқларинг дунёга достон.
Ҳофизларнинг, шоирларнинг ширин навоси,
Сенга олқиш, сенга жоним, сенга шараф-шон.
Ўзбекистон – гулистоним, обод Ватаним,
Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Нуқтаи назар

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ

Маънавий озуқа посбон учун зарурият. Уни руҳлантирувчи, эзгу амалларга ундовчи, жасоратга чорлаб турувчи қудрат айнан маънавий комилликда мужассам. Шундан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстирувчи маънавият масканлари – гарнизон офицерлар уйи ҳамда ҳарбий қисмлардаги клуб, кутубхона фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Биз хизмат сафари билан қайси қисмда бўлмайлик албатта, ушбу масканлар билан яқиндан танишишга ҳаракат қиламиз. Шимоли-ғарбий ҳарбий округда бўлганимизда ҳам офицерлар уйи фаолияти билан қизиқдик.

Сир эмаски маънавий-маърифий тарғиботда катта аҳамиятга эга бўлган офицерлар уйининг имкониятлари юқори. Бу гўша нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила-аъзоларига ҳам беминнат хизмат кўрсатувчи маданият ва маърифат даргоҳидир. У ўз ҳудудидаги вилоят ва шаҳар маънавият ўчоқлари билан яқиндан алоқа боғлаб турли йўналишдаги тўгараклар ташкил қилиш, кеча ва тадбирлар ўтказиш, зеҳн ва малакани ўстирувчи беллашув ва интеллектуал ўйинлар уюштириш каби қатор эзгу амалларга етакчилик қилади. Умуман олганда, офицерлар уйлари чин маънода катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маънавият ва маърифат марказларидир. Хўш, бу борада шимолий ҳудудларимизда яшаб, хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳарбий округ офицерлар уйидан қай даражада маънавий баҳра олишаяпти?! Биз мухбирлар одатда қайси мавзуни ёритмайлик, эришган ютуқларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бироқ холислик бу – одиллик, адолат билан ёндашиш демакдир. Ушбу мақоламизда айнан мана шу адолат мезонидан чиқмасликка ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш жоизки, ушбу офицерлар уйи замонавий бинода жойлашган. Бу ҳам унинг кенг кўламда фаолият юритишида катта аҳамият касб этади. Чунки турли йўналишда тўгараклар ташкил этиш учун бу ерда етарли шароит мужассам. Офицер Бахтиёр Шомуродов етакчилик қилаётган бу масканда ҳам ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, фарзандларига бир қатор тўгараклар очилганига гувоҳ бўлдик. Тикиш-бичиш, компьютер сабоқлари, спортнинг таэквондо йўналиши бўйича болаларга машғулот ўтказиш, тренажёр зали, биллиард ўйнаш зали ва аёллар маслаҳат клуби шулар жумласидандир. Биз офицерлар уйида бўлганимизда тикиш-бичиш ва компьютер ўргатиш тўгараклари фаолият юритаётган экан. Қизалоқларга бисер, яъни турли мунчоқлар билан матога ранг-баранг гуллар шаклида безак тикиш, матодан гуллар ясаш, хилма-хил кийимкечакларни тикишдан сабоқ бераётган тўгарак раҳбари Муқаддасхон Мадумарова билан суҳбатда бўлдик.

– Тўгарагимизга асосан ҳарбий шаҳарчадаги мактаб ўқувчилари қатнашади. Қизларимизда йилдан-йил тикиш-бичишга бўлган қизиқиш юқори, – дейди суҳбатдошимиз мамнуният билан. – Чунки уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида, ҳунар эгаллашида бундай тўгараклар катта аҳамиятга эга. Мен уларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда турли фасондаги кийимлар тикиш, бисерлар билан безашни ўргатаман. Шунингдек, тўқишни ўргатиш ҳам режамизда бор.

Офицерлар уйидан жой эгаллаган кутубхона каттаю кичикни бирдек ўзига жалб эта оладиган зиё масканларидан бири. Айни дамда унга Меҳрибон Жуманазарова етакчилик қилаётган экан. Ушбу маърифат гўшаси ҳарбий хизматчилар, ҳарбий шаҳарча аҳли ва мактаб ўқувчиларининг севимли гўшаси бўлиши аниқ. Айтмоқчимизки унинг ўқувчилари, яъни аъзолари сони бир мунча юқори бўлиши табиий ҳол. Бироқ китоблар захирасининг озлиги бизни ажаблантирди. Чунки посбонлар учун белгиланган ҳарбий қисм кутубхоналаридан ўн минг ва ундан зиёд китоблар жой эгаллаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу катта кутубхона 3,5 минг китоблар тўплами билан шубҳасизки, эътиборга муҳтож. Гарнизон офицерлар уйи бошлиғи капитан Шомуродовдан эса бу борада ижобий жавоб ололмадик.

Аммо ушбу гўшада кейинги йилларда амалга оширилган бир қатор янгиланиш ва ўзгаришлар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек янги-янги очилган тўгараклари билан диққатимизни тортди. Шунингдек, офицерлар уйининг катта йиғинлар залида ватанпарварлик руҳидаги, маънавий-маърифий йўналишдаги кеча ва тадбирлар тез-тез ўтказиб турилишига гувоҳ бўлдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини бу севимли даргоҳи замон билан ҳамнафас қадам ташлашга, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб жавоб беришга ҳаракат қилаяпти. Эришилган ютуқлар ўзимизники, камчиликлар эса ўз ечимини топишига умид қиламиз.

Зулфия НОСИРЖОНОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



В СВОБОДНОЕ ВРЕМЯ – В БИБЛИОТЕКУ

Для многих моих сослуживцев самым любимым занятием в свободное от службы время является чтение художественной литературы. Вот почему мы спешим в нашу богатую на наличие и разнообразие книг библиотеку. Здесь нас всегда с радостной улыбкой встречают заведующая библиотекой служащая Вооруженных Сил Куранбыапа Салайдинова, библиотекари служащие Феруза Назирова и Мухаббат Рахимова.

Мы благодарны им за то, что они охотно помогают нам в выборе нужной литературы, умеют живо и интересно организовывать различные захватывающие тематические вечера. Именно здесь мы полноценно можем подготовиться к семинарам, написать научные рефераты на различные темы. И во всех наших делах, связанных с работой с книгами, они – профессионалы – являются первыми и надежными помощницами.

Думаю, я выражу и мнение курсантов Абдуразока Очилова, Бахыта Темирова, Бахыгжона Нарбаева и многих других, если скажу, что мы стали настоящими книголюбами благодаря нашим трудолюбивым, влюбленным в свою профессию работникам библиотеки.

Курсант Хусан УСМАНОВ.

«АСКАРИ БАҚУВВАТ ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР»

ЮКСАК ТАЛАБЛАРДАН БИРИ

Ҳар гал ҳарбий муассасаларда бўлганимизда ижобий ўзгаришларга дуч келамиз. Буни қисм ҳаётидаги ҳар бир жараёнда кузатиш мумкин. Қисм ҳудудидаги батартибликдан тортиб, посбонлар учун ўқув жараёнидан дам олиш фаолиятига қадар яратилган шароит бугуннинг талаби даражасида ҳал этилмоқда. Шу ўринда шахсий таркибнинг таъминот масаласи, қисм ошхоналари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Инсон ҳаётида озиқ-овқат таъминоти доимо етакчи ўринда турган. Буни оддий оила мисолида кўрадиган бўлсак, оила даромадининг асосий қисми озиқ-овқатга сарф этилиши барчамизга аён. Айтмоқчимизки, Қуролли Кучларимизда ҳам иқтисодий масалалар учун давлатимиз томонидан катта миқдорда сарф-харажат сарф этилиши сир эмас. Буларнинг барчаси юртимиз тинчлиги учун шай турган ҳарбий хизматчиларнинг соғлом ва бақувват бўлиши билан боғлиқ. Шунингдек, йилдан-йил посбонларнинг озиқ-овқат таъминотидаги катта ўзгаришлар ислоҳотлар жараёнида ижобий ечимини топаётганига гувоҳмиз. Ушбу мақоламизда айнан қисм ошхонасидаги мана шундай ўзгаришлар ҳақида сўз юритишга қарор қилдик.





ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҚИЁФАСИ

Шимоли-ғарбий ҳудудларимизда хизмат қилаётган посбонларнинг фаолияти ҳақида сўз кетганда уларда масъулият юки бир қадар юқори туришини унутмаслик лозим. Чунки бу гўшада об-ҳаво, сув, экология масалаларига бир мунча жиддийлик билан ёндашишга тўғри келади. Шунга қарамай ҳар гал офицер Қаҳрамон Содиқов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимизда ўзгача гўзал манзарага дуч келамиз. Яъни йилнинг уч фаслида ҳам қисм ҳудуди гулларга бурканган, обод ва кўкаламзор. Шўр босган бу ерларда гиёҳ ундириш қийин деган айримларнинг фалсафаси ушбу гўшада ўз мантиғини йўқотади, десак янглишмаймиз. Ота-боболаримиз инсон меҳнати билан тошда гул ўстиришга қодир дея бежиз эътироф қилишмаган. Биз нима учун қисм ошхонаси ҳақидаги суҳбатимизни ушбу манзарадан бошладик? Бундан мақсад шуки, мана шундай яратувчан, моҳир, ишбилармон офицерлар хизмат қилаётган жамоада қисм ошхонасига, аскарларнинг овқатланиш жараёнига талаб ва эътибор юқори даражада бўлиши шубҳасиз. Бу борада янглишмагандик. Замонавий таъмирланган аскарлар ошхонаси кириш қисмининг икки ёнига фитобарлар ўрнатилган. Ошхонага қадам қўйганда эса янада ёқимли манзарага дуч келасиз. Бир хил жиҳозланган столлар устидан чинни идишлар жой эгаллаган. Ошхонанинг олти тарафига ўрнатилган сўнгги русумдаги иситиш ва совутиш кондиционерлари хонадаги об-ҳавони тоза ва мўътадил сақлашга хизмат қилади. Тўғрироғи, бу ернинг айни дамдаги қиёфаси замонавий кафе-ресторанлардан қолишмасди. Аскарлар учун тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан танишишдан аввал ошхонага масъул бўлган офицерлардан бири Рустамбек Хидиров билан суҳбатда бўлдик.

– Ҳозирда Мудофаа вазирлиги томонидан нафақат посбонларнинг овқатланиши рационига катта ўзгаришлар киритилмоқда, балки қисм ошхоналарининг жиҳозланишига ҳам эътибор юқори, – дейди суҳбатдошимиз бизни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан. – Албатта эришилган ҳар бир ютуқ ҳаракат ва интилиш билан юзага чиқади. Яъни бугуннинг талабига жавоб бериш учун бор имкониятдан фойдаланиш лозим. Биз ҳам ҳарбий қисм тасарруфидаги ҳарбий хўжаликдан олинган қўшимча фойда эвазига янги турдаги ошхона жиҳозларини сотиб олишга эришдик. Шунингдек, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан ҳам катта ёрдам кўрсатилаяпти.

Ҳозирда ҳарбий қисмларда ташкил этилган ҳарбий хўжаликлар нафақат посбонларни озиқ-овқат маҳсулотларининг хилма-хил турлари билан таъминлаяпти, балки олинган қўшимча даромад ҳарбий қисмнинг моддий манфаатига хизмат қилаяпти. Бу ҳам жорий этилаётган ислоҳотлар самарасидир.

АСКАР ДАСТУРХОНИ ФИДОЙИЛАРИ

Аскар дастурхонида бугун хилма-хил таомлар мужассам. Уларни тайёрлашда белгиланган рационга қатъий амал қилинади. Биз ошхона бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аҳмаджон Маҳкамов билан ошпазлар ҳузурига йўл олар эканмиз, тушликда берилиши белгиланган таомлар тури билан қизиқдик. Уғра ош, мева шарбати, шовла, помидор ва бодрингли салат, нон ва тарвуз. Бундан кўриниб турибдики, ўзбекона таомларга эътибор катта. Аҳмаджоннинг аскарларга ҳафтада икки марта палов, қовурдоқ, мошкичири каби миллий таомларимизни тайёрлаш ҳақидаги сўзлари фикримизни тасдиқлади.

Овқат тайёрлаш хонасидамиз. Ошхона хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Ошпазлар тушлик таомларини тортишга шай қилишаётган бўлса, маълум хизматчилар кечки таомлар учун озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш билан банд.

– Бу ошпазларнинг деярли барчаси сержантлар тайёрлаш мактабида ошпазлик йўналиши бўйича ўқиган ўз касбининг усталари, – дейди ошхона бошлиғи улар билан таништирар экан. – Шунингдек, тайёрлаган овқатлари ҳарбий хизматчиларга манзур бўлаётган Қуролли Кучлар хизматчилари ҳам бор. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Маҳмуджон Холов, Ҳамробек Абдусаломов, хизматчилардан – Гулбаҳор Қўримурадова, Тозагул Иннаминова, Қуралай Раджабовалар ўз касбининг фидойилари.

ТЕЖАМКОРЛИК – БАРАКА ГАРОВИ

Биз табиат неъматларининг қадрига етиш, исрофгарчиликдан асраш ҳақида кўп гапирамиз. Бу ҳолат қисм ошхоналарига ҳам тегишли, шубҳасиз. Ҳарбий қисм озиқ-овқат хизмати бошлиғи офицер Сухроб Мирзаев билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш хонасидамиз. Хизматчиларнинг фаолияти билан танишиш давомида айнан уларнинг маҳсулотларга эътибор билан ёндашиши диққатимизни тортди.

Нон кесиш хонаси. Ошхона навбатчилари оддий аскарлар Ҳабибулло Аҳроров ва Абдуваҳоб Ҳожиматовлар ошхона тартибига мос кийинишган. Улар нонларни белгиланган норма асосида кесишаяпти. Шу ўринда аскар дастурхонидан ортган нонлар муаммоси бизни қизиқтирди.

– Нон ҳамма вақт энг улуғ неъмат бўлиб келган. Шунинг учун нон маҳсулотларига доимо эътиборлимиз, – дейди Мирзаев саволларимизга жавобан. – Уни исроф қилишдан сақлаш учун ҳозирда 8-10 граммлик қилиб кесиш белгиланган. Посбонлар олдидан ортган нонлар эса сухари қилинади. Столларда қолган тузларни ҳам ҳар сафар тортиб кўриб, қанча тежалганлиги белгилаб борилади. Умуман олганда ҳар бир маҳсулотнинг қадрига етмоқ бизнинг бурчимиз.

Балиқ қадоқлаш хонасида ҳам тош-тарози мавжуд бўлиб, ошпаз Октябр Мадиёров ўз ёрдамчилари билан аскарларнинг кечки таоми учун мўлжалланган балиқ маҳсулотини норма бўйича бўлакларга ажратмоқда. Сабзавотларни тозалаб, тайёрлаш хонасида ҳам мана шундай манзарага дуч келдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисм ошхонасидаги хизматчиларнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши, белгиланган қонун-қоидаларга риоя этган ҳолда бурчларини адо этишга эътиборга сазовор.

Биз Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Мудофаа вазири буйруғига биноан белгиланган янги озиқ-овқат миқдори, фитобарлар фаолияти, маҳсулотлар сифатига эътибор ҳақида кўп бора мақолалар тайёрлаганмиз. Ушбу ҳарбий ошхонада ҳам янгиланишлар ўз эътирофига эга. Бу Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Зулфия НОСИРОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Қўнгилга ташриф

«МУНОЖОТ» МЕНИ ЭЛГА ТАНИТДИ



Мумтоз қўшиқларнинг моҳир куйчиси, Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари соҳибаси Берта Давидова ҳақида гапирганимизда унинг майин, ширали, бошқаларникига ўхшамаган овозда «Муножот», «Самарқанд ушшоғи» каби миллий қўшиқларимизни куйлаётган ҳолати кўз ўнгимизга келади.

Берта Давидова наволари – мумтоз санъатимизнинг мақом ижрочилигида алоҳида бир олам, бетакрор гўзаллиги, таровати ҳамиша хуш бўй таратиб турган гулдастадир. У шундай санъаткорки, унинг фақат қалби, овозигина куйламайди, балки фарғонача миллий аёллар либосидаги гўзал вужуди, нафис дуррача остида кулиб турган малоҳатли чеҳраси ҳам ёниб куйлайди. «Муножот», «Баёт II», «Баёт V», «Насри баёт», «Талқини баёт», «Таронаи баёт», «Самарқанд ушшоғи», «Фиғон», «Дугоҳ» каби мумтоз қўшиқларни Берта опадан ўтказиб ҳеч ким айтолган эмас. Онамларнинг айтишича, радио орқали Берта опанинг қўшиқлари янграганда, барча аёллар қилиб турган ишларини қўйиб, ашулани берилиб тинглашар экан. Чунки унинг қўшиқларининг илдизи чуқур, маънодор, юракка яқин. Бу қўшиқларни эшитганингизда вужудингизда аллақандай аллаловчи, жонбахш ҳислар уйғонади.

Бизнингча, санъатимизда қўшиқ куйлаётган ҳозирги ёшлар эл олдида ўзини тутишни бу санъаткордан такрор-такрор ўргансалар арзийди.

Муҳтарама ҳофизамизнинг чексиз ватанпарварлиги ҳам барча учун ибратли. «Мен Ўзбекистоннинг бир ҳовуч тупроғини дунёнинг бор бойлигига алмашмайман», дейди Берта опа доимо. Бу шунчаки кўксига уриб, изҳор этилган қуруқ ватанпарварлик нидоси эмас. Буни Берта Давидова ўзининг бутун умри, фидойи ҳаёти, бетакрор санъати билан тасдиқлаб келаяпти.

Берта опа билан суҳбатлашиш учун хонадонларига бордим. Ичкарига кирибоқ, китоб жавонидаги Навоий, Бобур, Фурқат, Огаҳий каби буюк мутафаккир шоирларнинг китобларига кўзим тушди. Менинг таажжубланганимни кўриб, «Мен мумтоз шеъриятга қизиқаман. Шунинг учун бу китобларни мутолаа қилишни яхши кўраман», деди опа майин жилмайиб. Ўзаро суҳбат давомида у кишининг чуқур мулоҳазалари, хотираларини ҳайрат билан тингладим. Ушбу суҳбат сизга ҳам манзур бўлади, деган умиддаман.

– Берта опа, ёшлик хотираларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

– Мен Марғилонда туғилганман. Дадамнинг ерлари, боғ-роғлари, от, қўй-моллари кўп бўлгани учун қишлоқдагилар, умуман, Марғилонда ҳамма уни Довидбой дейишарди. Ёзёвонда пахта экадиган ерлари ва Фарғонада пахта заводи бор эди. Дадамнинг икки хотини бўлиб, икковидан ўн учта фарзанд кўрган. Мен фарзандлар ичида якка-ю ёлғиз қиз эдим. Ўгай онамни ача дердик, у бизга ўгайлик қилмас, жуда меҳрибон, тарбиямиз билан ҳам шуғулланарди, кўп китоблар ўқиб берарди. Оиламиз ўзига тўқ бўлгани учун ҳеч нарсага зориқмай ўсдик.

– Санъат соҳасига қандай кириб келгансиз? Эшитишимизча, сиз тиббиёт билим юртини тугатган экансиз?

– Мактабда ўқиб юрган пайтларимда кўчалардаги симёғочларга катта радиокарнайлар осилган бўларди. Ҳалима Носированинг «Оқ ойдин кечалар» деган ашуласини кўп қўйишарди. Мактабга кетишда, келишда симёғоч тагида ўтириб, шу ашулани эшитардим. Яхши кўриб, ёд олганман. 13 ёшга кирганимда менга совчилар кела бошлаган. Лекин акамлар ўқитамиз деб рози бўлишмаган. Шундан кейин мени Тошкентдаги тиббиёт билим юртига ўқишга киритишган. Тиббиёт билим юртида ўқиб юриб, ҳаваскорлар тўгарагига қатнашдим. Мен ўқишни тугатганимдан сўнг уруш бошланиб қолди. Тошкентда ҳарбий госпиталь очилди. Ҳарбий комиссариат мени чақириб, шу госпиталга ишга юборди. Шу ерда ҳамшира бўлиб ишлаб юрганимда беморларга «Оқ ойдин кечалар»ни айтиб берардим.

Бир куни радиокомитетдан Юнус Ражабий, Имомжон Икромов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар госпиталга концерт бергани келишди. Санъаткорлар қўшиқ айтаётганда бир бемор «Ўзимизнинг ҳам қўшиқчи қизимиз бор. Битта қўшиқ айтсин», деб қолди. Кейин менга навбат беришди. Мен Ҳалима опанинг ўша ўзим ўрганган ашуласининг ярмини айтдим ва уялганимдан саҳнадан югуриб чиқиб кетдим. Имомжон Икромовга овозим ёқиб қолибди. Мени ёнларига чақириб, сенинг ширингина овозинг бор экан, радиокомитетга ишга ўтасанми, деди. «Мен ҳарбий қасамёд қабул қилганман, рухсат беришмайди», дедим. Имомжон аканинг ўзи госпиталь бошлиғига учраб, менинг радиокомитетга ишга ўтишимга рухсат олди. Шундай қилиб, санъат соҳасига кириб келдим. 1943 йилдан радиокомитетда ишлай бошладим.

– Оилангизда санъатга қизиқадиганлар бўлганми? Чунки ўша пайтлар қиз боланинг санъаткор бўлишини кўпчилик истамаган.

– Тўғри айтдингиз, онам менинг санъаткор бўлишимни хоҳламаганлар. Радиокомитетда ишламайсан, деб туриб олганлар. Лекин Имомжон ака ўзлари онамни кўндирган. Оилада Файзи деган акам санъатнинг шинавандаси эдилар. Ажойиб овозлари ҳам бор эди. Доимо қишлоғимиздаги чойхонага чиққанларида ўзларининг айтишича «катта ашула»лардан айтиб, одамларни хурсанд қилиб юрганлар.

– Мақом санъатини ўрганиш, уни маромига етказиб куйлаш осон иш эмас. Бунинг учун фақат овознинг ўзи камлик қилади.

– Бунинг учун инсонда истеъдод ҳам бўлиши керак. 1943 йили Имомжон Икромов Алишер Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон...» деб бошланувчи ғазалини қўлимга тутқазганларида ўн етти ёшда эдим. Лекин радиокомитетда иш бошлаганимдан сўнг мумтоз шеъриятга муҳаббат ва уни ўрганишга бўлган иштиёқ пайдо бўлган эди. Шунинг учун Имомжон акадан хурсанд бўлдим. Бу қўшиққа бутун юрак қўримни бахшида этиб ўргандим. Куйлаётганимда ҳам ҳар бир сўзнинг жарангига, қўшиқнинг оҳангига ва одамлар юрагига чуқурроқ кириб бориши учун ҳаракат қилдим. Пировардида, «Муножот» мени Берта Давидова қилиб элга танитди, машҳур қилди. Мен толеймидан жуда мамнунман. Илк бора радиодан исмимни эълон қилмоқчи бўлган суҳандон аёлга исмим Биллур ёқмасдан, «Кел исмингни жарангдорроқ Берта деган ном билан алмаштирамиз», деди. У пайт ёш эдим, катталарга гап қайтаришга истиҳола қилардим, индамасдан рози бўлдим. Шу-шу асл исмимни ҳеч ким билмай қолди.

– Инсон ёши ўтиб, камолотга эришгани сари елгил-елпи қўшиқлардан кўра, мумтоз қўшиқларга чанқоқлик сезади. Лекин баъзан лирик ва эстрада қўшиқларни тинглаб турса зарар қилмайди.

– Мен азалдан енгил ашулаларни ёқтирмайман. Кўпроқ мақомларни, халқ куйларини яхши кўраман. Ботир Зокировни ҳақиқий эстрада қўшиқчиси, деб биламан. Баъзида базўр қўшиқ куйлаётганларни кўриб, «Эпласанг, овозинг билан қойил қил, бўлмаса саҳнага чиқма, саҳна эъзозни талаб этади», дегим келади. Бизнинг устозларимиз «Энг улуғ, муқаддас жой бу – саҳна. Шунинг учун саҳнада ўзларингни тута билинглар», деб таълим беришган. Ҳонанда ўзи айтаётган қўшиқнинг ичига кириб, сўзларини тушуниб, ўзи ёқтириб, юракдан ижро этиши керак. Энг ачинарлиси, ҳозирги эстрада қўшиқларида мазмун юпун ва маъносиз. Ҳаттоки, қўшиқчи бўлиб туриб, жонли ижро этолмайдиганлари ҳам кўп. Илгарилари катта майдонда йиғилган халойиққа техника воситаларисиз ашула айтиш осон эмасди. Бунинг учун ашулачининг овози ниҳоятда кучли, товуш диапазони кенг бўлиши керак эди. Ҳозир баъзи қўшиқчиларнинг ашуласини авжу даромадини ҳам англамай қоласиз. Чунки ҳаракат қилишмайди, техникага ишониб қолишган-да. Биз эса ўз устимизда тинмай ишлардик. Очиқ далаларда, узоқ қишлоқларда концертлар берардик. Одамлар шунчалик кўп келишардики, ҳайратдан ёқа ушлардик. Бизнинг халқимиз қўшиқсевар, куйсевар, меҳнаткаш халқ.

– Шогирдларим деб кимларнинг номини тилга оласиз?

– Мен радиокомитетда ишлаб юрганимда Консерваторияга ишга таклиф қилишди. Анча йиллар «Мақомчилар кафедраси»да ишладим. У ерда Марям Сатторова, Насиба Сатторова ва Маҳбуба Саримсоқовларни ўқишни битириб кетгунларига қадар тарбияладим. Йўл-йўриқлар бердим. Бугун уларнинг номларини бутун республика билади. Уларга ўзимнинг озгина меҳнатим сингганидан жуда мамнунман.

– Берта опа, Ватан туйғуси деганда нимани тушунасиз?

– Ватан туйғуси деганда ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртига бўлган меҳр-муҳаббатини тушунаман. Мен ҳам туғилиб ўсган юртим Ўзбекистонни севаман, қадрлайман. Мана 45 йил радиода ишладим. Лекин ҳеч ким мени сен яҳудийсан, деб камситмади. У ерда фақат яхшилик кўрдим. Уруш йиллари ўзбек битта нонини, бир коса овқатини ҳеч кимдан аямаган. Марғилонда туғилганман, Тошкентда яшаяпман. Ўзбеклар бошимни силади. Ўзбекистоннинг бир ҳовуч тупроғини бутун дунё бойлигига алишмайман.

Биласизми, ҳозир уч укам чет элда яшайди. Улар кўчиб кетишаётганда мени ҳам олиб кетишмоқчи бўлишган. Мен эса «Йўқ Ўзбекистондан чиқиб, ҳеч қаерга кетмайман. Чунки шу ерда киндик қоним томган, ўзбеклар орасида обрў-эътибор топдим, қандай қилиб туз берган юртнинг тузлиғига тупираман», дедим. Улар мендан қаттиқ хафа бўлишган эди. Бу воқеага анча йиллар бўлди. Ҳозир эса менга ҳаваслари келади. Телефон қилишганда, опа ичимизда энг ақллиси сиз экансиз, биз эса аҳмоқлик қилиб Ўзбекистондай юртимизни ташлаб чиқиб кетган эканмиз, дейишади, афсус билан. Улар юракларидаги ватанга бўлган муҳаббат туйғусини, туғилиб ўсган юртларидан кечиб, бахтли бўлолмаслигини энди ҳис қилишаяпти.

– «Ватанпарвар» газетаси мухлисларига тилакларингиз.

– Менинг ҳам турмуш ўртоғим ҳарбий эди. Госпиталда шифокор бўлиб хизмат қилган. Шу боис ҳарбийларга ҳурматим жуда баланд. Уларга тилагим, юрт тинчлигини ҳимоя қилишдек шарафли бурчларини ҳормай-толмай адо этишсин. Оилаларидан тинчлик, тотувлик ҳеч қачон аримасин!

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

МАЪНАВИЯТ

Жўра ФОЗИЛ

ЙЎЛБАРСДАРАНИНГ СЎНГГИ СУЛТОНИ

(Ҳикоя)



Амударё маст туяга ўхшаб пишқирганича, қирғоқларига асабий бош урар, соҳилдан ўпириб тушаётган тоғдек тупроқ уюмларини бир зумда ямлаб ютарди.

Тикка келган саратон қуёши аёвсиз қиздирар, бўтана тўлқинлар елкасида илдизи билан қўпорилган дов-дарахтлар оқиб келар, бу аёвсиз тўфон узра зор қақшаётган қирғовуллар палапонларини сақлаб қолиш учун сувга тўш уриб учишар, уларнинг аянчли ноласига тоқат қилиш қийин эди. Дарё ўзи «шох ташлаган» жойдаги тўқайзорни домига тортиб улгурган, сув юзида сон-саноқсиз қуш уялари сузиб юрар, соҳилда ғафлат уйқусида қолган жониворлар ҳам оч тўлқинлар қўлида ўйинчоққа айланишганди.

Тик қирғоқда туриб, дарёдаги қиёмат-қойимни томоша қилаётган йўл-йўл жонивор ўша, жаҳонга машҳур Амударё йўлбарслари сулоласининг сўнгги вакили эди.

Эрта тонгда, ҳали дарё сатҳи кўтарилмай, у Йўлбарсдарани тарк этганди. Қандайдир ички бир туйғу уни шунга мажбур этди. Дарё алланечук нотинч, безовта, ғайритабиий бир гувиллаш самони тўлдирган, тўқай шовуллаши қўрқинчли эди.

Йўлбарсдара султони ўзи учун қадрдон гўшани сира тарк этгиси келмас, лекин Оллоҳ томонидан ато этилган ички бир сезгирлик бўйнига сиртмоқ солиб, тик қирғоқ томонга судрарди.

Ҳа, у энди тўқайзорларга сиғмай қолганди. У ёлғиз эди, бу ёлғизлик тобора эзар, дунёдан умид узишга мажбур этарди. Ўзи туғилиб ўсган масканга сиғмай қолгани учун у одамзодни айблашга минг карра ҳақли эди-ю, лекин бундай қилолмасди. Чунки Оллоҳ унга айблаш қобилиятини бермаган, бу «қобилият» тўлиғича уни сарсон-саргардонликка маҳкум этаётганлар ихтиёрида эди. Ва улар «табиат муҳофазаси» дея бонг уриб, қоп-қоп сафсаталар сотиб, ер юзидаги жамийки жонзодларга қирон келтиришда давом этардилар.

Аму соҳилидаги бетакрор тўқайзорларнинг бир қисми сув тошқини қурбонига айланган бўлса, аксарияти одамлар қўли билан гумдон қилинди.

Инсон янги ерларни ўзлаштириш ишлари остида минг йиллик бокира тўқайларга ўт қўйди, соҳилдаги жамийки жонзотлар қирилди, сарсон-саргардон бўлди.

Соҳилнинг кўрки ҳисобланмиш Амударё йўлбарслари ҳам секин-аста қирилиб, «Қизил китоб» саҳифаларидан жой олдилар.

Сув тошқинигача одамлар қўлидан зўрға омон қолган Йўлбарсдара тўқайзори сўнгги йўлбарснинг сўнгги илинжи, у қўним топиб, баҳоли қудрат умрбасар этган сўнгги манзил эди. Сўнгги манзил аввалгидай тўкинсочин бўлмаса-да, ҳар қалай амаллаб қорин тўйдириш мумкин эди. Тўғри, бир-ярим қуёнлар, тобора камайиб бораётган хонгуллар билан тирикчилик қилиш мушкул. Лекин ўз қадрдон гўшасига нима етсин? Сўлим соҳил, тоза ҳаво, муздек сув...

Булар ҳали чошгоҳгача бор нарсалар эди. Энди эса ҳаммасини дарё тўлқинлари ютиб юборди. Сал имилласа, йўлбарснинг ўзи ҳам наҳангларга ем бўларди.

Амударё наҳанглари... Улар нақадар очофат эканини у жуда яхши билади.

Ўзоғ йили у жуфти билан хонгулнинг тотли гўштига тўйиб олгач, соҳилда эринибгина сайр этарди.

Майин шабада эсар, дарё сокин эди. Бирдан сув шалоплади ва улкан наҳанг унинг жуфтига оғиз солиб, тўлқинлар қаърига шўнғиди. У турган ерида қотиб қолди.

Жуфтидан айрилган бечора йўлбарс қумлоқ соҳилда сар-сари кезиб, лойқа тўлқинларга тикилар, бир вақтлар ваҳшатли чақнаб турадиган кўзларидан милдир-милдир ёш оқарди.

У фақат жуфтидан эмас, балки сервиқор, мағрур авлод-аждодларининг барчасидан бир йўла ажралганини англамоқда, ўзи ҳам «ҳалокат» деб аталмиш тубсиз жарлик томон тобора яқинлашиб борарди. У энди бир вақтлар наърасидан соҳил ларзага келган султонга сира ўхшамасди. У ўзининг хос мулозимлари – қорақулоқларни эсларди. Улар ҳам қирилиб битди. Бир қарашда қашқир, бир қарашда итга ўхшаб кетадиган бу жониворлар Амударё йўлбарсларининг беминнат дастёрлари эди.

Тўқай султони ўз мулкининг қайси гўшасига бормасин, қорақулоқ унинг келишидан сал олдин ўша ерда ҳозиру нозир бўлар, қаттиқ, ваҳшатли овоз билан ўкириб, чор-атрофдаги жонзодларни ҳукмдор ташрифидан огоҳ этарди.

Йўлбарслар ҳам, қорақулоқлар ҳам ўзаро оғиз-бурун ўпишмасаларда, бир-бирларини тўлдириб туришарди. Йўлбарс бор ерда қорақулоқ бўлишини, қорақулоқ келган ерга албатта йўлбарс ҳам келишини одамлар ҳам, жонзодлар ҳам яхши билишарди.

Соҳил ранглар хилма-хиллигидан жилоланар, унга бош эгган қоратол, туранғалар шамолда аста-секин чайқалар, йўлбарс эса жуфтининг ўзига таниш, қадрдон ҳидини излаб, қирғоқ тўқайнинг энг олис гўшаларига бориб келарди.

Сув юзасидан эсаётган намчил шамол унинг димоғига балиқ ва қирғовуллар, ўт-ўланлар ҳидини олиб келарди.

Аламзада жонивор фақат ўша таниш бўйни эмас, балки жуфтининг қотилини ҳам излар, вужуди интиқом ўти билан ёнарди.

Туну-кун оқиб ётган дарё ўз бағрида яна қандай сир-синоатларни яширганини билолмаган йўлбарс ҳамон телба тўлқинлардан кўз узмасди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида, офтоб ботар маҳали унга омад кулиб боққандек бўлди. Ғафлат босган наҳанг қирғоққа яқинлашиб келди. Кўзларини ёғ тутган қотил қамишлар орасида пусиб ётган йўлбарсни кўролмас, шу топда ўзи ҳам маҳкум эканини билмасди.

Ҳамлага шайланган йўлбарс соҳилга яқинлашаётган наҳанг айнан ўша қотил эканини қандай англагани ёлғиз Оллоҳгагина маълум.

Камон таранг тортилган, йўлбарс учишга шайланган ўқдек бўлиб турарди.

Ботаётган қуёш нурлари дарё юзини алвон рангга бўяган, оғзини каппа очаётган наҳанг ўлжа изларди.

Қамишлар билинар-билинмас шитирлади ва худди шу аснода йўлбарс бир сапчиб сувга тушдида, наҳангнинг семиз танасидан ғарчча тишлаб, қумлоқ соҳилга судраб чиқди.

Йўлбарс наҳангни бурда-бурда қилиб ташлади. Унинг баҳайбат қорнидан жуфтининг ирий бошлаган йўл-йўл танаси чиқди.

Йўлбарс кўнгли жуда беҳузур бўлиб, наҳанг мурдасидан нари кетди.

Энди унинг кўзларида иложсизлик ёшлари эмас, яна ўша, тўқай султонига хос виқор, қаҳр учқунлари порларди.

●

Дарё ҳамон пишқирар, Йўлбарсдара тўқайидан энди ном-нишон ҳам қолмаганди.

Йўлбарс ўзининг сўнгги соатлари яқинлашаётганини тобора аниқ ҳис этарди. У соҳилдан хийла узоқлашиб кетган, Қизилқумнинг тандирдай қизиган барханлари аро сарсон-саргардон эди.

Йўлбарс жазирама саҳрода нимжон ва ночор мушук ҳолатига тушиб қолганди. У қайноқ қумлар орасида қандай ов қилишни, сув топишни билмасди.

Йўлбарс йўлда учраган бир-ярим қуёнларни қувиб етолмади, ҳолдан тойган эди. Юмронқозиқ ва яна аллақандай ғимирлаган жонзодларни егиси келмади. У ахир, султон эди, султонлигича қолмоқчи бўлди.

Шу тахлит саҳрода бир-неча кун оч-наҳор, сувсиз тентиради. Ниҳоят, кунларнинг бирида, офтоб Мағриб томон оға бошлагач, балиқ сиртига монанд бархан тепасига зўр-базўр эмаклаб чиқди.

Шу кўйи кўзларини юмганича қанча ётганини билмайди.

Бир маҳал, қуёш тафти пасайгандек бўлиб, иссиқ шамол эсди.

У ўйлашга қодир эмасди, лекин кўнглидан қандайдир айқаш-уйқаш фикрлар кечгандек бўлди. Жуфти Амударё наҳангининг қурбони эди, ўзи эса чексиз-чегарасиз қум уммонида йўқлик, йўқсизлик наҳангига ем бўлаяпти.

У қовоқларини зўр-базўр очиб, уфққа тикилди, қуёшнинг сўнгги нурлари аро сим-сим оқиб ётган дарё нуқрадек ярқираб, кўзларини қамаштирди.

Йўлбарсдаранинг сўнгги султони сўнгги кучлари танасини тарк этаётганини сезиб, яна кўзларини юмди. Лекин мўъжизани қарангки, кўзлари юмуқ бўлса-да, дарёни, тўқайни аниқ-равшан кўрмоқда эди!

Дарё аввал оч-кўк, сўнгра қирмизи тус олди. Сўлим соҳил ҳамон унинг кўз ўнгида жилваланарди. Йўлбарс оғир бир кучаниш билан ўрнидан кўзғалмоқчи эди, бўлмади, боши «шилқ» этиб қайноқ қумга тушди. Унинг тўқайга қараган, тўқайга интилган кўзлари энди мангуга юмилган эди...

●

Тўқай беги тошқин оқибатида ўз маконидан ажраб, саҳрода сарсон юрган йўлбарснинг ҳамма қилиқларини билар, изини ҳам яхши танирди. У йўлбарснинг изини олиб, бархан тепасига чиққанида жониворнинг танаси совий бошлаган эди.

Тўқай беги чуқур хўрсиниб, иссиқ қумга чўккалади, йўлбарснинг йўл-йўл танаси, юмуқ кўзларига узоқ тикилди, яна хўрсиниди.

– Эҳ, жонивор, тўқайнинг кўрки эдинг-а. Энди эса Йўлбарсдаранинг ҳам, сенинг ҳам фақат номинг қолди...

Начора, сендан ажойиб бир тулум ясаймиз, авлодлар Йўлбарсдаранинг сўнгги султонини кўриб қўйсинлар, Амударёнинг ана шундай йўлбарслари бўлганини билиб қўйсинлар!..

Диққат, танлов!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 15 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ Қуролли КУчлар марказий музейи кўргазмалар залида 2007 йил 14 январь арафасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида анъанавий VII Умумармия бадиий кўргазмаси очилади ва ўтказилади.

Бадиий ижодиёт кўргазмасида қатнашиш учун тасвирий санъат асарлари (мавзули ва жанрга оид), портретлар, манзаралар, натюрмортлар, расмлар, графика, халқ амалий буюмлари, сополдан ясалган буюмлар (керамика), ёғоч, ганч, металл нақш ўймакорлиги, тўқимачилик, бадиий каштачилик, заргарлик ва зардўзлик буюмлари тақдим этилиши мумкин.

Кўргазма ғолиблари ва совриндорларига:
1-ўрин – 50 минг сўм,
2-ўрин (иккита) – 30 минг сўмдан,
3-ўрин (иккита) – 20 минг сўмдан пул мукофотлари ва дипломлар топширилади.

КОМАНДИРЛАР, УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ РАИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ишлар муаллифлар ҳақидаги маълумотлар билан биргаликда 2007 йилнинг 5 январигача Қуролли Кучлар марказий музейига юборилиши лозим.



ОТ ДЕТЕЙ – ДЕТЯМ

В нашей стране ежегодно проводятся различные акции милосердия для нуждающихся в материальной и социальной помощи.

В средней школе № 171 уже третий год подряд проводится акция милосердия под названием «От детей – детям», в которой активно и с большим желанием принимают участие все ученики школы. Старшеклассники собственными руками мастерят стульчики, а старшеклассницы вяжут, шьют одежду, на деле применяя навыки, полученные на уроках труда, кройки и шитья. Все эти вещи, с любовью изготовленные руками детей, отвозятся в дома милосердия таким же детям, как и мы. Символично и то, что это мероприятие у нас всегда проходит накануне Нового года. Ведь именно в это время дети ждут особого внимания к ним. Тем более что следующий год в нашей стране объявлен Годом социальной защиты. Это означает, что мы всегда должны протягивать руку помощи тем, кто нуждается в этом.

Лаура ЗАЙНИЛОВА, ученица школы № 171.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. ОБРЎЕВ, Ё. ҲАКИМОВ, А. КАМАЛОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-3143. **Адади** 22500.